ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

**Қўлёзма ҳуқуқида**
**УДК: 911.3:338.43 (575.1)**

**РАЖАБОВ ФУРКАТ ТУРАКУЛОВИЧ**

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ ВА ҲУДУДИЙ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
## (Қашқадарё вилояти мисолида)

**11.00.02-Иқтисодий ва ижтимоий география**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Комилова Н.Қ., г.ф.д., доцент**

**Тошкент – 2018 йил**

## М У Н Д А Р И Ж А:


| | | Бет |
|---|---|---|
| | **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси) ...** | **4** |
| **I-БОБ** | **ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ...** | **12** |
| 1.1-§. | Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ва фермерчилик шаклланишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари... | 12 |
| 1.2-§. | Фермер ҳўжаликлари ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишининг назарий масалалари ... | 24 |
| 1.3-§. | Фермер хўжаликларини ривожлантиришда хориж тажрибалари ... | 34 |
| | Биринчи боб хулосаси ... | 43 |
| **II-БОБ** | **ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ВА ИХТИСОСЛАШУВИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ...** | **45** |
| 2.1-§. | Фермер хўжаликларини географик тадқиқ қилишнинг илмий-услубий асослари ... | 45 |
| 2.2-§. | Фермер хўжаликлари жойлашуви ва ихтисослашувининг географик омиллари ... | 53 |
| 2.3-§. | Ўзбекистон фермер хўжаликлари ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари ва ихтисослашуви ... | 60 |
| | Иккинчи боб хулосаси ... | 72 |
| **III-БОБ** | **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ, ТАРМОҚЛАР ВА ҲУДУДИЙ ТАРКИБИ ...** | **73** |
| 3.1-§. | Вилоят қишлоқ хўжалиги ривожланишида фермер хўжаликларининг ўрни ... | 73 |
| 3.2-§. | Минтақа табиий шароити ва фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ... | 80 |
| 3.3-§. | Вилоят қишлоқ хўжалиги тармоқларида фермерчиликнинг ривожланиши ва уларда ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳудудий масалалари ... | 96 |
| | Учинчи боб хулосаси ... | 102 |

| | | |
|---|---|---|
| **IV-БОБ** | **ВИЛОЯТ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ ВА ҲУДУДИЙ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ ....................................** | **104** |
| 4.1-§. | Вилоят фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштиришнинг асосий муаммолари ........................................................................ | 104 |
| 4.2-§. | Минтақа фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ..... | 109 |
| | Тўртинчи боб хулосаси ............................................................. | 117 |
| | **ХУЛОСА ........................................................................** | **119** |
| | **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .............** | **122** |
| | **ИЛОВАЛАР ........................................................................** | **133** |

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё аҳолисининг тез суръатлар билан ўсиб бориш жараёни озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тобора долзарб аҳамият касб этаётганлигидан далолат бермоқда. Шунингдек, «аҳоли ўсиши билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши салоҳиятини камайиб бораётганлиги, тупроқ сифатининг пасайиши ва агроиқлимий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, энг аввало, ҳудудларни қишлоқ хўжалиги тармоқларига тўғри ихтисослаштирмаслик оқибатида юзага келмоқда»[1]. Шу сабабдан, агроиқтисодиёт маҳсулотларини етиштиришда етакчи ҳисобланган фермер хўжаликлари ихтисослашувини самарали ташкил этиш, жумладан, Ўзбекистон минтақаларида илмий тадқиқотлар асосида мазкур хўжаликлар ҳудудий таркибини такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, бу борада фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришини юқори даражада ташкил этиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ихтисослашувини такомиллаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ҳозирги вақтда, қишлоқ хўжалигида мулкдорлар синфини шакллантириш, сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, фермер хўжаликларини ривожлантириш орқали қишлоқ жойларда ижтимоий соҳаларни яхшилаш, қишлоқ жойларда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва мелиоратив ҳолатни яхшилаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда республика қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, минтақалар агроиқлимий ресурсларидан самарали фойдаланиш, фермер хўжаликлари ерларини оптималлаштиришда

[1]UNEP, 2011, Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication, http://www.unep.org/greenekonomy

ҳудудларнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий имкониятларини ҳисобга олиш, кўп тармоқли фермерчиликни ривожлантириш ва уларнинг ихтисослашуви ҳамда ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш»[2] юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, табиий шароити ва геодемографик вазияти турлича бўлган Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги**: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

---

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалигини иқтисодий географик ўрганишнинг назарий-услубий асослари хорижлик олимлар И.Г.Тюнен, К.И.Иванов, В.Г.Крючков, А.М.Носонов, А.Н.Ракитниковларнинг ишларида келтирилган. Республикамизда қишлоқ хўжалиги географиясига оид илк монографик тадқиқотлар ўтган асрнинг ўрталарида профессорлар З.М.Акрамов ва А.Н.Ракитниковлар ҳамкорлигида олиб борилган. Улар Зарафшон ҳавзасида ташкил этилган комплекс иқтисодий-географик экспедицияга раҳбарлик қилган ва 1961 йилда икки жилдли «Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг қишлоқ хўжалиги географияси» номли монографиясини нашр эттирган.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг иқтисодий географик жиҳатлари турли ҳудудлар мисолида М.Юсупов (Андижон вилояти), Р.Ходиев (Китоб-Шаҳрисабз ботиғи), А.Валихонов (Қўқон воҳаси), Е.Умаров (Қуйи Амударё), А.Рўзиев (Сурхондарё вилояти), Б.Ишчанов (Хоразм воҳаси), С.Саидкаримов (Зарафшоннинг ўнг қирғоғи), Т.Эгамбердиев (Келес водийси), К.Қурбонов (Мирзачўл), Б.Миртурсунов (Тошкент вилоятининг тоғли туманлари), С.Боқиев (Тошкент шаҳри атрофи), Х.Халилова (Самарқанд шаҳри атрофи), Ю.Аҳмадалиев (Фарғона водийси), Р.Усмонов (Фарғона шаҳри атрофи), А.Холмирзаев (Фарғона водийси), К.Хидиралиев (Сирдарё вилояти) каби олимлар томонидан ўрганилган.

Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ташкилий-иқтисодий масалалари иқтисодчи олимлар С.Н.Усмонов, И.И.Искандаров, А.Абдуғаниев, Р.Х.Хусанов, Қ.А.Хасанжонов, А.Қодиров, Қ.Абирқулов, О.Абдуллаев, Т.Х.Фармонов, С.С.Ғуломов, А.С.Цамутали, Қ.А.Чориев, Э.Ф.Трушин, Ч.Муродов, А.Содиқов, Ф.Т.Эгамбердиев, Ф.Х.Назарова, Н.С.Хушматов каби олимлар томонидан ўрганилган. Агросаноат мажмуалари ривожланишнинг иқтисодий географик муаммолари билан М.Махмудова, Қ.Алланов, Х.Шосаидов, Х.Абдуназаровлар шуғулланишган. Қишлоқ хўжалигини карталаштириш Т.Мирзалиев, А.Эгамбердиев, А.Базарбаев, К.Гадоев ва

С.Авезовларнинг тадқиқот объекти ҳисобланган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқотларнинг кўпчилиги аввалги режали иқтисодиёт тизими доирасида бажарилган бўлиб, улар қишлоқ хўжалигида мулкчилик шакллари ўзгарган шароитда бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Бинобарин, мазкур диссертация фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, айнан шу жиҳати билан юқорида келтирилган илмий ишлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг А-2-62 «Рақобатли бозорлар ўсиши шароитида минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш стратегияси» мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фермер хўжаликларини иқтисодий географик ўрганишнинг илмий-услубий асосларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ҳудудий таркибига таъсир этувчи омилларни ва уларнинг аҳамиятини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини вилоятлар кесимида тадқиқ этиш;

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ривожланиши, ихтисослашуви, ҳудудий таркиби ва иқтисодий кўрсаткичларини ҳудудлардаги иқтисодий географик шароит билан боғлиқ равишда тадқиқ қилиш ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш;

минтақа фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** вилоят фермер хўжаликларининг ривожланиш омиллари, ихтисослашуви ва ҳудудий таркиби ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихий, географик таққослаш, картографик, математик-статистик ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

табиий шароити ва демографик вазияти турлича бўлган ҳудудларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш (асосий ихтисослашган тармоқ, иккинчи ва учинчи даражали тармоқлар, қайта ишлаш соҳалари) асосланган;

фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони ва аҳоли жойлашуви орасидаги корреляцион алоқадорлик юқори даражада (R = -0,85) эканлиги аниқланган ва шу асосда фермер хўжаликларга бириктирилган ер ҳажмини белгилашда демогеографик омилни ҳисобга олиш зарурлиги очиб берилган;

фермер хўжаликларининг ривожланиш шароитлари нуқтаи назаридан районлаштириш мезонлари (ер майдони ўртача ҳажми, ер фонди таркиби, етиштирилаётган маҳсулотларнинг ўзаро нисбати) асосланган;

фермер хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ўзаро уйғунликда ривожлантириш, ҳудудларнинг табиий-иқлим шароити ҳамда ер-сув ресурслари салоҳиятига мос ҳолда ихтисослашувини такомиллаштириш, хўжаликлар фаолиятини қайта ишлаш бўғинлари билан тўлдириш бўйича Қашқадарё вилояти қишлоқ туманлари кесимида таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

аҳоли зичлиги ва фермер хўжаликларининг ўртача ер майдонларини шаклланиши ўртасида боғлиқлик мавжудлиги асослаган;

фермер хўжаликлари тармоқларининг кластерлашиш салоҳияти пахтачилик тармоғи мисолида аниқланган;

илк бор Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари ва Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ихтисослашуви хариталари тузилган;

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришнинг асосий муаммолари аниқланган, уларнинг ечимига оид илмий-амалий таклифлар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари ҳамда Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази материалларидан фойдаланилгани, муаллифнинг бевосита ўрганилаётган ҳудудларда кузатув ишлари асосида яратилган карталар, хулоса, таклиф ва тавсияларини амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фермер хўжаликларини математик-статистик ва картографик усуллар ёрдамида тадқиқ этишда илмий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, аввало, олинган асосий хулоса ва тавсиялардан Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларини ихтисослаштириш ва ривожлантириш стратегияси ҳамда дастурларини ишлаб чиқишга, шунингдек, республика олий таълим тизими тегишли йўналишларида ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

табиий шароити ва демографик вазияти турлича бўлган ҳудудларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича таклифлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги амалиётига жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 январдаги 03/15-31-сон маълумотномаси). Натижада Қашқадарё вилояти тоғ ва тоғ олди, чўл ва шаҳар атрофида фермер хўжаликларини ихтисослашуви ҳамда ҳудудий таркибини такомиллаштиришга имкон берган;

фермер хўжаликлари ер майдони ҳажми ва аҳоли жойлашуви орасидаги корреляцион алоқадорликка оид хулосалар «Инсон географияси» номли ўқув қўлланмага сингдирилган (28.06.2017 й., 434-077-рақамли гувоҳнома). Натижада фермер хўжаликларига бириктирилган ер ҳажмини белгилашда демогеографик омилни ҳисобга олиш бўйича таклиф этилган материаллар «География» йўналишида бакалаврларнинг қишлоқ хўжалиги географияси ҳақидаги билимларини чуқурлаштиришга ва ўқитиш сифатини оширишга имкон берган;

фермер хўжаликларини ривожланиш шароитлари нуқтаи назаридан асосланган районлаштириш мезонлари Ўзбекистон Республикасининг «Яйловлар тўғрисидаги» Қонунини ишлаб чиқишда амалий таклиф сифатида қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари Қўмитасининг 2017 йил 3 октябрдаги 04/4-05-100-сон маълумотномаси). Ушбу амалий таклиф турли тармоқларга ихтисослашган ва кўп тармоқли фермер хўжаликларида яйловлардан оқилона фойдаланишга имкон берган;

фермер хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ўзаро уйғунликда ривожлантириш, ҳудудларнинг табиий-иқлим шароити ҳамда ер-сув ресурслари салоҳиятига мос ҳолда ихтисослашувини

такомиллаштириш, хўжаликлар фаолиятини қайта ишлаш бўғинлари билан тўлдириш бўйича Қашқадарё вилояти қишлоқ туманлари кесимида ишлаб чиқилган илмий асосланган таклифлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 январдаги 03/15-31-сон маълумотномаси). Натижада фермер хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ўзаро уйғунликда ривожлантириш, Қашқадарё вилоятининг табиий-иқлим шароити ҳамда ер-сув ресурслари салоҳиятига мос ҳолда хўжаликлар ихтисослашувини ташкил этиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси**. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан 14 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

# I-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

## 1.1-§. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ва фермерчилик шаклланишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакат қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш мақсадида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, яъни деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Айни вақтда, республикамизда фермер хўжаликлари тўғрисидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди.

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истиқболини топмоқда [114; 3-4 б.].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 декабрдаги Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга барча зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Фермер ва деҳқонларимиз қишлоқ хўжалигида асосий куч бўлиб, нафақат

мазкур соҳани, балки бутун мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, юртимизни ҳар жиҳатдан обод ва фаровон қилишда беқиёс ишларни амалга ошираётганини бугун фахр ва ғурур билан, миннатдорчилик билан қайд этамиз" [115], деб таъкидладилар.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда, фермер хўжаликларининг тармоқлар ва ҳудудий таркиби, ихтисослашувини такомиллаштириш, фермер хўжаликлари ерларини оптималлаштиришда ҳудуд имкониятларини ҳисобга олиш, минтақалар ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, фермер хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ўзаро уйғунликда ривожлантириш борасида ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги, бу борада иқтисодий географик тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

Фермер хўжаликларини ташкил қилиш 1998 йилда жорий этилган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари 50 йилгача бўлган, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши кўзда тутилган [3; 3-б.]. Шунингдек, 2000 йиллардан бошлаб фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларни устувор йўналиш сифатида барқарор ривожлантириш мақсадида ер участкаларини фермер хўжаликларига бириктириш, эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар кўлами кенгайтирилди.

Ҳозирги вақтга келиб, республика қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш борасида фермер хўжаликлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда 2015 йилда жами 101 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият олиб борган, уларга 5809,6 минг гектар ер майдон бириктирилган. Мазкур хўжаликларда 1245,0 мингдан зиёд аҳоли меҳнат қилган ва улар томонидан жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 35 фоизига яқини етиштирилган.

Республикамизда ўтган давр мобайнида фермер хўжаликларини ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилди.

Фермер хўжаликлари кўрсаткичлари йиллар бўйича таҳлил қилинганда, уларнинг сони 2007 йилгача тобора ортиб борганлигини кўришимиз мумкин. Чунончи, 2000 йилда фермер хўжаликлари сони 43,7 мингтани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилга келиб 5 мартага яқин кўпайди ва 217,1 мингтага етди. Кейинги йилларда эса фермер хўжаликлари сони кескин қисқарган, яъни 2010 йилга келиб уч йил олдинги ҳолатга нисбатан 3 мартага камайган. Бундай ўзгариш асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сон "Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши билан боғлиқ бўлди. Натижада, 2009-2010 йилларда мамлакатимизнинг барча минтақаларида фермер хўжаликлари ер майдони йириклаштирилди. Бироқ, кейинги йилларда йирик хўжаликларда юқори қарздорлик кузатилиши ва ишчи кучидан самарасиз фойдаланилганлиги боис, уларнинг ер майдони ҳажми қисқартирилди.




**1.1-расм. Республикада фермер ва деҳқон хўжаликларига бириктирилган жами экин майдонларининг ўзгариши (минг га).**

Расм Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган умумий ер майдонлари истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб 2008 йилга қадар тобора ортиб борган ва шунинг ҳисобига фермер хўжаликлари маҳсулот етиштириш ҳажми юксалишда давом этган (1.1-расмга қаранг). Шу нуқтаи назардан, босиб ўтилган бу даврни тадқиқот ишида фермер хўжаликларини ***экстенсив*** ривожланиш босқичи деб изоҳланди. Ундан кейинги йилларда эса фермер хўжаликларининг тараққий этиши бевосита ***интенсив*** йўналишда, яъни қўшимча ер майдонлари ажратилмасдан фақат ички имкониятлар (экинлар ҳосилдорлиги, чорвалар маҳсулдорлиги) ҳисобидан олиб борилмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, 2015 йил 1 январь ҳолатига республика жами фермер хўжаликларида 1245,0 мингдан ортиқ киши меҳнат қилган. Мазкур тармоқда банд бўлганлар сони, асосан, 2000 йиллардан бошлаб жадал кўпайиб борган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мазкур тармоқда банд бўлганларнинг камайиши кузатилмоқда. Масалан, 2008 йилда улар 1754,0 минг киши, 2010 йилда – 1521,6 минг киши, 2015 йилда – 1245,0 минг кишини ташкил этган. Буни фермер хўжаликлари сонининг қисқарганлиги ва, айни вақтда, улар майдонининг кўпайганлиги (бошқача қилиб айтганда, бир неча фермер хўжаликларини битта фермер хўжалигига бирлашиши) натижада, тугатилган хўжаликлар ишчиларининг ишсиз қолиши билан изоҳлаш мумкин. Айни пайтда, бу жараён ўртача бир фермер хўжалиги аъзосига тўғри келадиган ер майдонининг кейинги вақтда жадал ўсишига ҳам сабаб бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан ҳозиргача бўлган даврда мулкчилик шаклларининг жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги улуши турлича ўзгариб келган. Айнан шу кўрсаткич аграр соҳада мулкчилик шаклларининг ўзгариб боришини яққол намоён этади. Жумладан, фермер хўжаликларининг бу борадаги ҳиссаси йилдан-йилга ортиб борган. У 2000 йилда 5,5 %, 2003 йилда 14,8 %, 2006 йилда 31,4 %, 2014 йилда 32,9 % ва 2016 йилда 34,0 фоизга тенг бўлган. (1.2-расмга қаранг).




**1.2-расм. Республика ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотида турли мулкчилик шакллари улушининг ўзгариши (фоизда).**

Расм Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Қишлоқ хўжалик корхоналари улушининг 1990-2007 йиллар оралиғида 55-60 фоиздан 2-3 фоизга пасайиши кузатилган ва бу рақам кейинги йилларда ўзгармасдан қолмоқда. Табиийки, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши, асосан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳиссаси камайиши эвазига кўпайган.

Таҳлилларга кўра, фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг кўпайиб бориши жами қишлоқ хўжалиги ва деҳқон хўжаликларига нисбатан жадалроқ кечмоқда. Хусусан, 2005 йилда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мамлакатда 105,4 фоизга ўсган бўлса, фермер хўжаликларида у 130,7 фоизга ортган. Худди шундай, бу кўрсаткичлар, мос равишда, 2006 йилда 106,7 ва 146,6 фоиз; 2007 й.-106,1 ва 117,8 фоизга тенг бўлган. Бироқ, сўнгги йилларда нисбат бирмунча тенглашган: 2015 йил якунлари бўйича фермер хўжаликларида яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2014 йилга қараганда 106,2 фоизга

ўсган ҳолда, жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бу даврда 106,7 фоизга ортган.

Таъкидлаш жоизки, республикада фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантириш борасида бугунги кунга қадар юздан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, хусусан, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ишлаб чиқилган. Ушбу тадқиқот ишида уларнинг энг муҳимлари, яъни фермерчилик тараққиётига кучли таъсир этган ва улар фаолиятида туб ўзгаришларга сабаб бўлганлари таҳлил қилинган.

Истиқлолнинг биринчи беш йиллигида, яъни 1991-1996 йиллар мобайнида режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки асослари шакллантирилди. Республикада деҳқон-фермер хўжаликларини мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида тан олиш ва фаол расмийлаштириш жараёни 1991 йилнинг охирларидан бошланди. Ҳукуматнинг бир қатор қарорларида деҳқон ва фермер хўжаликларини янада ривожлантириш назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 декабрдаги “Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 30 декабрдаги 315-сон “Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоралари ҳақида”ги Қарори ишлаб чиқилди ва изчиллик билан амалга оширилди. Ушбу фармон ва қарорнинг жорий қилиниши мамлакатда деҳқон ва фермер хўжаликларини бозор шароитида таркиб топаётган хўжалик юритишининг янги шакли сифатида ҳисобга олиш ва ривожлантириш учун дастлабки ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Қарорда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида бошланғич ер фондини шакллантириш, уларни моддий-техника ресурслари ва кредитлар билан таъминлаш ҳамда фермерлар фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масалалари белгилаб берилди. Шунга

биноан, республика ер фондидан фермер хўжаликлари учун 200,0 минг гектар махсус ер ажратилди. Сурункали зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари тарқатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Дастлабки фермер хўжаликлари, асосан, республика захира ерларида, меҳнат ресурслари етишмайдиган, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кам унумли, фойда бермайдиган ёки кам рентабелли ерларида шакллантирилган. Қарорда фермерлар ўз хўжаликлари учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик техникаларини эркин сотиб олиш ва тасарруф этиш, давлат органлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва савдо ташкилотлари билан мустақил ўзаро муносабатлар ўрнатиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, бу вақтда чорвачилик фермалари, боғ ва токзорлар, кичик ер майдонлари, иссиқхоналар хусусийлаштирилди. Қишлоқ жойларда шакллана бошлаган янги мулкдорлар, яъни фермерлар эркин иқтисодий фаолият юрита бошладилар [107].

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги “Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва бошқа қарорлари орқали иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, хўжаликни нодавлат шаклларига айлантириш, маҳсулдорлиги паст чорва фермаларини жамоага мулк қилиб бериш йўли билан қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фермер хўжаликларини йўлга қўйишга кенг имкониятлар яратиб берилди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, мустақилликнинг дастлабки беш йиллигининг охирига келиб, республикада 20 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият олиб борган, бироқ режали аграр муносабатларнинг асоратлари ва эски тизимнинг сақланиб қолиши оқибатида қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш суръати бироз пасайган, 1996 йилга келиб 1991 йилга нисбатан 15,2 фоизга қисқарган.

1997-2000 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шаклларини ривожлантириш, уларда маҳсулот ишлаб чиқаришни такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги ва “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги Қонунлар (1998 йил 30 апрель) ишлаб чиқилди. Деҳқон ва фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони (1998 йил 10 октябр) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида“ги (1998 йил 31 декабр) 543-сон қарорлари имзоланди [117; 15-18 б.].

“Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонунга кўра, фермер хўжалиги уни тузаётган аъзолар хоҳишига кўра ихтиёрий  ва ўз ишлаб чиқаришини белгиланган қонунчилик доирасида юқори фойда олишни кўзлаб ташкил этилади ҳамда фаолиятнинг қонун орқали таъқиқланмаган ҳар қандай тури билан шуғулланишга ҳақлидир [3]. Шунингдек, мазкур қонунда фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари ҳам аниқ кўрсатиб берилган. Унга биноан, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда иш бошлайди. Бунда шартли равишда ҳар бир бош мол ҳисобига қуйидаги коэффициентлардан фойдаланилади: қорамоллар (сигирлар, насл олинадиган новвослор, бўрдоқига боқиладиган новвослар) ва отлар учун 1,0 ёш, қорамоллар учун – 0,6, қўй ва эчкилар учун – 0,1, чўчқалар учун – 0,3 ҳамда паррандалар учун – 0,025.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисобланганда:

1. Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда – камида 0,30 гектарни;

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида суғориладиган ерларда – камида 0,45 гектарни;

3. Суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда – камида 2 гектарни ташкил этиши зарур. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами: пахтачилик ва ғаллачиликда 30 гектарга, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун камида 5 гектарга тенг бўлиши шарт [3; 4-б.].

Алоҳида таъкидлаш керакки, айнан ушбу гуруҳлаштиришда, яъни чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларини ҳудудий ташкил этишда минтақаларнинг географик хусусиятлари яққол кўзга ташланади. Бунда асосий эътибор вилоятларнинг табиий, иқтисодий-ижтимоий, ва, айниқса, ер ресурслари билан таъминланганлигига қаратилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, 1997-2000 йиллар агроислоҳотларга бой бўлди. Жумладан, фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати юклатилган Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, фермер хўжаликлари ташкил этилиши ва фаолияти давомида биринчи сармоя ва кредитлар беришга ихтисослашган "Республика деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси" ташкил этилди. Шунингдек, ушбу даврда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурининг ҳам қабул қилиниши қишлоқ хўжалигида ташкил этилган янги мулкчилик шаклларининг маҳсулот етиштиришдаги аҳамияти ортишига сабаб бўлди. Натижада, уч йил давомида аграр соҳа 113,3 фоизга ўсди.

2001 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган фермер хўжаликларини янада ривожлантириш мақсадида

давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг турли механизмларини амалиётга жорий қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Қишлоқда бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш, моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, молиялаштириш ва кредитлашнинг янги шаклини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва бошқа долзарб масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган кўплаб дастурлар тайёрланди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонида фермер хўжаликларини шакллантиришнинг қуйидаги асосий қоидалари белгилаб берилган:

- фермер хўжаликлари, қоида тариқасида, тугатиладиган, зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизида ташкил этилади;
- фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан, хусусий корхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинади;
- фермер хўжаликларига бериладиган ер майдонлари ширкат хўжаликларининг балансидан чиқарилади;
- етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни фақат фермер хўжаликларининг ўзлари тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри тузадилар.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги "Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари худудида ўзаро сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш қоидаси тўғрисида"ги 8-сон Қарорига асосан Сув истеъмолчилари уюшмалари ташкил этилди. Сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) – сувдан фойдаланувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзлари ташкил этиб, ўзлари молиялаштирадиган ва

ўзлари бошқарадиган нодавлат, нотижорат, жамоа ташкилотидир. Дастлаб қарорда СИУга, кейинчалик “Сув ва сувдан фойдаланиш” Қонунининг 27-моддасига мувофиқ СИУларга сув тақсимотида бирламчи истеъмолчи, фермерларга эса иккиламчи истеъмолчи мақоми ҳам берилган бўлиб, фермерлар фақатгина СИУ орқали сув олишлари мумкин. Хеч бир фермер ирригация тизим бошқармаси ёки бошқа сув хўжалиги ташкилотларидан СИУ иштирокисиз сув олиши мумкин эмас [1; 5-б.].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги 3342-сон “Фермер хўжаликларини 2004-2006 йилларда ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги 476-сон “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори фермер хўжаликларини 2004-2006 йиллар давомида жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Мазкур концепцияни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури фермер хўжаликлари фаолиятидаги энг муҳим йўналишлар: ер-сув муносабатларини такомиллаштириш; фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; сервис ва ҳуқуқий хизматлар соҳасини ривожлантириш; молия-кредит механизмини такомиллаштириш; меҳнат муносабатлари ва кадрлар тайёрлаш соҳасини тўғри ташкил этиш; маҳсулот тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларидан иборат бўлиб, ҳар бир йўналиш бўйича ҳукумат ва маҳаллий хокимиятларга тааллуқли алоҳида вазифалар белгиланди.

Республикамизда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси изчил амалга оширилгандан сўнг 2007 йилга келиб фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонларининг умумий қишлоқ хўжалиги ерларидаги улуши 17,5 фоиздан 63,3 фоизга, суғориладиган майдонларнинг салмоғи 72,1 фоизга етди. Фермер хўжаликларининг умумий сони 189,2 мингтага, уларга бириктирилган ер 4,9 млн. гектарга ортди. Уларнинг ялпи қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2003 йилда 14,8 фоиздан 2006 йилга 32,3 фоизга кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги "Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг жорий қилиниши агроиқтисодиётни янги қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашга шароит яратиб берди. Мазкур ислоҳотлар натижасида ушбу даврда деҳқон ва фермер хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги яққол кўзга ташланиб, бир йилда ўртача 6,8 фоиздан ўсди.

Мамлакатда бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида фермер хўжаликларининг ташкил топиши аграр ислоҳотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сон "Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши натижасида бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони 2 бараварга, яъни 27 гектардан 56 гектарга кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сон Қарори билан "Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4478-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш жараёнида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, фермер хўжаликларини тугатишда қонунчилик нормаларига риоя этиш кафолатларининг ишончли тизимини яратиш мақсадида қабул қилинди.

Фермер хўжалиги раҳбарининг туман (шаҳар) ҳокимига берилган аризаси бўйича амалга ошириладиган фермер хўжалиги ер майдонини ихтиёрийлик асосида мақбуллаштириш (камайтириш) тартиби белгиланган. Бунда ихтиёрийлик доирасида олиб борилаётган мақбуллаштиришдан сўнг фермер хўжалигида қолган ер майдони Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган минимал миқдордан (30 гектардан) кам бўлмаслиги керак. Мазкур аграр ислоҳотлар оқибатида ушбу даврда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш янада жадаллашди ва 2008-2016 йиллар мобайнида бу кўрсаткич ўртача олдинги йилга нисбатан 106,0 фоиздан ўсмоқда. Эндиликда фермер ҳўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилиши учун ер ресурслари билан таъминланиши оптимал даражага яқинлашган бўлсада, соҳани янада ривожлантириш борасида жойларнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий омиллари ва фермер хўжаликлари тармоқларини ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

## 1.2-§. Фермер хўжаликлари ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишининг назарий масалалари

Маълумки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги собиқ Иттифоқ даврида бошқа иттифоқдош республикалар каби режали иқтисодиёт талабларига мувофиқ ташкил этилган ва ушбу тармоқ маҳсулотларини етиштиришда жамоа хўжаликлари етакчилик қилган. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришуви натижасида аграр секторда режали иқтисодиёт барҳам топди ва ҳукумат томонидан изчил амалга оширилаётган ислоҳотларда бозор муносабатлари асосида янги мулкчилик шакллари – деҳқон ва фермер хўжаликларини шакллантириш ва барқарор ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шаклларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг илк асослари республика мустақилликка эришиши арафасида, яъни 1989 йилда бошланди. Бу вақтда колхоз ва совхозлар фаолиятида ўзгаришлар рўй берди ва улар ерларидан шахсий ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш мақсадида қўшимча ер майдонлари ажратилди. Бундай ерлар 1989 йилда 250 минг гектардан 1990 йилда 400 минг, 1991 йилда 600 минг гектарга кўпайди. Ушбу даврда йирик хўжаликларда ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ишчилар гуруҳи ёки алоҳида оилаларга ижарага беришни кўзда тутувчи жамоа ҳамда оилавий пудрат услублари ҳам жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодий инқирозлар кескинлашган вазиятда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини жиддий яхшилашга шароит яратган.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз аграр секторида хўжалик юритишнинг асосий икки тури, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг икки тоифаси мавжуд: фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликлари. Яқин йилларгача жамоа хўжаликлари аграр маҳсулотлар тайёрлашда етакчилик қилиб келган бўлса-да, айни вақтда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг асосий қисми фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Қайд этиш жоизки, агроиқтисодиётнинг иккита асосий ташкилий шаклининг ҳар бири учун махсус қонунлар – “Фермер хўжаликлари тўғрисида” ва “Деҳқон хўжаликлари тўғрисида” Қонунларнинг қабул қилиниши билан фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигининг мақоми, уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ташкилий-иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти сифатидаги умумий ва фарқли томонлари аниқ белгилаб берилди.

“Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонунга асосан фермер хўжаликлари – танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқариши

билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир [3; 4-б.]. Унинг мақсади қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотларини етиштириш йўли билан даромад (фойда) олиш, ўзининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади. Вазифалари эса, ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш, мустақил равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек, хизматлар кўрсатиш, ветеринария қоидаларига риоя қилган ҳолда, чорва моллари маҳсулдорлигини оширишдан иборат.

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва барқарор ривожлантириш, энг аввало, республикамиз қишлоқ хўжалигида муайян ер, меҳнат маҳсули ва ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган мулкдорлар синфини шакллантириш; сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш орқали экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш; агроиқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш; қишлоқ жойларда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш; аграр сектор фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш; қишлоқ хўжалигида ташкилотчи, тадбиркор ва етук мутахассисларни шакллантириш; қишлоқ жойларда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш; тупроқ унумдорлигини ошириш асосида ердан самарали фойдаланиш ва мелиоратив ҳолатни яхшилаш юзасидан зарур эди [89; 33-34 б.].

Деҳқон хўжаликлари – юридик шахс мақомига эга бўлган ва бўлмаган ҳолдаги майда оилавий хўжалик бўлиб, уларга ажратилган ер оила аъзоларининг меҳнати билан кам миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаради ва сотади. Деҳқон хўжаликлари 0,06 ва 0,12 гектаргача бўлган ер участкалари ҳамда уларга умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқига эгадир. Ҳозирги кунда бундай участкалар

ҳажми суғориладиган ерларда 0,35, лалмикор ерларда 0,5 гектаргача кенгайтирилиши мумкин [2; 3 б.].

Деҳқон хўжаликларининг фермер хўжаликларига нисбатан асосий устунлигини уларнинг экин турларини эркин танлаш ва жойлаштириш имкониятига эга эканлиги, янги ва серҳосил навлардан фойдаланиш имкониятининг кенглиги, нисбатан унумдор ерларда шаклланганлиги, экиш ва агротехника тадбирларининг ўз тажрибаси ҳамда малакали мутахассислар кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда мустақил амалга ошириши, энг муҳими, етиштирилган маҳсулотларни эркин тасарруф этиши ҳамда молиявий натижа бўйича шахсий жавобгарлик ва манфаатдорликнинг юқорилиги каби омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Деҳқон хўжалиги назариясининг асосчиси таниқли рус олими Александр Васильевич Чаяновнинг фикрига кўра, деҳқон хўжаликлари кичик (майда) ишлаб чиқариш шакли сифатида намоён бўлади ва унинг марказида, энг аввало, оила манфаатлари туради. Ушбу мулкчилик шакли ривожланиши оиланинг эҳтиёжи билан белгиланади ва у қишлоқ аҳолисининг ҳаёт кечириш манбаидир. Бундай хўжаликлар тараққиётига ташқи таъсирлар деярли сезилмайди ва шу сабабдан ҳам улар бошқа мулкчилик шаклларига нисбатан турғун бўлади [98; 75-78 б.].

Шунингдек, олим деҳқон хўжаликлари нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, экологик ва маданий аҳамиятга ҳам эга эканлиги, оила мустаҳкам бўлса, мазкур хўжаликлар ҳам барқарор ривожланишини таъкидлайди.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари кўплаб хорижий давлатларда бир хил маънони ифодалайди. Шу сабабдан, айрим давлатларда улар тўғрисидаги қонунларда деҳқон (фермер) хўжаликлари деб юритилади. Тадқиқотлар кўрсатишича, бу икки тушунча орасида турлича ишлаб чиқариш фарқларини кўриш мумкин. Масалан, деҳқон хўжаликлари, асосан, ўз эҳтиёжини қондиришга маҳсулот етиштирса, фермер хўжаликлари ички ва ташқи бозор учун товар ишлаб чиқаради. Шунингдек, ишчилар сони ва ишлаб чиқариш

фондларига кўра ҳам улар бир-биридан фарқланади. Биринчисида оила аъзолари фаолият олиб боришса, иккинчисида кўп ҳолларда, айниқса, ҳосилни йиғиб олиш мавсумида ёлланма ишчиларга эҳтиёж сезилади. Демак, бу икки хўжалик шакли орасидаги фарқ ишлаб чиқариш ҳажми ва уни реализация қилиш билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида (1997 йил, март) аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг манафаатларини ҳимоя қилувчи уюшма фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари белгилаб берилди.1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши билан аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликларининг мақомини аниқлаштириш, уларнинг муваффақиятли фаолият юритишини таъминлашнинг қонуний механизмлари такомиллаштирилди. Жумладан:

Биринчидан, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари деҳқон хўжалиги сифатида қайта номланди ва унинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилди.

Иккинчидан, деҳқон хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, мақоми, ташкилий-иқтисодий асослари ва унинг қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти сифатидаги хусусиятлари аниқ белгилаб берилди.

Учинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сон қарори билан фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тартиби тасдиқланди.

Тўртинчидан, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунда уларни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солиш механизми белгилаб берилди.

Мамлакатимиз аграр секторида фаолият олиб бораётган мулкчиликнинг ушбу ташкилий шаклларидан ташқари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа хўжалик тоифаларини ҳам учратиш мумкин (гарчи уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги улуши деярли сезилмасада). Булар:

- ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари, агарда улар ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисмини сотадиган бўлса;
- илмий-тадқиқот муассасаларининг тажриба участкалари;
- бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари, жумладан, акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамиятлар, ширкатлар, қишлоқ хўжалик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ва сотадиган хўжаликлараро корхона ва ташкилотлар.

Республикамизда деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасидаги тафовутлардан бири улар ҳажмининг катта-кичиклигида: мамлакатда бир деҳқон хўжалигига ўртача 0,10 га ер тўғри келса, фермер хўжаликларида бу кўрсаткич 36,1 гектарни ташкил этади. Бундан ташқари, деҳқон хўжалиги эгалари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида меҳнат қилишлари ҳам мумкин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи мулкчилик шакллари ўртасидаги тафовутларнинг яна бир муҳим омили – бу давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тузилмаси ва қишлоқ хўжалик экинларининг айрим турлари учун нарх белгилашда фаол иштирок этишидир. Бозор механизмлари ишларига бундай аралашув бугунги кунда Ўзбекистон учун асосан пахта ва буғдой етиштирувчи фермер хўжаликларига тегишлидир. Бу жараён фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ҳудудий ташкил этилишига ўз таъсирини ўтказади.

Маълумки, ҳудудий ташкил этиш иқтисодий ва ижтимоий географиянинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, у деярли барча тадқиқотларда қўлланилади. Хусусан, жамиятни [99; 72; 35-42 б.], ишлаб чиқариш ва табиатдан фойдаланишни [46; 71], қишлоқ хўжалигини [16; 36; 53; 70], шу жумладан, ер ресурсларидан фойдаланишни [18] ҳудудий ташкил этиш борасида тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, профессор А.Солиев [79] ҳудудий ташкил этишнинг назарий жиҳатлари тўғрисида фикр юритган.

Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шаклларини, яъни деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳудудий ташкил этиш масаласи бевосита қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш борасида яратилган назарияларга асосланади. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш – ҳудудий меҳнат тақсимоти жараёнида маълум вазифани бажарувчи, мажмуали табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида шаклланган қишлоқ хўжалик корхоналари ва агросаноат мажмуаларини оптимал жойлаштиришдир [36; 19-23 б.].

Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш масаласи ўрганилганда, энг аввало, немис олими Иоган Генрих Тюненнинг ғоясини таъкидлаш жоиз. У XIX асрнинг 20-30-йилларида ўзининг қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқди. И.Тюнен ғоясининг асосий моҳияти йирик шаҳар, яъни истеъмол маркази атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни ҳудудий ташкил қилишдан иборат. У бу ғояни амалга татбиқ қилиш учун хўжалик билан шаҳар ўртасидаги масофа, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархи  ва ер рентасига асосланади. [67; 66; 15-23 б.].

И.Тюнен ушбу ғоя асосида аҳолига, яъни истеъмолчига нисбатан қишлоқ хўжалиги тармоқларининг жойлашув тизимини яратди. Бу тизим илмий адабиётларда “Тюнен ҳалқалари” деб номланади. Унга кўра, қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари истеъмол маркази атрофида ҳалқасимон жойлашади. Олимнинг фикрига кўра, биринчи ҳалқа – боғдорчилик,

сабзавотчилик ва қисман сут чорвачилиги; иккинчиси – ўрмон хўжалиги (ўша даврда ўтин учун); учинчиси – картошка, арпа етиштириш ва уруғчилик, сут чорвачилиги; тўртинчиси – юқори унумдор ғаллачилик ва сут-гўшт чорвачилиги; бешинчиси – ғаллачилик ва, ниҳоят, олтинчи ҳалқада – яйлов чорвачилиги ҳисобланади. И.Тюнен асосий эътиборни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига арзон ва сифати бузилмаган ҳолда етказиб беришга қаратган [80; 41-49 б.].

Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шаклларини ҳудудий ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунончи, бугунги кунда фермер ва деҳқон хўжаликлари аграр секторнинг турли маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бир-биридан фарқланади ва уларнинг жойлашишида ҳам географик тафовутлар кўзга ташланади. Хусусан, деҳқон хўжаликлари кўпроқ чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда устунлик қилса, фермер хўжаликлари, асосан, стратегик аҳамиятга эга бўлган – пахта, ғалла, мева-узум ва полиз маҳсулотларини етиштириш бўйича етакчи ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ушбу мулкчилик шаклларини ҳудудий ташкил этиш, жойлаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Деҳқон хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ҳудудий ташкил этишда қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бинобарин, бундай мулкчилик шакллари бевосита аҳоли истиқомат қилаётган жойлар ва уларнинг яқин атрофида жойлашади. Фермер хўжаликлари эса, деҳқон хўжаликларидан кейинги поғонада, баъзи ҳолларда қишлоқ аҳоли манзилгоҳларидан анча узоқ масофаларда ҳам жойлаштирилиши мумкин. Муҳими шундаки, фермер хўжаликлари ривожланиши ва аҳоли жойлашуви (зичлиги) орасида муайян даражада боғлиқлик мавжуд.




**1.2.1-расм. Ўзбекистон ҳудудлари кесимида фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони ва аҳоли жойлашуви орасидаги корреляцион боғлиқлик (2015 йил маълумоти асосида)**

Расм муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқот жараёнида ўртача ер ҳажми сингари фермер хўжаликларининг муҳим кўрсаткичи ҳудудлардаги аҳоли зичлигига юқори даражада боғлиқ эканлиги аниқланди. Ушбу иккита миқдорий кўрсаткич орасида жуфт корреляцион боғланиш кучли даражадалиги ва у тескари пропорционал характерга эга эканлиги исботланди (1.3-расмга қаранг). Бундан хулоса қилиш мумкинки, фермер хўжаликларини ҳудудий ташкил этиш, фаолиятини самарали йўлга қўйишда фақатгина ер-сув ресурсларини эмас, балки аҳоли жойлашуви омилини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, мазкур мулкчилик шакллари ўзаро ва аҳолига нисбатан жойлаштирилиши баробарида ҳар бири алоҳида ҳудудий ташкил этилиш хусусиятига ҳам эга. Хусусан, турли тармоқларда ихтисослашган фермер хўжаликларини ҳудудий ташкил этишда табиий, ижтимоий-иқтисодий шароитлар инобатга олиниши мақсадга мувофиқ. Булар, энг аввало: табиий шароит, яъни жойнинг рельефи, ер ресурслари ва сув захиралари билан таъминланганлиги, геоэкологик вазияти, агроиқлимий

ресурслар: намлик, ҳарорат ва тупроқ қоплами; иқтисодий географик омиллар – шаҳарлар ривожланиши ва урбанизация, транспорт инфратузилмаси; демографик вазият – аҳоли сони, зичлиги, бандлиги, ёш ва миллий таркиби (2.2. параграфда ушбу омилларнинг ҳар бирини фермер хўжаликлари ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишига таъсири тавсифланган).

Қайд этиш лозимки, рус олими Н.Н.Колосовский томонидан асос солинган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ғоясини маълум маънода фермер хўжаликларига ҳам қўллаш мумкин. Мазкур илмий ғоянинг моҳияти маълум бир ҳудудда ёки жойда аҳоли пунктлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланиши ва жойланишидан иборат. Бунинг натижасида, яъни ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик жиҳатдан мужассамлашувида юқори иқтисодий самарага эришилади [34; 87-122 б.].

Шу нуқтаи назардан, фермер хўжаликларини кўп тармоқли шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратиб, борада мамлакатимизда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўп тармоқли фермерчиликнинг географик хусусияти уларнинг маълум бир ҳудудда бир-бири билан алоқадорликда, мажмуа сифатида ривожланишидир. Чунончи, деҳқончилик маҳсулотлари – ғалла сомони, маккажўхори пояси, пахтадан олинган шелуха, кунжара каби ем-хашаклар чорва моллари учун озуқа, ва, аксинча, чорва чиқиндилари деҳқончиликда ўғит вазифасини ўташи уларни ўзаро уйғунликда, мужассамлашган ҳолда ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини кўрсатади. Бу эса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жараёни билан биргаликда фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш тармоқларининг бирикмасини, мажмуасини шакллантириш имконини беради.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигининг, хусусан, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган янги мулкчилик шаклларининг ривожланиши ва ҳудудий

ташкил этилиши мураккаб жараён ҳисобланиб, бу йўналишдаги тадқиқотларда мажмуали (комплекс) географик ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, бу борада ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий-меъёрий шарт-шароитлар ҳамда жойларнинг табиий хусусиятлари билан бирга, ушбу соҳанинг ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаларини ҳам ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

## 1.3-§. Фермер хўжаликларини ривожлантиришда хориж тажрибалари

Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уни ривожлантириш борасида ислоҳотлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 декабрдаги “Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 30 декабрдаги 315-сон “Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоралари ҳақида”ги Қарори ишлаб чиқилиши билан бошланди. Ўтган давр мобайнида фермер хўжаликлари тўлиқ шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда бу борада муайян даражада тажриба орттирилди. Бироқ, таъкидлаш жоизки, аксарият хорижий давлатларда фермер хўжаликлари ташкил этилганига бир асрдан ортиқ вақт бўлган ва уларда бу соҳада бой тажриба тўпланган. Мазкур давлатлар тажрибаларидан республикамиз фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришда қўллаш, уларни хўжалик юритиш фаолиятларига тадбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жумладан, Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)да фермер хўжалиги ривожланганлигининг асосий хусусияти юқори даражада ихтисослашганлиги ва механизациялашганлиги ҳисобланади. Шу боис, бундай хўжаликларда, одатда, фермер ва унинг оиласи, баъзан бир-иккита қўшимча ёлланма ишчи меҳнат қилади. Табиий шароитига боғлиқ ҳолда фермер хўжаликлари сони

штатлар даражасида турлича тақсимланган. Хусусан, энг кўп фермерлар Техас, Миссури, Айова штатларида фаолият олиб борса, айни вақтда, шимоли-шарқда жойлашган Коннектикут ва Делаверда уларнинг сони нисбатан кам.

АҚШ статистикасида маҳсулотини бир йилда 1000 доллардан ортиққа сотган фермер хўжаликлари ҳисобга олинади, 250 минг доллардан кўп маҳсулот реализация қилганлари йирик, ундан кам бўлса кичик хўжалик сифатида қайд этилади. Жами фермер хўжаликлари маҳсулотларини 80,0 фоизи йирик хўжаликларда ишлаб чиқарилади [24; 10-14 б.]. Хўжаликлар катта бўлса ҳам, кичик бўлса ҳам, асосан, битта оила фаолият олиб боради. 1950 йилга қараганда АҚШ фермер хўжаликларининг ўртача ҳажми 2,1 мартага ошган, яъни 87,0 гектардан 187,0 гектарга етган ва бу жараён кейинги йилларда ҳам давом этмоқда. Хўжаликларнинг асосий қисми 20 гектаргача (30 %) ва 70-200 гектар оралиғида (25 %) шаклланган. Демак бу мамлакатда йирик хўжаликлар билан биргаликда кичик хўжаликлар ҳам самарали фаолият олиб бормоқда.

АҚШда сўнгги йилларда ерларни ижарага олиш кенг тарқалмоқда. Ижарачи сифатида, асосан, фермерлар хизмат қилади. Аммо, баъзи штатларда ижарачи шаҳарда яшовчи, қишлоқ хўжалиги соҳасидан мутлақо хабари йўқ кишилар ҳам бўлиши мумкин. Ижарага 15 гектардан 35 гектаргача ер берилади. Бир гектар лалми ерлар нархи 180, суғориладиган ерлар 350, яйловлар эса 23 доллар атрофида. Айтиб ўтиш жоизки, мамлакатда жами меҳнатга яроқли аҳолининг 2,5 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд [23; 35 б.].

Канада қишлоқ хўжалиги ривожланишида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва мужассамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу ерда ҳам фермер хўжаликлари сони камайиб, бир хўжаликка тўғри келувчи ўртача ер майдони ортиб бормоқда ва бу жараён охирги йилларда нисбатан барқарорлашган. Ҳозирги вақтда хўжаликларнинг ўртача майдони мамлакат

бўйича 211,2 гектар, шу жумладан, ҳайдаладиган ерларда 143,2 гектарни ташкил этмоқда. Мазкур давлатда сабзавот маҳсулотлари 40 гектаргача, ғалла 80 гектардан 300 гектаргача ерга эга фермер хўжаликларида етиштирилади. Фермерларнинг асосий қисми маккажўхори, буғдой ва соя етиштириш билан шуғулланишади. Шунингдек, ушбу хўжаликларда чорвачилик ҳам яхши тараққий этган. Канадада ердан фойдаланишнинг икки шакли мавжуд: хусусий ва ижара. Хусусий фойдаланишга 42,3 млн га ер бириктирилган бўлса, 9,2 млн га ерни фермерлар давлатдан ижарага олиб фаолият олиб боради [37; 27-28 б.].

Японияда Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ер ислоҳотлари қайта кўриб чиқилди. Йирик монопол бирлашмалар тарқатилиб, уларнинг ерлари кичик мулкдорлар – фермерларга бўлиб берилди. Бундай ерлар мазкур мамлакатда 1946 йилда қабул қилинган “Ер ислоҳотлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, монопол бирлашмаларнинг қайта пайдо бўлмаслиги мақсадида чекланган. Таъкидлаш жоизки, ушбу давлат фермер хўжаликларининг асосий хусусияти ер майдонининг кичиклигидир. Бинобарин, бугунги кунда Японияда мавжуд фермер хўжаликларининг 2/3 қисмидан ортиғи бир гектаргача бўлган ерларда фаолият олиб боради. Фақатгина 1,7 фоиз фермерлар ихтиёрида 5,0 га ва ундан ортиқ ер (Хокайдо оролида) мавжуд. Японияда жами 4,3 млн дан ортиқ фермерларнинг тахминан 15 фоизи ушбу тармоқдан оладиган даромад ҳисобига ҳаёт кечиради [109; 32 б.].

Чунки, ер майдонларининг бундай кичик эканлиги фермерларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан бирга бошқа соҳаларда ҳам банд бўлишига олиб келган. Японияда чорвачиликка ихтисослашган бир фермер хўжалигига ўртача 32 бош чорва ҳайвони тўғри келади ва улар асосан молхоналарда интенсив усулда парвариш қилинади. Бу мамлакат фермерлари ер майдонлари кичик бўлганлиги боис ёлланма ишчилар меҳнатидан фойдаланишмайди. Таъкидлаш лозимки, Японияда 200 йиллик тажрибага эга бўлган беданачилик фермер хўжаликлари ҳам мавжуд [50; 121 б.].

Австралия иқтисодиётида ҳам қишлоқ хўжалиги катта аҳамиятга эга. 2012 йил 1 январь ҳолатига ушбу мамлакатда 136 минг фермер рўйхатга олинган. Улар мамлакат ер майдонининг 60 фоизини эгаллайди. Бу ерда ҳам фермер хўжаликларининг сони қисқариб, ўртача ер майдони ортиб бормоқда. Чорвачиликда, асосан, қўй ва йирик шохли қорамоллар боқилса, деҳқончиликда ғалла ва мева асосий экин тури ҳисобланади. Бир фермер хўжалигига ўртача 17 бош йирик шохли қорамол парвариш қилиниб, шундан 7 таси соғин сигирлардир. Мамлакат фермерлари кўпроқ гўштга ихтисослашганлиги билан ажралиб туради [44; 125-128 б.].

Европа мамлакатларида фермер хўжаликларининг майдони 10 гектардан 60 гектаргача, бир хўжаликда боқиладиган йирик шохли қорамоллар 30-300 бош, чўчқалар 50 бошдан 100 бошгача фарқланади. Бундай ҳудудий тафовутларнинг юзага келишига жойларнинг ем-хашак базаси таъсир этган. Уларда фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 13,9 гектар бўлиб, айни вақтда, мамлакатлар бўйича бу кўрсаткич бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Британияда фермер хўжалигининг ўртача ер ҳажми 80,4 гектарга, Данияда 30,7, Францияда 29,0, Ирландияда 22,7, Германияда 18,0, Голландияда 14,9, Белгияда 14,1, Италияда 10,8, Грецияда 4,3 гектарга тенг. Кейинги ўринларда Скандинавия давлатлари туради, уларнинг фермерлари нисбатан кичик ерлардан фойдаланади [45; 89 б.].

Шу билан бирга, ушбу давлатларда қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш натижасида нисбатан кичик хўжаликлар йирик фермер хўжаликларига қўшилиб кетиши юз бермоқда. Чунончи, Германияда 1970-2000 йилларда фермерлар сони йилига ўртача 1,2 фоиздан камайган. Бир фермер хўжалигига ўртача 18,0 га ер ва 16 ишчи, 28 бош қорамол тўғри келади, бир сигирдан ўртача 7300 кг сут олинади [30; 60 б.].

Швеция фермер хўжаликлари асосий қисмининг ўртача ер ҳажми 20-40 гектар бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўрта ҳолда 70 бош қорамол ва 60 бош қўй мос келади. Бу мамлакатда сут етиштиришга ихтисослашган хўжаликларда

соғиладиган сигирлар сонининг энг мақбули 25-38 бош ва улардан 6500-7500 кг сут соғилади. Бир хўжаликда ўртача 4 киши меҳнат қилади [44; 207 б.].

Англия фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган бир ишчига 36,6 т ғалла, 25,5 т сут ва 5,7 т гўшт тўғи келади ва ушбу мамлакат бу жиҳатдан, яъни меҳнат унумдорлиги бўйича жаҳонда олдинги ўринларни эгаллайди [56; 49 б.].

Голландия дунёда қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатлардан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакат фермерлари 5 гектардан 30 гектаргача бўлган ер майдонида меҳнат қилишади. Бу ерда селекция ва наслчиликка алоҳида эътибор қаратилади. Фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва ем-хашак билан таъминлашда илғор технологиялар қўлланади, бу эса хўжаликларнинг бозор талабларига тез мослашиши ва рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлашига имконият яраган [44; 140 б.].

Финландияда фермер хўжаликлари сони 200 мингдан ортиқ, ўртача майдони 13 га, шунингдек, 30 гектардан ижарага ер олади. Ҳар бир фермерда ўрта ҳисобда битта комбайн, иккита трактор, 35 та йирик шохли қорамол, 100 бош чўчқа мавжуд. Хўжаликларнинг 1/3 қисми сутга ихтисослашган бўлиб, кўпчилиги ижарага олинган ерларда етиштирилган ем-хашак базаси асосида шахсий молхоналарда боқилади [97; 120 б.].

Дания қишлоқ хўжалигида фермерчилик яхши йўлга қўйилган. Мамлакат фермерларининг 15 млн аҳолини боқишга имконияти бор. Мулкчиликнинг ушбу шаклида етиштирилган маҳсулотлар дунёнинг 175 та мамлакатига экспорт қилинади. Ўртача бир хўжаликка 50 гектар ер майдони, 50 бош йирик шохли қорамол, 2 минг чўчқа парвариш қилинади. Бир сигирдан 7500 кг сут олинади ва сут маҳсулотларининг 80 фоизи экспортга йўналтирилади. Дания фермер хўжаликлари тор ихтисослашган бўлиб, асосан, паррандачилик, йирик шохли қорамолчилик, чўчқачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишади. Энг кўп ишлаб чиқарадиган агроиқтисодиёт маҳсулоти сут ва чўчқа гўшти. Қизиғи шундаки, бу ерда

фермер хўжалиги ерларига эгалик қилиш (сотиб олиш) учун камида 5 йиллик махсус касбий тажриба талаб этилади. Агросаноат мажмуасида 141,0 минг киши ёки жами мамлакат аҳолисининг 4,0 фоизи банд [27; 15 б.].

Такидлаш жоизки, бир фермер хўжалигида тайёрланган йиллик ўртача маҳсулот ҳажми ҳам юқорида таҳлил этилган мамлакатларда фарқланади. Бинобарин, бу борада Британия (87,0 минг доллар), АҚШ (85,0 минг доллар), Германия (60,0 минг доллар), Франция (60,0 минг доллар) ва Италия (19,0 минг доллар) давлатлари алоҳида ажралиб туради.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, иқтисодиёти ривожланган малакатларда фермер хўжаликлари аграр соҳанинг энг самарали шакли ҳисобланади. Бундай мамлакатларда фермерчилик кўпроқ оила меҳнатига асосланади. Кўпчилик хорижий давлатларда фермер хўжаликлари ихтисослашувини чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш мужассамлашувини ошириш, илғор тажрибаларни қўллаш ва интенсивлаштириш асосида хўжаликлар йириклашиб бормоқда. Иқтисодиёти ўтиш даврига хос бўлган мамлакатларда ҳам фермерчиликнинг бундай ривожланиши катта аҳамиятга эга. Хусусан, собиқ Иттифоқ республикаларида мулкчиликнинг ушбу шакли иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фермер хўжаликлари ер майдонларини белгилашда (оптималлаштиришда) қатор мунозарали ҳолатлар юзага келмоқда. Бу соҳада ҳам хорижий, шу жумладан, МДҲ давлатлари тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мамлакатларда фермер хўжаликларининг ер майдонлари 1 гектардан (Арманистон) 50 гектаргача (Украина, Белоруссия, Россия) ўзгаради. Бинобарин, Россия “Деҳқон (фермер) хўжаликлари тўғрисида”ги Федерал Қонунига мувофиқ, бундай хўжаликлар алоҳида оила, бир неча оилалар гуруҳи ва оиладан ташқаридагилар билан биргаликда ҳам ташкил этилади ва давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Ушбу давлат аграр иқтисодиётида бугунги кунда

мазкур мулкчилик шаклининг аҳамияти ортиб бормоқда. Хусусан, сўнгги 15 йил ичида уларнинг сони 5 мартага кўпайган. Айниқса, бу кўрсаткич чорвачиликда жуда тез ўсиб борган [74; 6-8 б.].

Россия статистик маълумотларига кўра, мамлакатда деҳқон (фермер) хўжаликларига бириктирилган ер майдони 2000 йилда 6,5 млн га, 2005 йилда 11,9 млн га, 2010 йилда 15,6 млн га ва 2014 йилда 18,0 млн гектардан ортиқни ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 2005 йил 20,0 %, 2010 йил 23,7 фоизи фермер хўжаликларида етиштирилган. Олтой ўлкасида бу кўрсаткич нисбан юқори, мос равишда, 24,0-37,6 % [38; 67-78 б.].

Белоруссия қишлоқ хўжалигида ҳам турли мулкчилик шаклларини вужудга келтиришга эътибор қаратилаётган бўлса-да, бироқ аграр ишлаб чиқаришнинг янги шакли деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳисобланади. Республикада дастлаб 1991 йилда қабул қилинган “Деҳқон (фермер) хўжаликлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бир хўжаликка бириктирилган энг катта ер майдони 50 гектарни ташкил этган. 1998 йилдан бошлаб Республика Президентининг Фармонига мувофиқ фермер хўжалиги ер ҳажмининг энг юқори чегараси 100 га этиб белгиланган [100].

Деҳқон (фермер) хўжаликдари тўғрисида Қонунининг 2-бандида “Фермер хўжалиги мустақил хўжалик юритиш мажмуаси бўлиб, у, асосан, битта оиланинг меҳнатига таянади ва албатта товар маҳсулоти ишлаб чиқаради”, деб таъриф берилган. Ушбу мамлакат сиёсий мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг 6803 та фермер хўжаликлари шакллантирилган эди, аммо уларнинг аксарияти (64 %) ҳуқуқий-ташкилий асосларнинг заифлиги, молиявий маблағларнинг етишмаслиги, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари яхши ишлаб чиқилмаганлиги, фермерлар касбий тайёргарлигининг пастлиги ва ерларнинг кам маҳсулдорлиги сабабли ўз фаолиятини қисқа вақт ичида тугатди. Натижада, мамлакатда ушбу камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пайтда, Белоруссияда 2,8 минг фермер хўжаликлари мавжуд ва уларга 157,5 минг гектар майдон бириктирилган. Бу эса, жами қишлоқ хўжалик ерларининг 1,8 фоизини ташкил этади. Битта фермерга ўртача 56,2 га ер мос келади. Фермерчилик маҳсулотларини етиштиришда ўсиш кузатилмоқда. Жумладан, сўнгги 20 йилда картошка етиштириш 5 марта, сабзавот қарийб 15 мартага кўпайган. Шунингдек, гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳам ортиб борган. Белоруссияда фермер (деҳқон) хўжаликлари ихтисослашувига кўра икки йўналиш ажратилади: кўп тармоқли ва тор ихтисослашган хўжаликлар. Жами фермерларнинг деярли ярми деҳқончиликка, 20 фоиздан ортиғи чорвачиликка йўналтирилган, қолган қисми кўп тармоқли ҳисобланади. Ушбу мулкчилик шаклида ҳосилдорлик ғаллачиликда 31,4 ц/га, картошкачиликда 214 ц/га, сабзавот етиштиришда 292 ц/га ни ташкил этмоқда [44; 250 б.].

Украинада ҳам қишлоқ хўжалик фаолиятини юритишнинг энг самарали шакли фермерчиликдир. Бу ерда фермерларга 3 млн гектардан ортиқ ер бириктирилган бўлиб, у мамлакат умумий майдоннинг 7,5 фоизини ташкил этади. 2005 йилдан бошлаб фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни реализация қилиш йилига 30-35 фоизга ошиб бормоқда.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, АҚШ, Канада, Швеция, Дания, Япония каби мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, асосан, оилавий фермер хўжаликлари яратади. Дунё бўйича фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш, энг самарали ҳажмини белгилаш бўйича кўплаб олимлар томонидан тадқиқот олиб борилган бўлса-да, бироқ, бу борада бир фикрга келинмаган. Бу хўжаликларнинг катта-кичиклиги жойларнинг табиий шароити, демографик ҳолати ва иқтисодий вазияти билан изоҳланади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, аксарият хорижий мамлакатларда фермер хўжаликлари тараққиёти, асосан, қуйидаги омилларга боғлиқ:

- фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини самарали ташкил этиш;

- фермер хўжаликлари билан боғлиқ ҳуқуқий-меъёрий асосларни такомиллаштириш;

- фермерларни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш ва эскирганларини янгилаб бориш;

- фермерларга ажратилаётган кредит ставкаларини пасайтириш ва имтиёзли солиқ тизимини жорий этиш;

- ахборот, хизмат кўрсатиш ва қайта ишлаш соҳаларини янада ривожлантириш.

Қайд этиш жоизки, кўплаб хорижий мамлакатларда фермер хўжаликларининг турли хил кооперацияларга бирлашиши бўйича ҳам бой тажриба тўпланган. Ривожланган давлатлар фермер хўжаликларининг тараққий этишига кўп жиҳатдан кооперацияларнинг ташкил этилиши ва муваффақиятли фаолият юритиши ҳам сабаб бўлмоқда. Фермерлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, маҳсулотни сотиш ва бошқа шу каби йўналишларда кооперацияларга ихтиёрий бирлашади. Жумладан, бундай жараёнга Голландия, Ирландия, Япония каби давлатларда фермерлар 100 фоиз қатнашади. Европанинг қолган мамлакатлари, АҚШ, Канада ва Австралияда ўртача 80 фоиз фермерлар худди шундай бирлашмалар таркибига кирган. Бироқ, айни вақтда, Буюк Британия ва Италияда бу кўрсаткич 35-40 фоизга тенг, холос.

АҚШ фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларнинг деярли ҳаммаси (90 фоизга яқи дон, чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар) ушбу бирлашмалар орқали сотилади. Шунингдек, уруғ, чорва озиқаси, ўғит, ёқилғи-мойлаш ҳамда қурилиш маҳсулотлари кооперативлар иштирокида сотиб олинади. Бу давлатда жами 6,2 мингдан ортиқ хизмат кўрсатувчи бирлашмалар мавжуд бўлиб, улар фермер хўжаликларига мелиорация, транспорт, электроэнергия, чорва молларини сунъий қочириш, тупроққа

ишлов бериш, ресурс тежовчи технологияларни қўллаш, ветеринария, ҳашаротларга қарши курашиш, кадрлар тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва бошқа соҳалардаги ишларни амалга оширади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ер юзида энг машҳур ва барча тармоқлари ривожланган кооперациялар АҚШдаги “Heartland” ва Германиядаги “Nemis raffayzen” кабилар саналади. Улар ҳаттоки фермерларнинг даласига бориб, ер ва қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш хизматини ҳам амалга оширишлари мумкин. Бунинг учун ушбу бирлашмалар замонавий техника ва етук мутахассислар билан таъминланган [42; 35-41 б.].

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, кооперативлар фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, натижада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, мамлакатимизда ҳам бундай бирлашмаларни йўлга қўйиш, фермерларга кооперациянинг афзаллигини тушунтириш, уларнинг ихтиёрий бирлашишини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, фермер хўжаликларини ташкил этиш, ихтисослаштириш, ривожлантириш ва бошқариш борасида бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатларда шаклланган бой тажрибаларни комплекс таҳлил қилиш, ўрганиш ва умумлаштирган ҳолда республикамиз фермер хўжаликларининг тараққий этиши учун илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш ушбу соҳа самарадорлигини янада оширади.

## Биринчи боб хулосаси

Республика қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва бу борада қуйидагиларга эришилди: аграр секторда режали иқтисодиёт барҳам топди ва бозор муносабатлари шакллантирилди; яқин йилларгача қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашда етакчилик қилган

жамоа хўжаликлари фаолияти деярли тугатилди; бугунги кунда агроиқтисодиёт ялпи маҳсулотининг асосий қисми фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Жаҳон қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритиш тажрибаси фермер хўжаликларининг бошқа хўжалик шаклларига нисбатан бир қанча афзалликларини кўрсатди. Шу сабабли ҳукумат томонидан мазкур хўжаликларни ривожлантириш ҳар томонлама қўллаб-кувватланмоқда ва бундай устуворлик берилиши чуқур ўйланган аграр сиёсатнинг натижасидир.

Янги мулкчилик шаклларининг бозор иқтисодиёти шароитида ва соғлом рақобат асосида ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий база яратилган. Хусусан, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлар, “Ер кодекси”, республика Президентининг бир қатор Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари фермер хўжаликлари фаолиятининг мулкий дахлсизлиги ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлашга ҳамда қўллаб-қувватлаш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, аксарият хорижий давлатларда фермер хўжаликлари ташкил этилганига бир асрдан ортиқ вақт бўлган ва уларда бу соҳада бой тажриба тўпланган. Шу боисдан, фермер хўжаликларини ташкил этиш, ихтисослаштириш, ривожлантириш ва бошқариш борасида бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатларда шаклланган тажрибаларни комплекс таҳлил қилиш, ўрганиш ва умумлаштириш асосида республикамиз фермер хўжаликларининг тараққий этиши учун илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

# II-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ВА ИХТИСОСЛАШУВИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

## 2.1-§. Фермер хўжаликларини географик тадқиқ қилишнинг илмий-услубий асослари

Тадқиқот ишида фермер хўжаликларини географик ўрганиш методологик жиҳатдан икки йўналишда амалга оширилди. Биринчиси, умумгеографик ўрганиш, бунда статистик, иқтисодий таҳлил, омилларни таҳлил қилиш, географик таққослаш, гуруҳлаштириш, районлаштириш, карталаштириш каби методлардан фойдаланилди. Иккинчиси, монографик усул ҳисобланиб, унда бир хўжалик доирасида тадқиқот олиб борилади ва эксперт-сўровнома, хўжалик раҳбарлари билан суҳбат ўтказиш, математик ҳисоблаш ҳамда иқтисодий прогноз усуллари қўлланилди (2.1-расмга қаранг).

Таъкидлаш жоизки, картографик, статистик ва иқтисодий таҳлил усулларидан фермер хўжаликларининг монографик ўрганишда ҳам, умумгеографик ўрганишда ҳам фойдаланиш мумкин. Хусусан, картографик методдан фермер хўжалигини ер кадастр карталарини тузишда фойдаланилиши бунга яққол мисол бўла олади. Мулкчиликнинг ушбу шаклини ўрганишда бу методлардан алоҳида, ва, айни вақтда, комплекс фойдаланилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур диссертация ишида дастлаб фермер хўжаликларини умумгеографик ўрганиш республика мустақилликка эришгандан сўнг аграр тармоқда олиб борилган ислоҳотлар, уларнинг асосий йўналишлари ва ҳудудий ҳусусиятларини таҳлил қилишдан бошланди. Хусусан, тугатилган ширкатлар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилиши, фермер хўжаликлари сони ва бириктирилган ер майдонларининг йиллар мобайнида ўсиб бориши ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ширкат

хўжаликлари улушининг камайиб, ва, аксинча, фермер хўжаликларининг ҳиссаси ортиб борганлиги *статистик* усуллар асосида таҳлил этилди. Шунингдек, ушбу метод орқали фермер хўжаликларининг турли кўрсаткичлари: ихтисослашуви, ер майдони, ишчи ходимлар сони, бир фермер хўжалигига тўғри келувчи ўртача кўрсаткичларнинг ўзгариши сабаблари ҳам ўрганилди.




**2.1-расм. Фермер хўжаликларини географик ўрганиш усуллари**

Расм муаллиф томонидан тузилди.

Бугунги кунга қадар фермер хўжаликларининг ривожланиши икки босқичга ажратилди. Биринчиси, экстенсив ривожланиш босқичи бўлиб, у 1991-2008 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда фермер хўжаликлари ширкатлар ўрнида босқичма-босқич ташкил этилган, яъни уларга бириктирилган ер майдонлари кўпайиб борган ва шу сабабдан ҳам ушбу

мулкчилик шаклининг агроиқтисодиётда етиштирилаётган ялпи маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ошган. Иккинчиси, интенсив ривожланиш босқичи – 2008 йилдан ҳозиргача бўлган давр. Бунда фермер хўжаликлари ер майдонлари кўпаймайди, унинг тараққий этиш фақат ички имкониятлар ҳисобидан олиб борилади. Хусусан, ирригация инфратузилмасини такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида мелиоратив тадбирларни ўз вақтида олиб бориш, селекция-уруғчилик ютуқларидан кенг фойдаланиш кабилар фермер хўжаликларининг интенсив ривожланишига кучли таъсир этади.

*Иқтисодий таҳлил* усули ёрдамида фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, бандлик ҳолати ва таркиби, ихтисослашуви, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот етиштириш ҳажми, ҳосилдорликнинг ўзгариш хусусиятлари ҳам таҳлил этилади. Шу билан бирга, республикада пахта ва ғалланинг асосий қисми фермер хўжаликларида етиштирилади, айнан ушбу маҳсулотларни яратишда ҳеч бир мулкчилик шакллари фермер хўжаликларига тенглаша олмайди ва уларнинг ривожланишини бугунги кунда фермерчиликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Узумчилик, полизчилик ва мевачиликда ҳам унинг салмоғи юқори ва бу кўсаткич сўнгги йилларда янада ўсаётганлиги (интенсив боғлар ҳисобига), бироқ, сабзавот ва картошканинг асосий қисми деҳқон хўжаликларида яратилаётганлиги, бу борада фермер хўжаликлари самарадорлигини ошириш масалаларини тадқиқ этишда ҳам ушбу тадқиқотда иқтисодий таҳлил методидан фойдаланилди.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги икки методлар (статистик, иқтисодий таҳлил) ўзаро уйғунлигида, яъни статистик маълумотларни иқтисодий таҳлил қилиш ёрдамида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисолашган фермер хўжаликларининг ривожланиш хусусиятларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бинобарин, фермер хўжаликларида деҳқончиликда ялпи ва тармоқлар (фермер хўжаликларида пахта, ғалла, узум, мева, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларининг ҳосилдорлиги кўриб

чиқилди) бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш динамикаси ўрганилди. Мазкур мулкчилик шаклининг улуши деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда анча юқори эканлиги, ўз навбатида, деҳқончилик тармоқларида маҳсулот етиштириш бўйича фермер хўжаликларининг ўрни турлича кузатилиши таҳлил этилди. Шунингдек, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига ажратилган ерлар, улардан фойдаланиш ҳолати, фермер хўжаликларида ялпи ва тармоқлар даражасида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш динамикаси, ҳудудий таркиби статистик маълумотларни иқтисодий таҳлил этиш асосида ўрганилди.

Республика фермер хўжаликлари кўрсаткичларининг турли ҳудудларда турлича шаклланиши, ихтисослашуви ва унинг ҳудудий таркибининг юзага келишига таъсир этувчи *омилларни таҳлил қилиш*га (ер-сув ва меҳнат ресурслари, геоэкологик ва демографик вазият, шаҳарлар ривожланиши ва урбанизация, транспорт, ирригация инфратузилмаси, илмий-техника тараққиёти, иқтисодий ва сиёсий омиллар) алоҳида эътибор қаратилди, ҳар бир омилнинг фермер хўжаликлари ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишига таъсири ўрганилди. Қолаверса, мазкур метод кўмагида фермерчиликни турли табиий хўжалик районларида – тоғ ва тоғ олди ҳудудлари, қадимдан суғорма деҳқончилик ривожланган районлар, янги ўзлаштирилган ерлар, суғорма деҳқончилик умуман ривожланмаган чўл минтақаси ҳамда йирик шаҳарлар атрофи ва урбанизациялашган минтақаларда ҳудудий ташкил этиш, уларни диверсификация қилиш масалалари тадқиқ этилди.

Фермер хўжаликларида умумгеографик тадқиқотлар олиб боришда *географик таққослаш* усули алоҳида аҳамият касб этади. Бунда таққослаш, асосан, икки йўналишда амалга оширилади: биринчисида, қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мулкчилик шаклларининг ўзгарди, республикамизда ҳозирда иккита: деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжаликлари фаолият олиб бормоқда, улар ўзаро

таққосланиб ўрганилса, иккинчисида эса, фермер хўжаликлари ривожланиши ва ихтисослашувининг ҳудудий хусусиятлари, жумладан, маъмурий бирликлар – вилоят ёки туманлар бир-бири билан солиштирилади.

Тадқиқот ишида *гуруҳлаштириш* методидан ҳам самарали фойдаланилган. Бинобарин, мазкур усул орқали фермер хўжаликлари ер майдонлари, ишчилар сони каби кўрсаткичлари асосида республика минтақалари хўжаликлари ривожланиши ва ихтисослашувини чуқурроқ ўрганиш мақсадида гуруҳлаштириш асосида алоҳида минтақа даражасида таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунончи, мазкур тадқиқот ишида Қашқадарё вилояти туманлари доирасида ўрганилди. Вилоят қишлоқ хўжалиги тармоқларида фермер хўжаликлари улуши, бириктирилган ер майдони салмоғи, аҳоли бандлигини таснифлашда ҳам бу усулдан фойдаланилди. Шунингдек, фермерчиликни хўжаликлар даражасида гуруҳлаштириб ўрганиш Шаҳрисабз тумани маълумотлари асосида амалга оширилди.

Фермер хўжаликларининг ҳудудий ихтисослашувини географик ўрганиш “Табиий шароит → Қишлоқ хўжалиги экинлари → Фермер хўжалиги” тизими доирасида олиб борилди. Чунки, табиий шароит, яъни ер ресурслари, сув захиралари ва агроиқлимий ресурслар тўғридан-тўғри хўжаликларнинг ихтисослашувига эмас, энг аввало, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришга таъсир этади. Фермер хўжаликларини ҳудудий ихтисослаштириш эса қишлоқ хўжалиги экинларини жойланишидан келиб чиқади.

Ҳар қандай географик тадқиқотлар негизида *районлаштириш* масалалари туради. Фермер хўжаликларида бу жараён қишлоқ хўжалигини иқтисодий районлаштириш ғоялари асосида олиб борилди. Ушбу тадқиқотда Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларининг ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда 4 та район белгилаб олинган. Фермер хўжаликларида ер-сув ресурсларидан ўзаро уйғунликда ва оқилона фойдаланиш, фермер

хўжаликлари ерларини оптималлаштириш муаммоларини (экин тури бўйича) ўрганишда ҳудудий ёндашув, энг аввало, районлаштириш масаласини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигини, хусусан, фермер хўжаликларини географик жиҳатдан тадқиқ этишда *картографик* усул ўзига хос ўрин тутади. Республикамизда мустақиллик йилларида кўплаб соҳалар сингари қишлоқ хўжалиги тармоқларини тавсифловчи хариталар яратилди. Бироқ, фермер хўжаликлари географик жиҳатдан жуда кам ўрганилган ва уни карталаштириш масалалари бошқа кўплаб иқтисодиёт тармоқларидан бироз ортда қолишига сабаб бўлган.

Фермер хўжаликларини карталаштириш, яъни соҳада кечаётган жараёнларнинг мазмун-моҳиятини картада акс эттириш, тармоқни ривожлантириш ва прогноз қилишда катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан фермер хўжаликларининг ҳозирги ҳолатини миқдор ва сифат жиҳатдан кўргазмали тарзда атрофлича таҳлил қилиш, бу борада мавзули туркум карта ва атласларини яратиш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги саноат ва аҳоли жойлашувидан фарқ қилиб, унинг ҳудудий ташкил этилиш ҳусусияти ареал (майдон) кўринишига эга. Бинобарин, фермер хўжалиги экинлари, уларнинг ҳудудий ихтисослашуви, айнан шу шаклдаги картографик фон ёки ранг ҳолатида акс эттирилади. Умуман олганда, ушбу тадқиқот ишида фермер хўжаликлари бўйича қуйидаги хариталар тузилди:

- ✓ Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари харитаси;
- ✓ Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ихтисослашуви харитаси;
- ✓ Қашқадарё вилояти пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари харитаси.

Бундай махсус мақсадли карталар сонини кўпайтириб, уларни фермер хўжаликлари атласи шаклида ҳам ташкиллаштириш мумкин. У ҳолда фермер хўжаликларини ҳудудий ташкил этиш ва бошқариш тўғрисида тўлиқ

тасаввур пайдо бўлади. Бу эса, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида катта илмий-амалий аҳамият касб этади ва соҳани географик ўрганишга қулайлик яратади.

Шу билан бирга, юқорида таъкидланганидек, картографик метод ёрдамида монографик йўналишдаги тадқиқотларни амалга оширишда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, ҳар бир фермер хўжалиги даражасида ер кадастр карталарини тузиш мумкин. Маълумки, бундай мазмундаги карталар хўжаликнинг географик ўрни, майдони, ер эгаси, ер бонитировкаси, ҳосилдорлиги, фойдаланиш усули ва ер солиғи каби масалаларни ўз ичига олади. Фермер хўжаликлари бугунги кунда мазкур масалаларни ер планлари асосида олиб борилмоқда. Ер планида эса хўжаликларга бириктирилган ерларнинг барча табиий ва иқтисодий кўрсаткичлари тўлиқ ўз аксини топмаган.

Қолаверса, фермерлар ерларининг кадастр карталарида хўжаликнинг моддий-техника объектлари ҳам ўз ифодасини топиши лозим. Хусусан, кўп йиллик дарахтлар, бино ва иншоотлар, йўллар (аҳамияти, қопламаси, кенглиги) ирригация инфратузилмаси – канал, ариқ, лоток, ҳовуз ва бошқалар топографик карталарда фойдаланиладиган махсус шартли белгилар асосида тўлиқ кўрсатилиши мумкин. Ушбу карталар фермер хўжалиги ер майдонининг ҳажмига кўра турли масштабда тузилади. Бундай карта-схемаларнинг яратилиши, энг аввало, фермерлар ва улар билан доимий алоқада бўлувчи соҳа мутахассислари учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

Замонавий тадқиқотларда *эксперт-сўровнома* методи кенг қўлланилмоқда. Унинг афзаллиги статистикада мавжуд бўлмаган маълумотларни олиш имконини беради. Ундан ер-сув, ёнилғи, минерал ўғитлар, техникадан фойдаланиш борасидаги муаммолар аниқланиб, уларнинг ечими бўйича мутахассислар томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин.

Мазкур йўналишдаги тадқиқотларда фермер хўжалиги раҳбарлари билан *суҳбат ўтказиш* воқеликка обеъктив ёндашиш, реал ҳолатни таҳлил этишга имкон беради. Айниқса, бу усул асосида ушбу мулкчилик шаклига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, уларнинг шартнома шартларига амал қилиш ҳолатини ўрганилади.

Фермер хўжаликларида ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда *математик усул*ни қўллаш катта имконият яратади. Жумладан, фермер хўжалигида яратилаётган маҳсулотлар, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик ва самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблашда ушбу усулдан кенг фойдаланилади. Шунинг баробарида икки ҳолат ўртасидаги алоқадорликни (корреляцияни) ўрганишда ҳам математик формулалар қўлланилади. Чунончи, ушбу диссертация тадқиқотида аҳоли зичлиги ва фермер хўжаликларининг ривожланиши орасидаги алоқадорлик махсус формулалардан фойдаланиб, асослаб берилган. Шунингдек, Қашқадарё вилояти қишлоқ туманлари пахтачилигини кластерлашиш салоҳиятини ўрганишда ҳам математик усуллар қўлланилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу диссертацияда келтирилган методлардан комплекс фойдаланган ҳолда, сўнгги йилларда илгари сурилаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида урғу берилди. Чунки, хўжаликларни кўп тармоқли ривожлантириш ўз навбатида мажмуали (комплекс) ёндошувни талаб этади.

Фермер хўжаликларини минтақалар табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларига боғлиқ ҳолда ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослашувини такомиллаштириш мураккаб ҳисобланади. Бу борада, энг аввало, фермер хўжаликлари тармоқларини жойлашуви ва уларнинг ихтисослашувига таъсир этувчи географик омилларни аниқ белгилаб олиш лозим.

## 2.2-§. Фермер хўжаликлари жойлашуви ва ихтисослашувининг географик омиллари

Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг тараққий этиши ва жойланиши кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг қай даражада амалга оширилганлиги билан белгиланади. Фермер хўжаликлари ихтисослашган тармоқларининг ташкил этилиш ва жойланиши мамлакатнинг турли ҳудудларида турлича кўрсаткич касб этади. Мазкур ҳолатлар, асосан, табиий ва иқтисодий географик шароитлар натижасида юзага келади. Бунда, энг аввало: а) табиий географик вазият, яъни жойнинг рельефи (ер усти тузилиши), ер ресурслари ва сув захиралари билан таъминланганлиги, геоэкологик вазияти, агроиқлимий ресурслар: намлик, ҳарорат ва тупроқ қоплами; б) иқтисодий географик омиллар – шаҳарлар ривожланиши ва урбанизация, транспорт инфратузилмаси; в) демографик вазият – аҳоли сони, зичлиги, бандлиги, ёш ва миллий таркиби; г) бозор иқтисодиёти муносабатлари, талаб ва таклиф; д) мамлакат ва минтақалар экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инвестиция кабилар ўз таъсирини кўрсатади (2.2-расмга қаранг). Шу билан бирга, фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ҳудудий ташкил этилишига илмий-техника тараққиёти ҳам сезиларли таъсир этади [110; 36-37 б.].

***Ер-сув ресурслари*** фермер хўжаликлари шаклланиши ва ривожланишининг асоси ҳисобланади. Айниқса, уларнинг ўзаро миқдор ва сифат кўрсаткичлари фермерчилик тармоқлари жойлашуви ва ихтисослашувини белгилаб беради. Масалан, ер ресурслари мўл, сув ресурслари тақчил ҳудудларда асосан экстенсив йўналишдаги фермер хўжалиги (чўл-яйлов чорвачилиги), ҳам ер, ҳам сув ресурслари билан яхши таъминланган ёки ер ресурслари нисбатан камроқ ҳудудларда кўпроқ интенсив деҳқон хўжалиги таркиб топади. Шу билан бирга, мазкур ресурслар хўжаликлар ихтисослашувини такомиллаштиришда ҳам жуда муҳим.

Хусусан, сув ресурслари шоличилик ва балиқчилик соҳаларида фермерчилик тараққий этишининг бирламчи омилидир. Ер эса, қишлоқ хўжалигида бир вақтнинг ўзида ҳам меҳнат предмети, ҳам меҳнат воситаси ҳисобланади.




**2.2-расм. Фермер хўжаликлари ихтисослашувининг географик омиллари**

Расм муаллиф томонидан тузилган.

***Агроиқлимий ресурслар*** – намлик, ҳарорат ва тупроқ қоплами хусусиятлари фермер хўжалиги экинлари ва чорва молларининг ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлиги учун зарурдир. *Намлик,* яъни ёғин-сочин миқдори, айни вақтда, мулкчиликнинг ушбу шаклида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажми ва сифатини белгилайди. Бинобарин, табиий намликдан фойдаланиб аграр маҳсулот тайёрлашда, яъни баҳорикор (лалмикор) ерларда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришда намгарчиликнинг аҳамияти катта. Бунда ёғин миқдори йилига 200 мм.дан юқори бўлиши ва у, асосан, баҳор ойларига тўғри келиши лозим. Акс ҳолда, бундай ҳудудларда

чўл-яйлов чорвачилигига ихтисослашган фермерчилик шаклланади. Шундай экан, экинларни экиш ва чорваларни боқишда қор ва ёмғир ёғиш даври ва миқдори ҳамда тупроқ намлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бунда дастлаб хўжаликларда экилаётган экинлардан самарали ҳосил олиш ва боқилаётган ҳайвонлар маҳсулдорлигини ошириш учун қулай намлик миқдори муҳимдир.

*Ҳарорат* ҳам намлик каби фермер хўжалик экинлари ва чорва молларининг ўсиши ва ривожланиши учун зарур саналади. Масалан, стратегик аҳамиятга эга бўлган ва, асосан, фермер хўжаликларида етиштириладиган экин тури – ғўза учун фойдали ҳарорат (йиғиндиси йил давомида сутка ҳароратининг +10$^0$ С дан юқориси) 2000$^0$ С, ижобий ҳарорат (эрта баҳордан кеч кузгача мусбат ҳароратнинг йиғиндиси) эса ундан икки баробар кўп яъни 4000$^0$ С бўлиши мақсадга мувофиқ. Республиканинг жануби (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари) билан шимолий (Қорақалпоғистон Республикаси ва б.) ҳудудларига қуёш радиацияси бир хил тушмайди. Бу жараён жойнинг рельефига боғлиқ ҳолда ҳам ўзгаради. Демак, фермер хўжалиги тармоқларини ҳудудий ташкил этишда, уларнинг самарадорлигини оширишда жойнинг ҳарорат кўрсаткичларини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Бунда ҳам, албатта, экинлар ва чорваларнинг қайси ҳароратда яхши ривожланишини ўрганиш талаб этилади.

*Тупроқ* унумдорлиги ёки унинг намлик сиғими, таркиби (механик, физик, биологик ва кимёвий), сув ўтказувчанлиги, ундаги озуқа моддаларининг умумий захираси жойларда табиий ва антропоген таъсирлар натижасида турлича шаклланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, фермер хўжаликларининг ҳосилдорлиги ва ихтисослашуви белгиланади.

***Геоэкологик вазият,*** яъни ернинг шўрланганлик даражаси, чўллашиш, эрозия, жарланиш, ер ости сувларининг юзага нисбатан жойлашганлиги кабилар ҳам фермер хўжалиги тармоқларининг ихтисослашуви ва жойланишини белгилаб беради. Бинобарин, шоличиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ер ости сувларининг юзага нисбатан яқин жойлашган

ҳудудларда шаклланса, ерларнинг шўрланганлик даражаси, тупроқ эрозияси ҳамда ёғингарчилик кўп тушадиган тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жарланишлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига бевосита таъсир этади.

***Аҳоли сони ва жойлашуви*** фермер хўжалиги тармоқларининг ҳудудий ихтисослашуви ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, мамлакатнинг ер ресурслари тақчил, меҳнат ресурсларига бой ҳудудлари интенсив деҳқончилик, аксинча, ер ресурслари кўп, аммо аҳоли сийрак жойлашган ҳудудлар эса, кўпроқ экстенсив чорвачилик хўжаликларига ихтисослашган. Шунингдек, аҳолининг миллий таркиби ҳам баъзи фермерчилик тармоқлари ривожланишида етакчи ўрин тутади. Чунончи, республикамизда чўчқачилик хўжаликлари кўпроқ номаҳаллий аҳоли, яъни рус, украин ва бошқа миллатлар томонидан ташкил этилмоқда. Корейс миллати эса, шоличилик ва собзавотчиликка (карам) ихтисослашган хўжаликларнинг тараққий этишида фаол иштирок этмоқда.

Урбанизация жараёни кўпроқ шаҳар ва шаҳар атрофи фермер хўжаликларининг ихтисослашишида муҳим роль ўйнайди. Йирик шаҳарлар яқинида шаклланган хўжаликлар, асосан, шаҳар аҳолиси талабларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг эҳтиёжларини қондирувчи қишлоқ хўжалиги тармоқларига йўналтирилган бўлади. Бинобарин, сабзавотчилик, боғдорчилик, сут-гўшт чорвачилиги, паррандачилик ва ҳоказо. Ушбу маҳсулотларни шаҳарлар яқинида етиштирилишининг асосий сабаби йирик истеъмол марказларига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, мазкур ҳудудда инфратузилманинг қулайлиги, тайёрланган маҳсулотни тўғридан-тўғри истеъмолчиларга сотиш ва бошқалар. Агар бундай маҳсулотлар шаҳарлардан узоқроқда тайёрланса, у ҳолда бозорларга етиб келгунга қадар унинг сифати салбий томонга ўзгариши мумкин. Чунки, бундай маҳсулотлар камтранспорттабелли, яъни ташишга ноқулай ва қисқа вақт ичида асл ҳолини йўқотади.

***Транспорт***нинг барча турлари, транспорт воситалари, хусусан йўл тармоғи инфратузилмасининг (автомобиль ва темир йўллар) ривожланганлик даражаси фермер хўжалиги тармоқларини оқилона жойлаштириш, ихтисослашувини чукурлаштириш, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари ҳамда истеъмолчиларга тез ва сифатли етказиб беришда алоҳида ўринга эга. Бунда, асосан, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, бу йўллар фермер хўжалиги маҳсулотлари етиштирилаётган дала майдонларига минерал ўғитлар олиб келишда ва етиштирилган ҳосилни керакли жойга етказишда айниқса зарурдир.

Бироқ, фермер маҳсулотларини экспорт қилишда халқаро йўллар ва махсус ихтисослашган транспорт турларининг аҳамияти катта. Бугунги кунда, транспорт уюшмалари томонидан замонавий совутиш курилмаларига эга бўлган махсус ихтисослашган машиналардан (рефрежиратор) фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда. Бундай автомашиналар фермер хўжалиги маҳсулотларининг сифатини сақлаган ҳолда (мева, узум, сабзавот, полиз, сут кабилар) узоқ масофага олиб бориш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, деҳқон хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни енгил автомобилларда ташиш қулайроқ бўлса, фермер хўжаликларида бу борада, асосан, юк автомобилларидан фойдаланилади.

Юқорида келтирилган табиий ва иқтисодий географик шароитлар билан бирга, фермер хўжалигининг ихтисослашуви, ривожланиши ва жойланишига иқтисодий шароитлар, сиёсий омиллар, ирригация инфратузилмаси, илмий-техника тараққиёти ва, албатта, инвестиция ҳам ўз таъсирини ўтказади. Ушбу омилларни комплекс ўрганиш асосида фермерчилик тармоқларини тўғри ихтисослаштириш, оқилона жойлаштириш ва самарали ривожлантиришга эришилади.

Иқтисодий шароитлар фермер хўжалиги тармоқлари ривожланиши ва жойлашишига бозор муносабатлари ривожланиб бораётган шароитда, энг

аввало, маҳсулотлар етиштириш ва сотиш ***ички ва ташқи бозорда талаб*** мавжудлиги, шунингдек, республиканинг бошқа минтақаларига нисбатан ушбу бозорларнинг хусусиятлари билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан фермер хўжаликлари тармоқларини жойлаштиришга таъсир этувчи мазкур шароитларни қуйидагича тавсифлаш мумкин: маҳсулотларни сотиш бозорларининг ҳажми ва талаб даражасининг ўзгариши; бозорларда фермерчилик маҳсулотлари баҳосининг шаклланиши; маҳсулот етиштирувчи мулкчилик шаклларининг иқтисодий эркинлиги; хўжаликларнинг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятлари; меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги; моддий-техника ресурслари баҳолари ва уларни харид қилиш имконияти; маҳсулот етиштириш жараёнида сервис хизматларининг кўрсатилиши ва уларнинг нархлари.

Ушбу ҳолатлар табиий ва иқтисодий географик шароитлар билан биргаликда фермер хўжаликлари самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатиб, маҳсулотлар етиштириш истиқболини белгилашда ҳисобга олиниши шарт бўлган омиллар сирасига киради.

***Инвестицион муҳит.*** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юқори самарали технологияларни жорий этиш долзарб аҳамият касб этади. Бундай илғор технологияларни сотиб олишда фермер хўжаликлари молиявий жиҳатдан заифлик қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Айнан шундай вазиятда хўжаликларга хорижий ва ички инвестицияларни жалб қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Бинобарин, ерга ишлов берувчи, етиштирилган ҳосилни йиғиб олувчи, ташувчи тракторлар ҳамда махсулотни қайта ишловчи ва қадоқловчи машина-ускуналарни харид қилишда инвесторлар маблағларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

***Фан, техника ва технологиялар*** ютуқларини татбиқ этмасдан фермер хўжаликларини интенсив ривожлантириш мумкин эмас. Чунки, фермер хўжаликларида замонавий техника ва технологиялардан кенг фойдаланиш

натижасида механизациялаш даражаси ошади, маҳсулот ишлаб чиқаришда қўл меҳнатидан фойдаланиш камаяди. Шунингдек, фан ва техниканинг ривожланиши фермер хўжалиги экинларининг янги, юқори ҳосилдор навлари ва гибридларини, чорва ҳайвонларининг маҳсулдор зотларини жорий этишга, экинларни ўстириш ва чорваларни боқишнинг илғор технологияларини қўллашга, уларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоялашнинг кимёвий ва биологик воситаларидан кенг фойдаланишга, мазкур соҳа бошқарувида янги шакл ва усулларини жорий этишга, фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида ўзаро алоқалар самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Шунингдек, бу борада ирригация инфратузилмаси ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Транспорт иқтисодиётнинг "қон томири" ҳисобланса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги соҳасида ушбу вазифани ирригация инфратузилмаси бажаради. Жумладан, йирик сув объектлари, насос станциялари, тўғонлар, каналлар ва бошқа иншоотларни ўз ичига олган мазкур инфратузилмани барча ҳудудларда ҳам бир хил ташкил этишнинг иложи йўқ, бу эса, фермер хўжалиги тармоқларининг ривожланиши ва ихтисослашувига жиддий таъсир этади. Хусусан, ўтган асрда янги ерларни ўзлаштиришдан асосий мақсад пахта майдонларини кенгайтириш ҳисобланган ва ушбу ҳудудлар ирригация инфратузилмаси шу нуқтаи назардан барпо этилган. Мазкур жойларда бугунги кунда ҳам пахтачиликка йўналтирилган фермер хўжаликлари фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга, ирригация иншоотларининг эскириши, ундан фойдаланишнинг ёмонлашиши, сув узатиш ва тақсимлаш тизимининг тартибзсизлиги билан боғлиқ қатор муаммоларнинг кескинлашуви ҳам фермер хўжаликларида етиштирилаётган экинлар ҳосилдорлигини пасайтириши билан бирга, улар таркибини сезиларли даражада ўзгартириши ҳам мумкин.

Юқорида санаб ўтилган шароитлар фермер хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштиришга турлича таъсир этади. Бу, асосан,

деҳқончиликда экин турлари, чорвачиликда чорва ҳайвонларининг турлари, ҳудудларнинг табиий ва иқтисодий географик хусусиятлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизимига боғлиқ равишда кечади. Таъкидлаш жоизки, ушбу омилларнинг баъзилари ҳал қилувчи, бошқалари тўлдириб борувчи кучга эга бўлиши мумкин. Умуман олганда, соҳани жойлаштириш ва ривожи учун юқорида зикр этилган омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш кўзланган натижаларга эришишга асосий замин бўлиб хизмат қилади.

## 2.3-§. Ўзбекистон фермер хўжаликлари ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари ва ихтисослашуви

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоғи – қишлоқ хўжалигида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишга устувор даражада аҳамият қаратилди. Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов кўрсатмалари асосида фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этилди, фермер хўжаликлари ерларини оптималлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги даврда фермер хўжаликлари тўғрисидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилмоқда.

Фермер хўжаликларининг шаклланиши ва ривожланиши мамлакатнинг турли минтақаларида табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқ ҳолда турлича кечмоқда. Бинобарин, ушбу соҳанинг деярли барча кўрсаткичлари ҳудудий ҳусусиятлар касб этади. Республикада фермер хўжаликларининг сони 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, 101 мингдан ортиқни ташкил этмоқда, унинг 24,7 фоизи ёки ҳар 4 тадан биттаси Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида шаклланган. Бу борада Жиззах ва Фарғона вилоятларининг ҳам ўрни юқори, энг кам кўрсаткич эса, Навоий вилоятига (2519 та) тўғри келади. Мамлакат фермер хўжаликларига 5809,6 минг га ер бириктирилган бўлиб, ер кўлами жиҳатдан Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси етакчилик қилади. Мазкур минтақаларда

фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдони мамлакатнинг бу тоифадаги жами ерларининг деярли ярмига тенг. Айни вақтда, энг оз рақамлар ҳудуди нисбатан кичик Андижон, Хоразм, Сирдарё ва майдон жиҳатдан йирик бўлсада, суғориладиган ер майдонлари кам бўлган (чўлли ҳудуд) Навоий вилоятларига тегишли.

Республика минтақаларида фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони ҳудудларнинг географик хусусиятлари ва ихтисослашувига боғлиқ ҳолда турилича шаклланган. Бинобарин, бу кўрсаткич аҳолиси зич Фарғона водийси вилоятларида 30 гектаргача, Самарқанд, Тошкент ва Хоразмда 30-35 га, Бухоро ва Навоийда 35-40 га, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 40-45 га ҳамда Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида 45 гектардан ортиқни ташкил этади (2.3-расмга қаранг).

Фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган ишчи ходимлар сони мамлакатда жами 1245,0 минг киши, бу хусусда сув ресурслари билан нисбатан яхши таъминланган ва шу асосда қишлоқ хўжалиги интенсив йўналишда ривожланиб бораётган Андижон, Фарғона, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари олдинда; уларда бир фермер хўжалигида ўртача 20 кишига яқин ишчи ходим фаолият кўрсатади. Ушбу кўрсаткич Хоразм, Бухоро ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам анча катта – 16-18 кишидан кўпроқ. Аксинча, Навоий ва Жиззах вилоятлари фермер хўжаликларида ўртача 6-9 кишидан хизмат қилади. Айтиш мумкинки, худди шу каби географик хусусиятлар деҳқон хўжаликларида ҳам кузатилади.

Фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари, яъни ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги улуши республикада 34,4 фоизни ташкил этмоқда. Бу жиҳатдан Сирдарё (40,6 %), Самарқанд (36,8 %) ва Қашқадарё (36,5 %) вилоятларининг кўрсаткичлари юқори бўлса, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 70 фоизидан ортиғи деҳқон хўжаликларида яратилади (1-иловага қаранг).




2.3-расм. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари ихтисослашуви харитаси.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фермер хўжаликлари кўпроқ стратегик аҳамиятга эга бўлган деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда етакчилик қилади. Масалан, 2015 йилда пахтанинг 99,1 фоизи, ғалланинг 79,2 фоизи, узум ва полизнинг ярмидан ортиғи улар томонидан ишлаб чиқарилган. Деҳқон хўжаликларининг улуши деҳқончилик тармоқларидан фақат картошка, сабзавот ва мевалар тайёрлашда юқорироқ.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда эса деҳқон хўжаликларининг устунлиги яққол кўзга ташланади. Ушбу хўжалик тоифаси ҳиссасига сутнинг 96,1, гўштнинг 95,1, жуннинг 82,8, қоракўл терисининг 67,6, тухумнинг 58,0 фоизи тўғри келади (2015 йил). Шунингдек, деҳқон хўжаликларида йирик шохли қорамоллар сонининг 93,4, қўй ва эчкиларнинг 79,2, чўчқаларнинг 76,6 ва паррандаларнинг 59,8 фоизи боқилади.

Республика фермер хўжаликларининг ҳудудий хусусиятлари уларнинг ихтисослашуви билан ўзаро боғлиқликда шаклланган. Ихтисослаштириш дейилганда, корхоналарнинг у ёки бу турдаги товар маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги иштироки тушунилади, ихтисослашувни такомиллаштириш эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг мавжуд ресурс ва имкониятларидан самарали фойдаланиб, унинг ишлаб чиқариш фаолиятини, асосан, товар маҳсулотлари тайёрлашга йўналтиришдир [75]. Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш эса ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларига боғлиқ ҳолда ташкил этилади. Шунинг учун ҳам бу жараённи ўрганишда географик тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигида ихтисослашувни тўғри ташкил қилиш ушбу тармоқнинг барқарор ривожланишига, унинг келажак тараққиёти ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, экспорт салоҳиятини оширади ва аграр секторда мавсумий ишсизлик муаммолари ҳал этилишига олиб келади. Республикамизда қишлоқ хўжалигини, хусусан, фермер хўжаликларини минтақалар табиий шароити ва агроиқлимий ресурсларининг ҳолатига

боғлиқ равишда ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослашувини такомиллаштиришнинг мураккаблиги пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасининг мавжудлиги билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон шароитида фермер хўжаликларида ихтисослаштиришнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш мураккаб ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, республикада 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, жами 101 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият олиб борган. Мамлакат фермер хўжаликларининг ярмидан кўпроғи, аникроғи 60,0 фоизи (60,7 мингга яқини) давлат буюртмаси асосида стратегик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, яъни пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Деҳқончиликнинг энг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтанинг 99,4 фоизи фермер хўжаликларида яратилмоқда. Бу хусусда вилоятлар бир-биридан кескин ажралиб турмайди, бироқ, географик фарқлар бироз сезиларли даражада. Масалан, агроиқтисодиёти пахтачиликкка ихтисослашган Жиззах вилоятида “оқ олтин” етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши – 100,0 %, қолган вилоятларда у 99,0 % ва ундан юқори. Фақатгина Хоразм вилоятида мазкур кўрсаткич нисбатан паст (98,9 %) (2-иловага қаранг). Бу эса пахта етиштиришда қишлоқ хўжалик корхоналарининг улуши бироз кўплигидан далолат беради.

Деҳқончиликнинг иккинчи йирик тармоғи ғаллачиликда фермер хўжаликларининг улуши мамлакатда ўртача – 83,6 % (шолининг 82,4, маккажўхорининг 38,1 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келади). Жиззах, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида бу борада республика ўртача даражасидан юқори кўрсаткич шаклланган. Бир пайтнинг ўзида, Бухоро ва Хоразмда ушбу рақам 60 фоиз атрофида, қолган қисми деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилади. Айтиш мумкинки, айнан пахтачилик ва ғаллачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳеч бир мулкчилик шакллари фермер хўжаликларига тенглаша олмайди ва уларнинг ривожланишини бугунги кунда фермерчиликсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларининг ихтисослашуви**
(2016 й.)

| Ҳудудлар | Жами ф.х. сони | | Шу жумладан: | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | пахтачилик-ғаллачилик | | боғдорчилик-узумчилик | | полизчилик-сабзавотчилик | | Чорвачилик | | Бошқа тармоқлар | |
| | бирлик | фоизда | бирлик | фоизда | бирлик | фоизда | бирлик | фоизда | бирлик | фоизда | бирлик | фоизда |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 4802 | 4,7 | 3732 | 6,1 | 250 | 1,0 | 223 | 6,1 | 388 | 5,9 | 209 | 3,9 |
| *вилоятлар:* | | | | | | | | | | | | |
| Андижон | 8538 | 8,5 | 3868 | 6,4 | 2443 | 9,9 | 509 | 13,9 | 460 | 7,0 | 1258 | 23,2 |
| Бухоро | 5273 | 5,2 | 3707 | 6,1 | 777 | 3,1 | 87 | 2,4 | 630 | 9,6 | 72 | 1,3 |
| Жиззах | 10073 | 10,0 | 7216 | 11,9 | 1490 | 6,0 | 419 | 11,5 | 714 | 10,9 | 234 | 4,3 |
| Навоий | 2519 | 2,5 | 1393 | 2,3 | 684 | 2,8 | 17 | 0,4 | 297 | 4,5 | 128 | 2,4 |
| Наманган | 7397 | 7,3 | 3451 | 5,7 | 3049 | 12,3 | 120 | 3,3 | 227 | 3,4 | 550 | 10,1 |
| Самарқанд | 12641 | 12,5 | 8556 | 14,1 | 2522 | 10,2 | 428 | 11,7 | 563 | 8,6 | 572 | 10,6 |
| Сирдарё | 5459 | 5,4 | 4255 | 7,0 | 544 | 2,2 | 17 | 0,4 | 300 | 4,6 | 343 | 6,3 |
| Сурхондарё | 6108 | 6,1 | 3297 | 5,4 | 1777 | 7,2 | | | 814 | 12,4 | 220 | 4,1 |
| Тошкент | 9418 | 9,3 | 4788 | 7,9 | 3437 | 13,9 | 339 | 9,3 | 587 | 8,9 | 267 | 4,9 |
| Фарғона | 10420 | 10,3 | 4180 | 6,9 | 4667 | 18,9 | 672 | 18,4 | 331 | 5,0 | 570 | 10,5 |
| Хоразм | 6049 | 6,0 | 3596 | 5,9 | 1105 | 4,5 | 98 | 2,7 | 464 | 7,1 | 786 | 14,5 |
| Қашқадарё | 12373 | 12,2 | 8656 | 14,3 | 1985 | 8,0 | 726 | 19,9 | 797 | 12,1 | 209 | 3,9 |
| **Республика бўйича** | **101070** | **100,0** | **60695** | **100,0** | **24730** | **100,0** | **3655** | **100,0** | **6572** | **100,0** | **5418** | **100,0** |

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Пахтачилик-ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликлар сони ва майдони бўйича Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари етакчи ҳисобланади. Ушбу вилоятларда жами пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжаликларининг 40,3 фоизи, уларга бириктирилган ер майдонларининг эса 39,0 фоизи мужассамлашган.

Пахтачилик-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг энг кам миқдори Навоий вилоятига тўғри келади, унинг бу борадаги улуши атиги 2,3 фоиз (1393 та). Қолган барча вилоятларда бу йўналишдаги хўжаликлар 3500-5000 тадан шаклланган.

Пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг ер майдони бошқа йўналишга ихтисослашган хўжаликларга нисбатан катта бўлиб, бундай стратегик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштираётган бир фермер хўжалигининг ўртача ер майдони республикамизда 52,7 гектар. Ушбу кўрсаткич минтақалар даражасида 41,3 гектардан (Самарқанд) 69,3 гектаргача (Қорақалпоғистон Республикаси) фарқланади.

Мамлакатимизда ихтисослашган фермер хўжаликлари сони бўйича иккинчи ўринда боғдорчилик ва узумчилик йўналиши туради. Уларнинг сони 24,7 мингдан ортиқ. Республикада етиштирилаётган узум ва меванинг ярми, хусусан, узумнинг 56,4, меванинг 46,9 фоизи фермер хўжаликлари томонидан тайёрланмоқда. Мулкчиликнинг мазкур шаклида узум етиштириш борасида Сурхондарё, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари алоҳида ажралиб туради. Уларда бундай вазиятнинг юзага келишига узумчилик ривожи учун қулай табиий иқлим ва рельеф шароити, яъни тоғ олди минтақаларининг мавжудлиги ва деҳқон хўжаликларининг кўпроқ сабзавот етиштиришга устувор аҳамият қаратганликлари сабаб бўлган. Мевачиликда фермер хўжаликларининг улуши вилоятлар даражасида 67,3 фоиздан (Фарғона) 25,2 фоизгача (Андижон) фарқланади.

Боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони ҳам республикамиз ички таркибига кўра турлича кўриниш касб этади. Бу

йўналишдаги хўжаликлар Фарғона, Тошкент, Наманган ва Самарқанд вилоятларида нисбатан кўпроқ шаклланган. Улар ҳисобига жами мева ва узум етиштиришга йўналтирилган фермер хўжаликларининг ярмидан кўпроғи – 52,3 фоизи тўғри келади. Аксинча, бу кўрсаткич тоғ ва тоғ олди ҳудудлари мавжуд бўлмаган ва, асосан, текислик (чўл) рельеф шаклларидан таркиб топган Бухоро, Навоий, Сирдарё ва, айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида жуда паст даражада (2.1-жадвалга қаранг).

Боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ер майдони бир фермер хўжалиги ҳисобига ўртача 6,8 гектар. Бу рақам вилоятларда 5,5 гектардан (Тошкент ва Хоразм) 9,3 гектаргача (Самарқанд) фарқланади. Таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишга ихтисослашган хўжаликларга ажратилган жами ер майдони бўйича Самарқанд вилояти алоҳида ажралиб туради. Республика бўйича бу турдаги ерлар 168,2 минг гектар бўлиб, унинг 23,4 минг гектари яъни, 13,9 фоизи  ушбу вилоят ҳиссасига мос келади. Шу сабабдан, Самарқандда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони кўп ва уларнинг ўртача ер майдони анча катта.

Агроиқтисодиётнинг полизчилик ва сабзавотчилик йўналишига жами 3655 та фермер хўжалиги ихтисослашган бўлиб,  уларнинг ўртача ер майдони республикамизда 8,1 гектар. Статистик маълумотларга кўра, полиз маҳсулотларининг 50,5 фоизи, сабзавотларнинг 38,8 фоизи фермер хўжаликларида етиштирилади (2015 йил).

Полиз маҳсулотларини тайёрлашда фермер хўжаликларининг ҳиссаси Тошкент, Фарғона ва Андижон вилоятларида 60 фоиздан ортиқ бўлса, аксинча, Бухоро, Наманган ва Навоий вилоятлари бу жиҳатдан сўнгги ўринларини банд этмоқда, мос равишда: 24,5; 29,3 ва 34,6 %. Қадимдан полизчилик, хусусан, қовун (“Мирзачўл қовунлари”) ва тарвуз етиштириш яхши ривожланган Сирдарё ва Жиззахда бу кўрсаткич мамлакатнинг ўртача даражасига тенг.

Сабзавот ва картошкачилик маҳсулотлари, айниқса, сабзавотчиликнинг ҳудудий ташкил этилишида шаҳарлар, урбанизация жараёнининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Шунга боғлиқ ҳолда, йирик шаҳарлари мавжуд (Тошкент, Самарқанд ва ҳ.к.) ҳамда аҳоли нисбатан сийрак жойлашган, яъни деҳқон хўжаликлари нисбатан камчиликни ташкил этган минтақаларда (Жиззах вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси) сабзавот маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши каттароқ.

Қолаверса, сабзавотчиликнинг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишида иқлимий омилларнинг ҳам кучли таъсир этиши кўзга ташланади. Чунончи, Термиз шаҳри ва унинг атрофида тайёрланаётган сабзавот маҳсулотлари фақатгина мазкур шаҳар ёки республикамизнинг бир қатор шаҳарларини таъминлаш билан чегараланиб қолмай, балки, яқин хориж мамлакатларига экспорт ҳам қилинади. Айнан, бу ерда мазкур ҳолат шаклланишига баҳорнинг эрта келиши ва, натижада, сабзавот маҳсулотларининг бошқа ҳудудларга нисбатан маълум вақт олдинроқ пишиб етилиши сабаб бўлган. Бироқ, эътиборлиси шундаки, мазкур ҳудудда сабзавотлар, асосан, деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликларида етиштирилмоқда.

Мамлактимиз фермер хўжаликларида ялпи картошка ҳосилининг 1/4 қисмига яқини етиштирилади. Унинг ҳудудий жиҳатлари сабзавотчиликни деярли такрорлайди. Бироқ, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида картошка маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ушбу мулкчилик шакли жуда суст иштирок этмоқда.

Полизчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони Қашқадарё, Фарғона ва Андижон вилоятларида нисбатан кўпроқ бўлса, бир хўжаликка тўғри келувчи ўртача ер майдони Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Тошкент вилоятларида каттароқ (9 гектардан ортиқ). Таҳлиллардан кўриниб турибдики, деҳқончилик маҳсулотларини

ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг ўрни катта бўлиб, бугунги кунда уларни янада ошириш имкониятлари боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик-сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликларни ривожлантириш ҳисобидан олиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакат фермер хўжаликларининг атиги 6,5 фоизи чорвачиликка ихтисослашган. Чорвачилик тармоқлари орасида пилла маҳсулотлари етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши энг юқори – 96,1 %. Бу хусусда вилоятлар бир-биридан кескин ажралиб турмайди, аммо ҳудудий фарқлар бироз сезилиб туради. Жумладан, Фарғона ва Хоразм вилоятларида пилла маҳсулотлари тайёрлашда фермер хўжаликларидан бошқа қишлоқ хўжалиги мулкчилик шакллари шуғулланмайди. Шу билан бирга, Наманган ва Бухоро вилоятларида фермер хўжаликларининг улуши пастроқ (мос равишда: 90,4 ва 94,2 %) (3-иловага қаранг). Мазкур вазият уларда қишлоқ хўжалик корхоналари ҳиссасини сезиларли даражада эканлиги билан изоҳланади. Умуман олганда, ипак қурти, асосан, фермер хўжаликларида, қисман қишлоқ хўжалик корхоналарида боқилади. Уларни етиштиришда деҳқон хўжаликлари деярли иштирок этмайди.

Мамлакат бўйича паррандачиликда фермер хўжаликларининг улуши 12,1 фоизни ташкил қилади. Бу борада Наманган (27,4 %) ва Хоразм (21,0 %) вилоятлари олдинги ўринларни эгалласа, Самарқанд, Навоий, Сирдарё ва Фарғонада ҳам бу кўрсаткич республика ўртача даражасидан юқори. Бир пайтнинг ўзида, қолган минтақаларда у жуда паст, яъни 6-8 фоиз атрофида. Таъкидлаш жоизки, паррандачиликнинг ривожланишига, энг аввало, истеъмол, озуқа ва экологик омиллар кучли таъсир кўрсатади. Шу боис, ушбу тармоқни ёки унга ихтисослашган хўжаликларни аҳолиси зич ҳудудлар (шаҳарлар) билан қишлоқ хўжалигида ғаллачилик яхши йўлга қўйилган минтақалар оралиғида жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Фермер хўжаликларида тухум етиштириш ҳам паррандачилик ҳудудий таҳлилини деярли такрорлайди. Бироқ, Бухоро, Сирдарё, Сурхондарё ва

Хоразм вилоятларида паррандалар сонида фермер хўжаликларининг улуши тухум етиштиришга нисбатан 3-4 марта кўплиги мазкур минтақаларда ушбу йўналишдаги хўжаликлар кўпроқ гўшт етиштиришга ихтисослашганлигидан далолат беради.

Чорвачиликнинг асосий тармоқларидан бири бўлган йирик шохли қорамолчиликда фермер хўжаликларининг ҳиссаси республика бўйича 5,3 фоизга тенг. Статистик маълумотларга кўра, уларни парвариш қилишда Тошкент ва Хоразм вилояти фермерларининг салмоғи бироз кўпроқ, ва, аксинча, бу жиҳатдан Жиззах ва Наманган жуда паст кўрсаткичга эга. Қўй ва эчкилар сони ҳамда жун тайёрлашда эса Тошкент ва Сирдарё фермер хўжаликлари етакчи. Мазкур хўжаликларда гўшт, сут ва жун етиштириш йирик шохли қорамолчилик ҳамда қўй ва эчкичиликка боғлиқ ҳолда кечади. Эътиборлиси шундаки, Хоразм вилоятида етиштирилаётган жами гўштнинг 28,9 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келади ва у бу жиҳатдан республикада биринчи ўринни эгаллайди. Айтиш мумкинки, ушбу тармоқлар маҳсулотини етиштиришда республиканинг барча минтақаларида фермер хўжаликлари у ёки бу даражада фаолият олиб боради (4-иловага қаранг).

Мамлакат чўчқачилигининг 5,1 фоизи фермер хўжаликларига мос келади. Бунда Қашқадарё вилояти яққол кўзга ташланади ва минтақа жами чўчқаларнинг ярмидан ортиғи фермерларда боқилади. Кейинги ўринларни Хоразм (22,6 %) ва Тошкент (16,1 %) вилоятлари эгаллайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилояларида чўчқачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари умуман йўқлиги иқлимий ва этнодемографик омилларнинг таъсирида шаклланган бўлиши мумкин. Қоракўл терилари республикамизнинг нисбатан иссиқ иқлимли вилоятларида ишлаб чиқарилиб, бу жараёнга ҳам фермер хўжаликлари қисман иштирок этишмоқда.

Умуман олганда, жами чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сонига кўра мамлакатимизнинг жанубий минтақаси –

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари етакчи ҳисбланади. Мазкур минтақанинг бу борадаги улуши республикага нисбатан 24,5 фоиз. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг энг кам сони Сирдарё ва Навоий вилоятларида таркиб топган.

Республикамизда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 31,2 гектарни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич чўл-яйлов чорвачилигини ривожлантириш мумкин бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилояти ҳамда тоғ-яйлов чорвачилиги учун қулай Самарқанд ва Тошкент вилоятларида юқори. Нисбатан кам сонли чорвачилик фермер хўжаликлари ем-хашак базаси кам бўлган Бухоро ва Навоий вилоятларида фаолият олиб бормоқда.

Шундай қилиб, деҳқончиликка нисбатан чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг ҳиссаси паст даражада. Ваҳоланки, фермер хўжаликларида чорвачилчиликни ташкил этиш, чорва молларини ем-хашак билан таъминлаш, маҳсулдорлигини ошириш ва олинган маҳсулотлани қайта ишлашда замонавий технологияларни қўллаш имкониятлари бирмунча яхшироқ. Деҳқон хўжаликлари нисбатан кичик (асосан, оилавий) хўжаликлар бўлганлиги сабабли, улар илғор технологияларни сотиб олиш ва жойлаштиришда ҳам молиявий, ҳам инфратузилма борасида кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Шу нуқтаи назардан, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда фермер хўжаликлари улушини жадал орттириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бошқа турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (теракчилик, уруғчлик, асаларичилик, балиқчилик, гулчилик ва ҳ.к.) етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари географиясида агроиқтисодиёти нисбатан диверсификатланган ва аҳоли зич ҳудудлар алоҳида ажралиб туради.

## Иккинчи боб хулосаси

Фермер хўжаликларини географик ўрганишда статистик, иқтисодий таҳлил, омилларни таҳлил қилиш, географик таққослаш, гуруҳлаштириш, районлаштириш, картографик, эксперт-сўровнома, хўжалик раҳбарлари билан суҳбат ўтказиш, математик ҳисоблаш ҳамда иқтисодий прогноз усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мулкчиликнинг ушбу шаклини ўрганишда бу методларнинг ҳар бири алоҳида, ва, айни вақтда, комплекс таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалигида ривожланиб бораётган янги мулкчилик шаклларининг ҳудудий ташкил этишда минтақаларнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий омилларини ҳисобга олиш талаб этилади. Жумладан, жойнинг рельефи, ер-сув захиралари, геоэкологик вазияти, агроиқлимий ресурслари, шаҳарлар ривожланиши ва урбанизация, транспорт инфратузилмаси, демографик вазияти фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ривожланишини белгиловчи омиллар ҳисобланади.

Ҳозирги даврда республикамизда фермер хўжаликлари тўғрисидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилаётган бўлсада, мазкур мулкчилик шаклининг ихтисослашуви ва ривожланишининг таркиб топишида минтақаларнинг ўзига хос географик шароитлари етарлича эътиборга олинмаяпти. Чунончи, фермер хўжаликларининг барча кўрсаткичлари ҳудудий аҳамият касб этади. Шу сабабдан, бу борада иқтисодий географик тадқиқотларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади.

# III-БОБ. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ, ТАРМОҚЛАР ВА ҲУДУДИЙ ТАРКИБИ

## 3.1-§. Вилоят қишлоқ хўжалиги ривожланишида фермер хўжаликларининг ўрни

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида Қашқадарё вилояти пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослашганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу ерда мамлакат ялпи агроиқтисодиёт маҳсулотларининг 10 фоизга яқини етиштирилади. Жумладан, унинг ҳиссасига жуннинг 20,0, ғалланинг 13,8, гўштнинг 13,0, пахтанинг 12,3 фоизи тўғри келган (2015 й.). Шунингдек, ушбу минтақа экин (16,8 %) ва суғориладиган (12,0 %) ерлар салмоғига кўра мамлакатда етакчи мавқени эгаллайди.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг умумий майдони 2154,3 минг га, унинг таркибида яйлов ва пичанзорлар кўлами жиҳатидан анча катта. Бундай ерлар 1415,4 минг га ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 65,7 фоизини ташкил этади. Биргина, Деҳқонобод туманида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 82,6 фоизи яйлов ва пичанзор билан банд.

Минтақанинг жами экин ерлари 679,7 минг гектарга тенг бўлиб, унинг 2/3 қисмига яқини фермер хўжаликларига бириктирилган. Мазкур ерларнинг ярмидан ортиғида ғалла етиштирилади. Ғаллага бириктирилган ерларнинг 28,9 фоизи лалми (баҳорикор) ерлар бўлиб, бу хусусда Чироқчи тумани кўзга кўринарли мавқега эга. Экин ерларининг 37,0 фоизида пахта, 4 фоизида полиз ва сабзавот, 3 фоизида мева ва узум ҳамда 2 фоизида картошка етиштирилади (3.1- ва 3.2-расмга қаранг).




**3.1-расм. Қашқадарё вилояти ер фонди, 2015 й., минг га**




**3.2-расм. Қашқадарё вилояти жами экин ерларининг таркиби, 2015 й., фоизда**

Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг ҳудудий таркиби бўйича Миришкор, Чироқчи, Деҳқонобод ва Ғузор туманлари етакчи эканлиги 3.3-расм маълумотларидан кўриниб турибди. Уларнинг ҳар бирида бундай ерлар 230 минг гектардан ортиқни ташкил этади (бу туманлар мазкур кўрсаткич бўйича республика қишлоқ туманлари орасида ҳам етакчи ўрин тутади). Шу билан бирга, суғориб деҳқончилик қилинадиган ерлар салмоғига кўра (вилоят бўйича суғориладиган ерлар 460,9 минг га) бу туманлар бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, Миришкор ва Косон туманлари энг юқори, тоғли ҳудудда жойлашган Деҳқонобод эса, энг паст кўрсаткичга эга.

Вилоятнинг қолган қишлоқ туманларида суғориладиган ерлар 20,0-50,0 минг га атрофида. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар Касби ва Қаршида нисбатан кам. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, аҳолиси зич жойлашган ушбу туманларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 80-85 фоизи суғорилади. Бинобарин, улар суғориладиган ерлари ҳажми бўйича вилоятнинг бошқа қишлоқ туманларидан қолишмайди (3.4-расмга қаранг).




**3.3-расм. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги ерлари ҳудудий таркиби 2015 й., минг га**




**3.4-расм. Қашқадарё вилояти суғориладиган ерлари ҳудудий таркиби 2015 й., минг га**

Изоҳ: 1-Ғузор, 2-Деҳқонобод, 3-Қамаши, 4-Қарши, 5-Косон, 6-Касби, 7-Китоб, 8-Миришкор, 9-Муборак, 10-Нишон, 11-Чироқчи, 12-Шаҳрисабз, 13-Яккабоғ.

Қашқадарёда 2015 йилда 249,6 минг гектар ерга ғалла экилган ва ундан 1060,7 минг тонна ялпи ҳосил олинган, ҳосилдорлик 40 ц/га атрофида. Ғаллага бириктирилган жами ерларнинг 81,6 фоизи, ҳосилнинг 84 фоизидан ортиғи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади (6-иловага қаранг). Буғдой барча ҳудудларда, шунингдек, Чироқчи, Қамаши ва Яккабоғ туманларида лалмикор ерларга ҳам экилади. Табиийки, ҳосилдорлик суғориладиган ерларда, хусусан, Нишон, Шаҳрисабз ва Касби туманларида юқори.

Қашқадарё вилоятида пахта етиштириш деҳқончиликнинг асосини ташкил этади. Шунга мос ҳолда, пахта майдонлари ва пахта ялпи ҳосили бўйича республикадаги энг йирик район ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, пахта дастлаб Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманларининг суғориладиган ерларида етиштирила бошланган, кейинчалик, яъни 1960 йилларда Қарши даштининг айнан пахтачиликни ривожлантириш

мақсадида ўзлаштирилиши натижасида, пахта майдонлари Қашқадарё қуйи минтақаси томон “силжиди”. Ҳозирги кунда Қарши чўли минтақаси нафақат вилоятда, қолаверса, республикада энг йирик пахта хом ашёсини етказиб берувчи райондан бири ҳисобланади [63; 25-28 б.].

Статистик маълумотларга кўра, 2015 йилда Қашқадарёда ғўза экин майдонлари 160,5 минг гектарни ташкил этган. Бундай майдонларнинг салмоғи, айниқса, Косон, Миришкор, Касби ва Нишон туманларида юқори – уларнинг ҳар бирида пахта мйдонлари 20 минг гектардан ортиқ. Мазкур туманларда йирик пахта майдонларининг шаклланиши, энг аввало, ҳудуднинг табиий шароити, яъни рельефининг текислиги, ер захираларининг кўплиги, иқлимининг иссиқлиги ва вегетация даврининг узоқлигига боғлиқ ҳолда кечади. Айни вақтда, бу ерда сув ресурсларининг танқислиги пахтачиликнинг тараққий этишига тўсқинлик қилаётган асосий муаммо бўлиб қолмоқда.

Қарши, Муборак, Ғузор ва Чироқчи туманларида пахта далалари 10-20 минг га оралиғида бўлиб, бунга Қарши туманининг шу ном билан аталувчи вилоят маркази атрофида жойлашганлиги ўз таъсирини ўтказган бўлса, Ғузор ва Чироқчи туманларининг рельефи бироз ноқулайлик туғдиради. Шунингдек, Қамаши, Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманларининг табиий шароити пахтачилик учун унча қулай эмас. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, асосан, баланд, ўрта тоғлар ва уларнинг ёнбағирларида жойлашган Китоб ҳамда Деҳқонобод туманларида пахта хом ашёси умуман етиштирилмайди (7-иловага қаранг). Туманлар бўйича пахта ялпи ҳосили таҳлили ҳам юқоридагиларга деярли мос келади. Вилоят жами ғўза майдонларининг 99,1 фоизи, ялпи ҳосилнинг 99,2 фоизи фермер хўжаликларига тегишли, қолган қисми қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга бириктирилган.

Ҳосилдорлик кўрсаткичлари эса, аҳоли зич яшайдиган худудларда юқори, яъни бу ерда ҳосилдорлик ва аҳоли уйғунлиги кузатилмоқда. Аҳоли

қадимдан суғорма деҳқончилик ривожланган, тупроғи унумдор бўлган ҳудудларда истиқомат қилиб келган. Ўз-ўзидан маълумки, ушбу ҳудудлар деҳқончилик, хусусан, пахтачиликдан юқори ҳосил олиш учун ижобий имкониятларга эга. Чироқчи ва Ғузор туманларида ҳосилдорлик кўрсаткичлари вилоят даражасидан (25 ц/га) анча пастлиги кўзга ташланмоқда. Мазкур ҳудудларни ғўза ўрнига бошқа экинларга, масалан, боғдорчиликка ихтисослаштириш яхши самара бериши мумкин.

Вилоятда етиштирилаётган пахта хом ашёсининг деярли ҳаммаси фермер хўжаликларида тайёрланмоқда. Пахта етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари сони жами 6117 та бўлиб, унинг асосий қисми ёки 64,1 фоизи Миришкор (948 та), Нишон (888), Косон (728), Касби (679) ва Қарши (679) туманларига тўғри келади. Аксинча, Шаҳрисабз, Муборак ва Ғузор туманларида эса уларнинг сони 400 тага етмайди.

Пахта хом ашёси етказиб берувчи фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони хўжаликлар сони кам бўлган Муборак туманида энг юқори – 44,1 га. Шунингдек, Косон ва Касби туманларида у 30 гектардан ортиқ; Яккабоғ, Шаҳрисабз, Қарши, Маришкор ва Нишон туманларида фермер хўжаликларида эса пахта етиштириладиган экин майдонлари 25 гектарга етмайди. Демак, бу ҳудудларда фермер хўжаликлари ерларини оптималлаштириш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим.

Вилоят пахтачилигини янада ривожлантириш, энг аввало, селекция ишларини тўғри ташкил этиш ва жойларнинг табиий имкониятларига мос келадиган пахтанинг янги навларини яратиш, ирригация ва мелиорация ишларини яхшилаш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ эрозияси ва шўрланишга қарши курашиш ишларини изчил ҳал этиб боришни тақозо этади.

Картошка 7,8 минг гектар ер майдонини банд қилган, ялпи ҳосил 150,1 минг т; сабзавот – 17,1 минг га, ҳосил 465,2 минг т. Вилоятда сабзавотга бириктирилган жами ерларнинг 42,3 фоизи фермер хўжаликлари қарамоғида.

2015 йилда сабзавот маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг салмоғи 3/1 қисмига яқин (8-иловага қаранг). Ем-ҳашак экинлари эса нисбатан каттароқ майдонни, яъни 39,1 минг гектарни эгаллайди, унинг ярмидан кўпроғида беда экилади. Бундай экинлар майдонларида фермер хўжаликларининг улуши 67,6 %.

Боғдорчилик тоғ ва тоғолди ҳудудларда жойлашган Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Қамаши сингари туманларда ривожланган бўлиб, уларга 20,4 минг гектар ер ажратилган. Вилоятда 2015 йил 130,0 минг тонна мева ва 97,0 минг тонна узум етиштирилган бўлиб, уларнинг 60 фоизига яқини фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган (9- ва 10-иловаларга қаранг).

3.1-жадвал

**Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг ҳудудий таркиби (2015 й.)**

| Туманлар | Ғалла | Пахта | Картошка | Сабзавот | Мева | Гўшт | Сут | Тухум, млн. дона |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | минг тонна | | | | | | | |
| Деҳқонобод | 11,6 | - | 0,8 | 2,4 | 1,4 | 17,4 | 35,6 | 10,4 |
| Касби | 92,6 | 66,5 | 2,3 | 16,0 | 7,2 | 14,8 | 76,9 | 11,5 |
| Китоб | 31,1 | - | 34,1 | 67,3 | 15,7 | 14,4 | 78,5 | 8,4 |
| Косон | 114,8 | 69,9 | 1,0 | 40,3 | 6,3 | 19,5 | 74,9 | 34,9 |
| Миришкор | 118,1 | 54,6 | 10,1 | 23,1 | 5,3 | 12,3 | 40,7 | 5,3 |
| Муборак | 49,9 | 25,2 | 0,5 | 7,3 | 3,7 | 11,9 | 39,2 | 8,5 |
| Нишон | 130,0 | 50,4 | 2,1 | 17,7 | 3,1 | 11,9 | 32,7 | 14,2 |
| Чироқчи | 113,4 | 22,0 | 17,4 | 45,5 | 8,0 | 14,8 | 106,6 | 37,0 |
| Шаҳрисабз | 48,8 | 18,2 | 37,5 | 66,2 | 17,8 | 12,1 | 66,1 | 30,1 |
| Яккабоғ | 63,9 | 22,1 | 27,6 | 55,6 | 13,4 | 13,2 | 64,9 | 17,1 |
| Қамаши | 109,7 | 23,7 | 4,4 | 40,0 | 7,9 | 22,8 | 69,3 | 39,4 |
| Қарши | 82,0 | 51,1 | 10,9 | 52,5 | 13,0 | 17,3 | 71,7 | 27,3 |
| Ғузор | 68,9 | 17,7 | 1,4 | 31,3 | 7,7 | 18,9 | 68,7 | 15,1 |
| **Вилоят бўйича** | **1034,8** | **421,4** | **150,1** | **465,2** | **110,5** | **201,3** | **825,8** | **259,2** |

Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилди.

Вилоятда 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра жами 1405,1 минг бош қорамоллар, 4268,2 минг бош қўй ва эчкилар мавжуд (бу борада ҳам Қашқадарё республикада олдинги ўринларни эгаллайди). Бироқ, чорвачилик

маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши паст даражада сақланиб қолмоқда. Жумладан, қорамолларнинг  4,0 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 3,2 фоизи фермер хўжаликларида парвариш қилинади (11- ва 12-иловаларга қаранг). Минтақа агросаноат мажмуида 2015 йилда 201,3 минг т. тирик вазнда гўшт, 825,8 минг т. сут, 259,2 млн. дона тухум ва 6,8 минг т. жун етиштирилган (3.1-жадвалга қаранг). Шунингдек, вилоятда йилига ўртача 180 минг донага яқин қоракўл териси, 2,8 минг т. пилла маҳсулотлари тайёрланади.

Юқорида таҳлил этилган Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги тармоқлар ва ҳудудий таркиби минтақа меҳнат тақсимотининг қай даражада ривожланганлиги ва, айни вақтда, бундай географик тафовутлар минтақа табиий шароитининг қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан турлича эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, вилоят қишлоқ хўжалигининг бундай тармоқлар таркиби ва ихтисослашуви унинг республикамиз агроиқтисодиёт тизимида тутган ўрнини ҳам кўрсатиб туради.




**3.5-расм. Қашқадарё вилоятида турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг улуши (2015 йил, %)**

Расм ЎзР статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Умуман олганда, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги ривожланишида фермер хўжаликлари салмоқли ўрин эгаллайди. Айниқса, пахта, ғалла ва пиллани етиштиришда мазкур тоифадаги хўжаликларнинг ўрни жуда юқори (3.5-расмга қаранг). Шунингдек, боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик маҳсулотларининг ярмидан ортиғи фермерлар томонидан тайёрланади. Картошка ва сабзавотларни етиштиришдаги фермер хўжаликларининг улуши деярли 1/3 қисмни ташкил этмоқда. Шу вақтнинг ўзида, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши жуда паст. Бу борада фермерчиликнинг улушини ошириш учун, энг аввало, шу йўналишга ихтисослашган хўжаликларнинг ер фондини пахта ва ғалла экин майдонларини ҳосилдорлиги нисбатан паст бўлган ерлар ҳисобига қисқартириш эвазига кўпайтириш зарур.

## 3.2-§. Минтақа табиий шароити ва фермер хўжаликларининг ихтисослашуви

Қашқадарё вилояти республикамизнинг йирик қишлоқ хўжалиги минтақаларидан бири ҳисобланади. У айни вақтда, пахта, ғалла ва ипак қурти (ушбу маҳсулотлар, асосан, фермер хўжаликларида тайёрланади) маҳсулотлари етиштиришда ҳамда йирик шоҳли қорамоллар ва қўй-эчкилар сони ёки гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришда етакчи вилоятлар сирасига киради. Шунингдек, ушбу минтақа табиий шароитининг турли-туманлиги, яъни баланд тоғлар билан бир қаторда, бу ерда типик чўл, лалмикор ерлар, яйловларнинг шаклланганлиги қишлоқ хўжалигини, хусусан, фермер хўжаликларини ихтисослаштириш ва ривожлантириш борасида республикамизнинг барча ҳудудлари учун мос келадиган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Фермер хўжаликлари ихтисослашувида минтақалар табиий шароити алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, рельеф, иқлим, ер-сув ресурслари қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви ва ҳудудий ташкил этилишининг негизи

ҳисобланади. Қашқадарё вилояти табиий шароитининг турли-туманлиги минтақанинг агроиқлимий ресурслар ва ер-сув ресурслари билан турлича таъминланишига сабаб бўлган.

Вилоятнинг рельефи шарқдан ғарбга аста-секин пасайиб боради. Текислик қисми Қарши ва Сандиқли қум чўллари ҳамда Китоб-Шаҳрисабз ботиғини ўз ичига олади, тоғли ҳудудлари эса, шарқда Ҳисор, шимолда Зарафшон тизмасининг Чақилкалон, Қоратепа ва Зиёвутдин-Зирабулоқ тоғ тизмаларидан иборат. Вилоятнинг марказий ва ғарбий қисмларини эгаллаган Қарши чўлининг Денгизкўл ботиғи билан туташ жойи денгиз сатҳидан 280 м баланд бўлса, шарқда Ҳисор тоғларида баландлик 4000 м дан ортиқ. Бундай табиий географик, гипсометрик тафовутларнинг мавжудлиги қишлоқ хўжалигида экин турларини ҳудудий жойлаштириш, ихтисослаштиришни белгилаб беради.

Рельеф атмосфера ёғинларининг ҳудудий тақсимланиши, ҳаво ҳароратининг ўзгариши, намлик даражаси ва бошқа метеорологик шароитларига ҳам катта таъсир кўрсатади. Вилоят ҳудудида қуёшли кунлар анча узоқ давом этади ва ўрта ҳисобда 2600-3000 соатни ташкил қилади, текислик қисмида ёз фасли 155-160 кунгача етади, июль ойининг йиллик ўртача ҳаво ҳарорати +28$^0$С,+29$^0$С га тенг, мутлақ юқори ҳарорат эса 46-47$^0$С. Баҳор нисбатан эрта бошланади, тезда жазирама ёзга ўтиб кетади. Қиши қисқа, текислик ва тоғ олди ҳудудларида январнинг кўп йиллик ўртача ҳарорати +2$^0$С атрофида [19; 123 б.].

Тоғ ва тоғ оралиғи ботиқларида ёз бироз салқинроқ бўлади. Масалан, Китоб-Шаҳрисабз ботиғида ёзги мутлақ ҳарорат +43$^0$С дан ортмайди. Мусбат ҳароратлар йиғиндиси Қашқадарё ҳудудида 4800$^0$ ни ташкил қилиб, айрим ҳудудларида (Ғузорда) 5300$^0$ гача боради. Бундай шароит вилоятнинг мазкур ҳудудларида ингичка толали пахта етиштириш ва бошқа иссиқсевар экинларни экиш учун имкон беради.

Қашқадарёда ёғин-сочин нисбатан кўпроқ тушади, лекин ёғин вилоятда йил фасллари ва ҳудудлар бўйича бир меъёрда тақсимланмаган. Текисликларга у жуда кам тушиб (190-200 мм), тоғ ёнбағирларига ва тоғларга анча кўп ёғади (550 мм). Қор эса кам ёғади ва узоқ турмайди, қиш ойларида барқарор қор қоплами вилоят ҳудудида 1500-1600 м баландликлардан бошлаб кузатилади. Ёғиннинг асосий қисми баҳор ва қиш ойларига тўғри келади. Бу эса қишлоқ хўжалиги учун анча қулайлик туғдиради. Чунки, бу пайтларда сув кам буғланиб, тупроқда нам тўпланади, натижада, яйловларда чорва моллари учун ўт-ўланлар ва лалмикор деҳқончилик ўсимликлари яхши ривожланишига замин яратилади. Баҳорнинг сўнгги ойларида ва ёзда ёғинларнинг деярли ёғмаслиги қишлоқ хўжалиги экинларини сунъий суғоришни тақозо этади [20; 37 б.].

Қашқадарё вилоятининг ички сувлари Қашқадарё ва унинг ирмоқларидан ҳамда Амударёдан чиқарилган каналлардан иборат. Қашқадарё дарёсининг узунлиги 373 км. ни ташкил қилиб, у Ҳисор тоғларининг ғарбида 3200 м баландликдаги Мухбел давони яқинидан бошланади ва Қарши чўлигача етиб боради. Қашқадарё ва унинг ирмоқлари Оқсув, Яккабоғ ва Танхоз дарёлари қор, муз ва ёмғир сувларидан, булоқлардан тўйинади. Қашқадарё дарёси йиллик сув миқдорининг 64 фоизи март-июнь ойларига тўғри келади [94; 86-95 б.].

Минтақа дарё сувларини йиғиш, тежаб сарф қилиш мақсадида Қашқадарёда Чимқўрғон (сув сиғими 449 млн м$^3$), Қамаши (18 млн м$^3$), Ғузордарёда Пачкамар (283 млн.м$^3$) ҳамда Таллимаржон (2530 млн м$^3$) сув омборлари қурилган. Таллимаржон сув омборига куз ва қиш ойларида Қарши магистрал канали орқали келтирилган Амударё суви йиғилади. Шунингдек, вилоят ер ости сувининг катта заҳирасига эга. Қашқадарё вилоятида гидрологик ва хўжалик аҳамиятига молик йирикроқ табиий кўллар йўқ. Қарши чўлининг ғарбида кичик-кичик шўр кўллар мавжуд, холос. Тоғли минтақада бир қанча майда кўллар учрайди.

Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон ҳудуди учун хос бўлган деярли барча тупроқ турлари тарқалган. Вилоят ҳудудида тупроқ типлари рельефи ва гидротермик (иссиқлик ва атмосфера ёғинларининг тақсимланиши) шароитларга боғлиқ ҳолда, ғарбдан шарққа томон ўзгаради. Ғарбда текислик рельефига эга бўлган Қарши чўли доирасида кенглик бўйича зонал тарқалган чўл тупроқлари бироз шаркрокда тоғ олди чала чўл зонасининг бўз тупроқларига ўтади. Қашқадарё ҳавзасининг ғарбий қисмида берк ботиқлар, пастқам жойларда шўрҳоклар учрайди. Тоғолди чалачўл зонаси учун асосан бўз тупроқлар хос бўлиб, улар денгиз сатҳидан 250-300 м дан 1200-1400 м гача баландликларда, яъни тоғ олди қия текисликларида, адирларда ва паст тоғларнинг ёнбағирларида тарқалган [93; 103-016 б.].

Таъкидлаш жоизки, лалмикор худудларнинг барчаси, обикор ерларнинг деярли 80 фоизи бўз тупроқли ерлардир. Баланд тоғларнинг ён бағирларида 1200-1400 м дан юқорида жигар ранг тоғ-ўрмон ва оч тусли қўнғир тупроқлар минтақаси жойлашган. Рельеф, иқлим, тупроқ ва сув ресурслари, хусусан, арид ўлкаларда агроиқтисодиётни ташкил этиш, жойлаштириш, ихтисослаштириш ва ривожлантиришга кучли таъсир этади. Бу жараён айниқса, фермер хўжаликларида яққол намоён бўлади.

Қашқадарё вилоятида 2016 йилда жами 12200 та фермер хўжаликлари фаолият олиб борган (2013 йилда 8025 та), уларга 741,7 минг гектар ер майдони бириктирилган, ўрта ҳисобда битта фермерга 60,8 гектар майдон тўғри келади. Мазкур хўжаликларда 105 мингдан ортиқ аҳоли меҳнат қилмоқда ва улар томонидан жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 36 фоизи етиштирилмоқда. Вилоят фермер хўжаликларининг 73,8 фоизи пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Шунингдек, хўжаликларнинг 13,4 фоизи боғдорчилик-узумчиликка, 6,5 фоизи чорвачиликка, атиги 3,5 фоизи полиз ва сабзавот ҳамда 2,8 фоизи бошқа турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (тутчилик, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, гулчилик, уруғчилик ва ҳ.к.) етиштиришга ихтисослашган (3.6-расмга қаранг).




**3.6-расм. Фермер хўжаликлари ихтисослашуви (2016 йил, фоизда)**

Расм ЎзР статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоят фермер хўжаликлари ихтисослашуви республика билан таққосланганда катта тафовутлар кўзга ташланмайди. Хусусан, Қашқадарёда пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг бошқа тармоқларга нисбатан улуши республика даражасидаги кўрсаткичдан 13,8 фоизга юқори. Бироқ, боғдорчилик-узумчиликка ихтисослашган хўжаликлар эса анча кам. Бу эса, вилоят фермерчилигини, асосан, стратегик маҳсулотлар етиштиришга йўналтирилганлигидан далолат беради. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятда полизчилик-сабзавотчиликка ва чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг нисбий кўрсаткичи республика кўрсаткичини деярли такрорлайди. “Бошқа тармоқлар” ҳам вилоятда нисбатан кам. Бу эса хўжаликларнинг яхши диверсификатланмаганлигини кўрсатади. Бундай тармоқларга ихтисослашган хўжаликлар орасида асосий ўринни тутчилик ва балиқчилик эгаллайди.




**3.7-расм. Қашқадарё вилояти пахтачилик-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари харитаси**

Харита муаллиф томонидан тузилди.

Пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сонига кўра Косон, Миришкор, Чироқчи, Нишон, Касби ва Қарши туманлари етакчилик қилади. Айтиш лозимки, вилоятнинг ўзлаштирилган чўл ҳудудларида ташкил этилган қишлоқ туманларида, асосан, пахта, лалми ерлари салмоғи ва ёғин-сочин миқдори нисбатан катта бўлган Чироқчи туманида эса ғалла маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар сони кўпроқ.

Китоб ва Деҳқонободда пахта умуман етиштирилмайди, шу сабабли мазкур туманларда бу йўналишдаги фермер хўжаликлари йўқ, уларда кўпроқ ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликлар фаолият олиб бормоқда.

Пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган хўжаликларнинг ўртача ер майдони вилоятда 69,1 гектар. Бу борада ҳам туманлар миқёсида ҳудудий фарқлар кўзга ташланади. Жумладан, Ғузор (96,6 га), Қамаши (95,5 га), Деҳқонобод (94,9 га) ва Чироқчи (85,6 га) туманларида бу йўналишга ихтисослашган фермер хўжаликлари ўртача ер майдонларининг юқори бўлишига, асосан, уларда лалми ғаллачилик имконияти мавжудлиги сабаб бўлган. Ер майдони Қарши (51,4 га), Шаҳрисабз (50,1 га) ва Касби (44,5 га) туманларида нисбатан кичиклигини бу ерда суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши ва аҳоли зич жойлашганлиги билан изоҳланади (3.7-расмга қаранг).

Вилоятда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг сони 1637 та. Бу жиҳатдан вилоятнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган Китоб, Шаҳрисабз ҳамда Яккабоғ туманлари алоҳида ажралиб туради. Мазкур туманларда вилоят жами боғдорчилик-узумчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларининг асосий қисми, яъни 71,8 фоизи шаклланган. Қолган қишлоқ туманларида бу кўрсаткич 100 тага ҳам етмайди. Уларнинг ўртача ер майдони 17,0 гектар бўлиб, у қишлоқ туманлари даражасида 5,6 (Шаҳрисабз) гектардан 28,4 (Деҳқонобод) гектаргача фарқланади (3.2-жадвалга қаранг).

3.2-жадвал

**Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларининг ихтисослашуви, 2016 й.**

| | | Бириктирилган ер майдони, га | Жами фермер хўжаликлари | | шу жумладан, ихтисослашуви бўйича: | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | пахтачилик ва ғаллачилик | | савзавотчилик ва полизчилик | | боғдорчилик ва узумчилик | | чорвачилик | | бошқа йўналишлар | |
| | | | сони | 1 та ф/хга тўғри келадиган ўртача ер майдони, га | сони | 1 та ф/хга тўғри келадиган ўртача ер майдони, га | сони | 1 та ф/хга тўғри келадиган ўртача ер майдони, га | сони | 1 та ф/хга тўғри келадиган ўртача ер майдони, га | сони | 1 та ф/хга тўғри келадиган ўртача ер майдони, га | сони | 1 та ф/хга тўғри келадиган ўртача ер майдони, га |
| 1 | Деҳқонобод | 34846 | 338 | 103,1 | 247 | 94,9 | | | 9 | 28,4 | 72 | 91,3 | 10 | 455,6 |
| 2 | Касби | 46838 | 1057 | 44,3 | 963 | 44,5 | 24 | 27,1 | 30 | 18,0 | 31 | 88,0 | 9 | 7,9 |
| 3 | Китоб | 34437 | 951 | 36,2 | 237 | 66,7 | 135 | 11,5 | 402 | 20,7 | 78 | 107,9 | 99 | 3,4 |
| 4 | Косон | 77572 | 1325 | 58,5 | 1219 | 60,3 | | | 22 | 13,0 | 76 | 48,8 | 8 | 7,1 |
| 5 | Миришкор | 89940 | 1175 | 76,5 | 1068 | 64,7 | 8 | 6,9 | 55 | 6,8 | 39 | 522,2 | 5 | 8,6 |
| 6 | Муборак | 49607 | 537 | 92,4 | 367 | 72,6 | 14 | 15,4 | 40 | 22,4 | 70 | 298,4 | 46 | 20,6 |
| 7 | Нишон | 62565 | 1046 | 59,8 | 993 | 60,0 | 6 | 33,0 | 26 | 23,0 | 21 | 98,0 | | |
| 8 | Чироқчи | 105099 | 1273 | 82,6 | 1034 | 85,6 | 20 | 34,0 | 79 | 9,2 | 111 | 135,0 | 29 | 6,8 |
| 9 | Шаҳрисабз | 25155 | 1080 | 23,3 | 376 | 50,1 | 142 | 10,2 | 413 | 5,6 | 94 | 23,4 | 55,0 | 6,5 |
| 10 | Яккабоғ | 36736 | 978 | 37,6 | 492 | 55,7 | 48 | 12,8 | 360 | 15,3 | 33 | 84,5 | 45 | 9,5 |
| 11 | Қамаши | 78321 | 880 | 89,0 | 726 | 95,5 | 25 | 12,6 | 74 | 15,0 | 50 | 150,2 | 5,0 | 10,0 |
| 12 | Қарши | 49024 | 1007 | 48,7 | 827 | 51,4 | 6 | 13,5 | 93 | 27,5 | 59 | 63,2 | 22 | 7,2 |
| 13 | Ғузор | 55933 | 552 | 101,3 | 452 | 96,6 | | | 34 | 16,2 | 55 | 207,3 | 11 | 28,1 |
| **Вилоят бўйича** | | **746098** | **12200** | **61,2** | **9001** | **69,1** | **428** | **17,7** | **1637** | **17,0** | **790** | **138,8** | **344** | **47,6** |

Жадвал Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоят фермер хўжаликларининг атиги 3,5 фоизи сабзавот ва полиз маҳсулотларини тайёрловчи хўжаликлардир. Баъзи қишлоқ туманларида (Деҳқонобод, Косон ва Ғузор) фермер хўжаликлари мазкур жараёнда умуман иштирок этишмайди. Нисбатан кам сувли Қамаши ва Нишонда полизчилик, Шаҳрисабз ва Китобда сув билан яхши таъминланганлиги боис сабзавотчилик (ушбу тармоқ бошқаларига қараганда кўп сув талаб қилади) хўжаликлари сон жиҳатдан устунлик қилади.

Чорвачиликка жами фермер хўжаликларининг 6,5 фоизи ихтисослашган бўлиб, уларнинг ўртача ер майдони 138,8 гектар. Бу борада вилоятнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган Чироқчи, Шаҳрисабз, Китоб, Косон ва Деҳқонобод қишлоқ туманларининг мавқеи юқори. Уларда вилоят чорвачилик фермер хўжаликларининг 54,5 фоизи ёки 790 тадан 431 таси фаолият олиб бормоқда. Чорвачилик фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони, айниқса, Миришкор, Муборак, Ғузор, Қамаши ва Чироқчи туманларида юқори эканлиги ушбу ҳудудларда асосан яйлов чорвачилиги ривожланганлигини англатади. Аҳолиси нисбатан зич жойлашган Қарши, Касби ва Шаҳрисабз туманларида чорвачилик интенсив йўналишда ривожланмоқда.

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ихтисослашуви олдинги йиллар билан таққосланганда, асосан, пахтачилик-ғаллачиликка (2010 й. – 75,0 %; 2016 й. – 73,8 %) ва боғдорчилик-узумчиликка (2010 й. – 15,9 %; 2016 й. – 13,4 %) ихтисослашган хўжаликлар салмоғининг бироз камайганлигини кўришимиз мумкин. Пахтачилик-ғаллачиликнинг улуши, асосан, пахта етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар ҳисобидан, яъни ҳосилдорлиги сурункасига 17 ц/га ва ундан кам бўлган хўжаликларнинг тугатилиши натижасида рўй берган бўлса, боғдорчилик ва узумчиликнинг ҳиссаси хўжаликлар диверсификацияланганлиги, яъни бошқа тармоқларнинг кўпайганлиги оқибатида нисбатан камайган. Аксинча, вилоятда сабзавот-

полизчиликка (2010 й. – 2,3 %; 2016 й. – 3,5 %) ва чорвачиликка (2010 й. – 5,8 %; 2016 й. – 6,5 %) ихтисослашган хўжаликлар кўпайиб бормоқда.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги, хусусан, фермер хўжаликларининг ихтисослашуви негизи табиий шароитга бориб тақалади. Алоҳида табиий компонентларнинг ҳар бир хусусиятларини эътиборга олган ҳолда агроиқтисодиётни ихтисослаштириш ҳозирги кунда география фанининг олдида турган долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу йўналишдаги тадқиқотларни кенгайтириш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ихтисослашувини хўжаликлар даражасида ўрганиш ва мавжуд вазиятни объектив баҳолаш мақсадида Шаҳрисабз тумани маълумотлари таҳлил этилди. Туманда 2016 йилда жами 1080 та фермер хўжаликлари фаолият олиб борган.




**3.8-расм. Шаҳрисабз тумани фермер хўжаликларига бириктирилган ер ресурслари динамикаси**

Расм Шаҳрисабз тумани статистика бўлими маълумотлари асосида тузилди.

Статистик маълумотлар таҳлили Шаҳрисабз тумани фермерлари ихтиёридаги жами ер майдони ўтган давр мобайнида муттасил кўпайишда давом этганлигини кўрсатади. Бундай ерлар 1995 йил 1,4 минг га, 2000 йил 2,5 минг га, 2005 йил 13,3 ва 2010 йил 25,5 минг гектарни ташкил этгани ҳолда, у 2015 йил 29,2 минг гектарга етди (3.8-расмга қаранг). Ушбу жараён,

асосан, жамоа ва ширкат хўжаликлари тугатилиши оқибатида рўй берган. Шу билан бирга, туманда бир фермер хўжалигига бириктирилган ўртача ер майдони ҳам турли йилларда аграр ислоҳотлар туфайли ҳар хил кўрсаткич касб этган. Масалан, у 2000 йилда 25,0 гектардан 2010 йилда 52,0 гектаргача ўзгарган. Энг юқори кўрсаткичлар 2012-2013 йилларда кузатилган – 98,4 га. Бироқ, охирги икки йилда хўжаликларнинг ўртача ҳажми кескин қисқарган, яъни 2015 йилда бир фермер ўртача 28,7 га, 2016 йилда 23,3 гектар ерга фаолият олиб борган.

Туманда фермер хўжаликларига бириктирилган жами ер ресурсларининг 64,2 фоизи, яъни 18,7 минг гектари экин майдонлари, 16,0 фоизи яйловлар ва 13,6 фоизи кўп йиллик дарахтзорлар сирасига киради. Қолган қисмини сув ва йўл ости ерлари, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар ҳамда қурилишлар ўрни (шийпон, молхона ва бошқ.) банд этади. Жами экин майдонларининг 3/4 қисмидан ортиғи суғориладиган, 22,7 фоизи эса лалмикор ерлар ҳисобланади.

Экин ерлари қишлоқ хўжалиги тармоқларига турлича бириктирилган бўлиб, бу борада пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари етакчи ўрин тутади (76,6 %). Чорвачилик ва сабзавот-полизчиликнинг ҳам улуши юқори (мос равишда, 11,0 ва 9,4 %). Шунингдек, бошқа тармоқлар орасида боғдорчиликнинг салмоғи сезиларли даражада. Баҳорикор ер ресурсларидан фойдаланишда ғаллачилик хўжаликлари алоҳида аҳамиятга эга, улар ихтиёрига бундай ерларнинг 3/4 қисми бириктирилган.

Айтиш жоизки, 2015 йилда туман фермер хўжаликларида банд бўлган жами 16,5 минг ишчиларнинг асосий қисми (63,0 %) пахта-ғаллачиликка, чорвачиликка (19,4 %) ва ғаллачиликка (7,4 %) ихтисослашган хўжаликларда фаолият олиб боришган. Бир хўжаликка банд аҳоли тармоқлар даражасида таҳлил қилинганда ҳам пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермерлар ажралиб туради (50 киши). Қолаверса, бу борада чорвачилик ва паррандачиликнинг ҳам аҳамияти юқори (мос ҳолда, 38 ва 21 киши). Бироқ, сабзавот-полизчилик,

асаларичилик ва баликчиликда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси пастроқ (3-5 киши). Этиборлиси шундаки, келажакда туман фермер хўжаликларини ихтисослаштириш назарда тутилаётган боғдорчилик ва узумчилик тармоқларининг аҳоли бандлигини оширишдаги салмоғи жуда паст (1-2 киши).

3.3-жадвал

**Шаҳрисабз тумани фермер хўжаликларининг ер майдони бўйича гуруҳланиши**

| Гуруҳ | Ер майдони, га | Фермер хўжаликлари сони, бирлик | Жамига нисбатан улуши, % | Ихтисослашган тармоқлари |
|---|---|---|---|---|
| I | 0,1-5 | 169 | 16,6 | Баликчилик, паррандачилик, интенсив боғдорчилик, тутчилик, сабзавотчилик |
| II | 5,1-10 | 252 | 24,7 | Боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, кўчатчилик, чорвачилик |
| III | 10,1-20 | 242 | 23,8 | Полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик, ғаллачилик, асаларичилик |
| IV | 20,1-40 | 143 | 14,0 | Ғаллачилик, узумчилик, чорвачилик-боғдорчилик, пахта-ғаллачилик |
| V | 40,1-60 | 84 | 8,2 | Пахта-ғалла-чорвачилик, пахта-ғаллачилик, чорвачилик |
| VI | 60,1-80 | 67 | 6,6 | Пахта-ғаллачилик, чорвачилик |
| VII | 80,1-100 | 25 | 2,5 | Ғаллачилик, пахта-ғаллачилик |
| VIII | 100 гектардан ортиқ | 37 | 3,6 | Ғаллачилик (баҳорикор), пахта-ғаллачилик, чорвачилик |

Жадвал Шаҳрисабз тумани статистика бўлими маълумотлари асосида тузилди.

Туман фермер хўжаликлари ер майдонига кўра гуруҳлаштирилганда уларнинг асосий қисми кичик (майда) хўжаликлар эканлиги кўзга ташланди. Хусусан, беш гектаргача ерга эгалик қилаётган фермерлар жами хўжаликларнинг 16,6 фоизини, ихтиёрида 5,1-10 ва 10,1-20 гектар ер ресурслари мавжуд бўлганлари эса деярли ярмини ташкил этмоқда. Ер миқдори 20,1-40 гектаргача бўлган фермерларнинг ҳам улуши сезиларли даражада – 14,0 %. Такидлаш жоизки, 40,1-60 ва 60,1-80 гектарли фермерлар нисбатан кам сонли бўлса-да (мос равишда, 84 ва 67 та), ўртача ер ҳажмининг катталиги боис, уларнинг умумий ер салмоғидаги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги улуши юқоридаги гуруҳ фермер хўжаликларидан кам эмас (3.3-жадвалга қаранг).




**3.9-расм. Шаҳрисабз тумани фермер хўжаликлари ихтисослашуви, жамига нисбатан фоизда**

Расм Шаҳрисабз тумани статистика бўлими маълумотлари асосида тузилган.

Туманда 100 гектардан ортиқ ер майдони бириктирилган 37 та хўжалик мавжуд, эътиборлиси уларнинг иккитаси 500 гектардан кўпроқ ерга эгалик қилади. Улар тоғ этакларида (Амир Темур ҚФЙ да) жойлашган Пардаев Ферузбек Рахимович (563,7 га) ва Муҳиддин ўғли Аслиддин (661,5 га) номли фермер хўжаликларидир. Ушбу тоифадаги хўжаликлар ер майдонининг 90

фоизига яқини яйловлар, қолган қисми эса лалмикор ерлардан иборат ва, табиийки, бу хўжаликлар яйлов чорвачилиги ва баҳорикор ғаллачиликка ихтисослашган.

Энг муҳими, ер майдонларининг ҳажми хўжаликларнинг ихтисослашувини яққол намоён этади. Масалан, кичик хўжаликлар балиқчилик, паррандачилик, интенсив боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган бўлса, иккинчи гуруҳ хўжаликлари, асосан, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик ва кўчатчиликка йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Учинчи гуруҳ таркибига кирувчи фермерлар эса полиз, сабзавот, мева, узум билан бирга қисман ғалла маҳсулотлари ҳам етиштирадилар. Тўртинчи ва бешинчи гуруҳда пахта, ғалла ва чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар устунликка эга, олтинчи ва ундан кейинги гуруҳ хўжаликлари пахта-ғаллачилик ва баҳорикор ғаллачиликка йўналтирилганлиги билан эътиборлидир. Шу ўринда айтиш мумкинки, ғалла асосан 20 гектардан зиёд ер майдонига эга бўлган деярли барча хўжаликларда етиштирилса, пахта кўпроқ 40-80 гектарли хўжаликларда экилади.

Бироқ, Шаҳрисабз тумани тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашганлиги сабабли фермер хўжаликлари ихтисослашуви вилоятдан бироз фарқли равишда, биринчи ўринни боғдорчилик ва узумчилик хўжаликлари эгаллайди. Уларнинг ҳиссаси бу борада 25,2 %. Кейинги ўрин пахта-ғаллачилик мос келади – 20,5% (3.9-расмга қаранг). Таҳлиллардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигининг ушбу тармоқларига туман жами фермер хўжаликларининг деярли ярми ихтисослашган. Шу билан бирга, туманда вилоятга нисбатан сабзавот-полизчиликка, чорвачиликка ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг салмоғи кўпроқ (мос ҳолда, 17,0; 8,2 ва 8,1 %). Сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари Шаҳрисабз шаҳри атрофида кўпроқ жойлашган, боғдорчилик ва, айниқса, узумчиликка йўналтирилган хўжаликлар эса, асосан, тоғ олди ҳудудларида ташкил этилган.




**3.10-расм. Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ихтисослашуви харитаси**

Расм муаллиф томонидан тузилган.

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва ҳудудий таркиби минтақа табиий шароитининг қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан турличалиги билан изоҳланади. Ўрганилаётган минтақа табиий-қишлоқ хўжалик шароитининг турли-туманлиги, яъни баланд тоғларда шаклланган яйлов чорвачилиги, тоғ олди ва паст тоғлардаги лалми деҳқончилиги, дарё водийлари ва воҳалардаги суғорма деҳқончилик ҳамда типик чўл-яйлов хўжалигининг мавжудлиги, фермер хўжаликларини ихтисослаштириш ва ривожлантириш борасида республикамизнинг турли ҳудудлари учун мос келадиган илмий таклифларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Қашқадарё вилоятининг юқорида қайд этилган агрогеографик шароити ранг-баранглигидан келиб чиқиб, диссертацияда минтақа ҳудуди фермер хўжаликларининг ривожланиш шароитлари нуқтаи назаридан маъмурий-ҳудудий тамойил асосида қуйидаги мезонларга таяниб районлаштирилди:

- ер майдонларининг ўртача ҳажми (га ҳисобида);
- ер фонди таркиби (суғориладиган, лалми, яйлов ерларнинг улуши);
- етиштирилаётган маҳсулотларнинг ўзаро нисбати (фоизда).

Ушбу мезонлар асосида Қашқадарё вилояти ҳудуди 4 та фермерчилик районига ажратилди (3.10-расмга қаранг):

- Касби, Косон, Миришкор, Муборак, Нишон, Қарши туманларидан иборат **Ғарбий** район (пахтачилик, ғаллачилик, чўл-яйлов чорвачилиги);

- Чироқчи, Қамаши, Ғузор туманларини қамраб олувчи **Марказий** район (ғаллачилик, пахтачилик, гўшт-сут чорвачилиги);

- Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларини бирлаштирган **Шимоли-шарқий** район (боғдорчилик-узумчилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, сут-гўшт чорвачилиги);

- Деҳқонобод туманига мос келувчи **Жануби-шарқий** район (ғаллачилик, тоғ-яйлов чорвачилиги).

## 3.3-§. Вилоят қишлоқ хўжалиги тармоқларида фермерчиликнинг ривожланиши ва уларда ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳудудий масалалари

Бугунги кунда республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 34,4 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади (2016 й.). Агроиқтисодиётнинг тармоқлари даражасида таҳлил этилса, мазкур мулкчилик шаклининг улуши деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда анча юқори, яъни унинг 56,0 фоизи етиштирилмоқда. Айни вақтда, деҳқон хўжаликларининг салмоғи – 42,9 %, (1,1 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналарида тайёрланмоқда). Ўз навбатида, деҳқончилик тармоқларида маҳсулот етиштириш бўйича фермер хўжаликларининг ўрни турлича кузатилмоқда.




**3.11-расм. Қашқадарё вилояти деҳқончилик экинлари ҳосилдорлиги, 2015 й., ц/га**

Расм Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Тадқиқот объекти ҳисобланган Қашқадарё вилоятида 2015 йилда жами етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотида деҳқончиликнинг улуши

52,8%. Таъкидлаш жоизки, деҳқончиликда тармоқлари ҳосилдорлиги хўжалик тоифалари даражасида бир-биридан фарқланади. Деҳқончилик экинлари ҳосилдорлигида фермер хўжаликларининг кўрсаткичи пахта ва ғалла экинларида бошқа хўжалик тоифаларига нисбатан юқори бўлса, сабзавот-полиз ва мева-узумчиликда деҳқон хўжаликларининг кўрсаткичи нисбатан юқорироқ (3.11-расмга қаранг).

Чорвачилик республика агроиқтисодиётининг тез ривожланиб бораётган тармоқларидан биридир. У мамлакат аҳолисини озиқ-овқат, хусусан, оқсилга бой гўшт, сут ва тухум, саноатни жун, тери ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш баробарида, қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг даромад манбаи ҳам ҳисобланади. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларида, яъни мустақилликнинг илк йилларида республикамизнинг кўплаб иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми камайиб, аҳолининг қўшимча даромад олиш имкониятлари чекланган мураккаб шароитда ушбу соҳа қишлоқ жойларда аҳоли фаровонлигини барқарор сақлаб туришда салмоқли ҳисса қўшган. Бозор иқтисодиёти механизмлари фаоллашиб, аҳолининг озиқ-овқатга, саноатни эса табиий хом-ашёга талаб даражаси мунтазам ортиб бораётган бугунги кунда чорвачиликни ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини янада ошириш мамлакатнинг муҳим иқтисодий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг айнан шу тармоғини тараққий эттириш ва бу борада мавжуд ички имкониятлардан кенг фойдаланишга қаратилган кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Чунончи, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига ер ажратиб бериш, техника, ёқилғи-мойлаш ва қурилиш материаллари, йирик шохли қорамол, ускуналар ва механизация воситаларини сотиб олиш учун 5 йилдан 10 йилгача имтиёзли кредитлар берилиши шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 308-сон ва 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги 842-сон Қарорларига асосан мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш стратегияси ҳамда тармоқда амалга оширилаётган ишлар ва яратилаётган имкониятлар кўлами йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда тасдиқланган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунида (янги таҳрир) фермер хўжалиги сифатида фаолиятни бошлаш шартлари аниқ кўрсатиб берилган. Унга кўра, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли мавжуд бўлган тақдирда ташкил этилади. Бунда шартли равишда ҳар бир бош мол ҳисобига қуйидаги коэффициентлардан фойдаланилади: қорамоллар (сигирлар, насл олинадиган новвослор, бўрдоқига боқиладиган новвослар) ва отлар учун 1,0 ёш, қорамоллар учун – 0,6, қўй ва эчкилар учун – 0,1, чўчқалар учун – 0,3 ҳамда паррандалар учун – 0,025 ёш.

Республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 41,9 фоизи чорвачилик ҳиссасига тўғри келади (2016 й.). Чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалигининг барча мулкчилик шакллари иштирок этишса-да, уларнинг асосий қисми, яъни 92,1 фоизи деҳқон хўжаликларига тўғри келмоқда. Айни вақтда, фермер хўжаликларининг улуши анча паст – 4,4 %, (3,5 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан таъминланмоқда).

Қашқадарё вилоятида ҳам республикада бўлгани каби чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг ҳиссаси кам.

Чунончи, гўштнинг 1,5 фоизи, сутнинг 2,0 фоизи, тухумнинг 2,7 фоизи, жуннинг 2,5 фоизи, қоракўл терисининг 4,2 фоизи фермер хўжаликлари томонидан тайёрланмоқда. Бироқ, таъкидлаш жоизки, пиллачиликда бу кўрсаткич анча юқори – 90 %.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр секторда, айниқса, қурғоқчил ҳудудларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Қашқадарё вилоятида 2016 йилада жами 12200 та фермер хўжаликлари фаолият олиб борган, уларга 741,7 минг гектар ер майдон бириктирилган, ўрта ҳисобда битта фермерга 60,8 гектар майдон тўғри келади.

Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонлари бўйича Чироқчи (105,0 минг га), Миришкор (89,9 минг га), Қамаши (78,3 минг га) ва Косон (77,6 минг га) туманлари алоҳида ажралиб туради. Ушбу туманларда бу кўрсаткичларнинг шаклланишида майдонининг катталиги ва экстенсив чорвачилик учун фойдаланиладиган яйловлар салмоғининг кўплиги таъсир қилган. Бу борада энг оз кўрсаткичлар Яккабоғ, Деҳқонобод ва Шаҳрисабз туманларида таркиб топган. Фермерларга бириктирилган ўртача ер майдони вилоятда 61,2 гектар бўлиб, унга кўра, Ғузор ва Деҳқонобод туманлари (100 гектардан ортиқ) олдинги ўринни эгалласа, сўнгги ўринларда аҳолиси нисбатан зич Касби, Китоб ва Шаҳрисабз туманлари жой олган.

Вилоятнинг суғориладиган майдонларини сув билан таъминлаш учун талаб этиладиган сувнинг 75 фоизи Амударёдан 78 км узунликдаги 132 метр баландликка кўтариб берувчи каскад насос станциялари Миришкор ва Қарши магистрал каналлари орқали, 20 фоизи Қашқадарё ва унинг ирмоқлари (Танхоздарё, Жиннидарё, Оқсувдарё, Катта-кичик Ўрадарё, Ғузордарё, Яккабоғдарё, Қумдарё, Лангардарё дарёлари ва кўплаб сойлар) орқали етказиб берилади. Қолган 5 % сув Зарафшон дарёсидан Эски-анҳор канали орқали таъминланади. Шунингдек, минтақада экин далаларини суғориш

мақсадида қурилган кўплаб сув омборлари мавжуд. Масалан, Чимқўрғон (фойдали ҳажми – 425 млн м$^3$), Пачкамар (207 млн м$^3$), Қамаши (23,8 млн м$^3$), Қалқама (9,3 млн м$^3$), Деҳқонобод (11,6 млн м$^3$), Лангар (6,4 млн м$^3$) сув омборлари биргаликда 58,3 минг га майдонни суғоришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари жадал ривожланиши оқибатида сувдан фойдаланиш тизими анча мураккаблашди. Хусусан, илгари қишлоқ хўжалиги ерлари ширкат хўжаликлари ихтиёрида ва ҳудудни сув билан таъминлаш ҳам улар зиммасида эди. Бугунги кунда бу масала аксарият ривожланган давлатлар сингари Сув истемолчилари уюшмаси томонидан тартибга солиниб борилмоқда.

Қашқадарё вилоятида 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра 144 та уюшма фаолият кўрсатган, улар томонидан 505,6 минг га ер майдони сув таъминотини, ирригация инфратузилмаси ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича самарали ишлар олиб борилган. Вилоят СИУлари тасарруфида 320 та насос агрегатлари мавжуд, шундан 222 таси электр қувватли, 98 таси дизел қувватли насослардир. Шунингдек, уларга 270 дона турли хил машина-тракторлар, жумладан 33 та экскаватор, 39 та бульдозер, 42 та юк автомобиллар ва 110 та тракторлар бириктирилган.

СИУлар балансида 6,7 минг км зовур тармоқлари (шундан 3,1 км очиқ ва 3,6 км ёпиқ зовур тармоқлари), 13,9 минг км суғориш тармоқлари (9,6 минг км ер ўзанли, 2,9 минг км лоток тармоқлари, 1,4 минг км бетон каналлари) ҳамда 7,0 минг донага яқин гидропостлари мавжуд. Таҳлилларга кўра, вилоятда СИУлар ва улар аъзоларининг сони сўнгги йилларда ортиб бормоқда. Бу жараён фермер хўжаликлари сонининг ортиши билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Чунончи, 2008 йилда вилоятда фермер хўжаликлари сони энг юқори кўрсаткичга етган (29,7 мингдан зиёдни ташкил этган) бўлса, мазкур йилда СИУларнинг сони ҳам энг кўп бўлган (182 та).

Бу даврда бир СИУга ўртача 163,2 та фермер хўжаликлари мос келган. 2009 йилда фермер хўжаликлари ерларининг йириклашуви ва улар сонининг

кескин камайиши натижасида бир уюшмага тўғри келувчи фермер хўжаликлари сони ўртача 55,7 тани ташкил этган. Худди шу каби СИУлар хизмат кўрсатган ер майдони ҳам фермер хўжаликларига бириктирилган жами ер майдонининг кенгайишига боғлиқ ҳолда ўзгариб борган.

Умуман олганда, СИУлар томонидан сувни самарали тақсимлаш, сув сарфи миқдорини ҳисобга олиш зарурати тобора ортиб бормоқда. Айниқса, уларда сув ўлчаш асбоблари етишмаслигини бартараф этиш, сув ўлчаш тизимидаги техник муаммолар ҳар бир ҳududнинг ўз хусусиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда бартараф қилиш лозим. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, баъзи ҳолларда фермерларга сув миқдорлари тахминан ёки чамалаб тақсимланади. Бу эса, сув исрофгарчилигига ва сув танқис бўлган йилларда эса турли ижтимоий низоларга олиб келмоқда.

Айни вақтда, сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаётган, мазкур уюшмани тан олмайдиган ва сув ҳисобини юритишга иштирок этмаётган фермер хўжаликлари йўқ эмас. Шунингдек, СИУлар билан ҳамкорликда ишлаётган айрим фермер хўжаликлари тўлов қобилиятининг пастлиги ҳам улар ўртасида бир қанча муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Бундай келишмовчиликларни бартараф этиш ва иқтисодий муносабатларни янада самарали ташкил этиш мақсадида фермер хўжаликлари ва СИУлар ўзаро шартномалар асосида фаолият олиб боришлари, сув лимити бўйича томонлар ўртасида ҳисоб-китоб юритиш тизимини тубдан яхшилаш талаб этилади. Шу билан бирга, жойларнинг табиий ва иқтисодий географик шароитидан келиб чиқиб, СИУларни оптималлаштириш, уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Қашқадарё вилоятининг чўл ҳудудларида жойлашган туманлар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, жумладан, суғориладиган ерлар ҳажми кўп, ҳарорат ҳам етарли, аммо сув заҳиралари жуда оз. Айни вақтда тоғ ва тоғ олди ҳудудлар сув билан нисбатан яхши таъминланган, бироқ ер усти

тузилиши, геоморфологик ҳолати ҳамда демографик вазияти ҳудудда ер танқислигига олиб келган. Бу эса, ўша ҳудудларда таркиб топган фермер хўжаликларининг ер-сув ресурсларидан фойдаланишига бевосита таъсир этади.

## Учинчи боб хулосаси

Қашқадарё вилояти республикамизнинг йирик қишлоқ хўжалиги минтақаларидан бири ҳисобланади. У, айни вақтда, пахта, ғалла ва ипак қурти маҳсулотлари етиштиришда ҳамда йирик шохли қорамоллар ва қўй-эчкилар сони ёки гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда етакчи вилоятлар сирасига киради. Шунингдек, ушбу минтақа табиий шароитининг турли-туманлиги, яъни баланд тоғлар билан бир қаторда, бу ерда типик чўл, лалмикор ерлар, яйловларнинг шаклланганлиги республикамизнинг барча ҳудудлари учун мос келадиган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Қашқадарё вилоятининг табиий шароити ер-сув ресурслари билан турлича таъминланишига сабаб бўлган. Бу эса, фермер хўжаликларининг ҳудудий ихтисослашувида яққол акс этади. Жумладан, вилоятнинг тоғ ва тоғ оралиқ ботиқларида жойлашган туманлари табиий шароити – рельефи, иқлими, агроиқлимий ресурслари, ер-сув ресурслари билан таъминланганлик даражасига кўра ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, тоғ ҳудудида жойлашганлиги, сув ресурсларининг етарлилиги, суғориладиган ерларнинг камлиги, қишлоқ хўжалигида, асосан, мева-сабзавотчилик, узумчилик, чорвачилик тармоқларига ихтисослашуви билан ажралиб туради.

Вилоятнинг Чироқчи, Қамаши ва Ғузор туманларида обикор деҳқончилик билан бирга лалмикор деҳқончилик ҳамда тоғ яйлов чорвачилигини ривожлантириш имконияти юқори. Хусусан, экин майдонларининг 30 фоизига яқини суғорилмасдан ҳосил олинадиган ерлар ҳисобланади. Минтақанинг текислик (чўл) минтақаси пахтачилик, сабзавот

ва полизчилик, шунингдек, чўл-яйлов чорвачилигига ихтисослашган. Ушбу текисликда жойлашган туманлар вилоятнинг 41,6 % майдонини эгаллагани ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли ярмини (47,2 %) етиштиради. Бу ерда табиий шароит – ер усти тузилиши, намгарчилик ва сув ресурсларининг таъсири натижасида вужудга келган пахтачилик агросаноат мажмуи ривожланиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоят фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувининг энг катта улуши, яъни 3/4 қисмига яқини пахтачилик ва ғаллачиликка тўғри келади. Деҳқончиликнинг ушбу стратегик тармоқлари давлат буюртмаси асосида маҳсулот яратади ва бу жараён уларнинг ихтисослашувида ҳам сезилади.

Фермерчилик соҳаси ихтисослашувини хўжаликлар даражасида ўрганиш натижасида уларга бириктирилган ер майдонларининг ҳажми хўжаликлар ихтисослашувини яққол намоён этиши маълум бўлди. Масалан, кичик хўжаликлар балиқчилик, паррандачилик, интенсив боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган бўлса, ўртача катталикдаги хўжаликлар, асосан, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик ва кўчатчиликка йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Ер майдони нисбатан каттароқ хўжаликлар эса полиз, сабзавот, мева, узум билан бирга қисман ғалла маҳсулотларини етиштирадилар. Энг йириклари яйлов чорвачилиги ва лалмикор ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликлардир.

Фермер хўжаликларининг ҳиссаси қишлоқ хўжалиги тармоқлари доирасида турлича шаклланган. У, айниқса, пахта, ғалла, полиз, узум ва пилла маҳсулотларини етиштиришда бошқа мулкчилик шаклларидан яққол ажралиб туради. Бироқ, таъкидлаш жоизки, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ушбу соҳанинг улуши паст даражада сақланиб қолмоқда.

# IV-БОБ. ВИЛОЯТ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ ВА ҲУДУДИЙ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 4.1-§. Вилоят фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштиришнинг асосий муаммолари

Республикамизда фермер хўжаликларини ривожлантириш ва ихтисослашувини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлсада, бу борада амалиётга жорий қилинаётган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларининг салмоғи ҳамда соҳа қонунчилигидаги ўзгаришлар фермерчиликни ҳанузгача барқарор ривожланиш йўлига тушмаганлигидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликлари тараққиёти, асосан, қуйидаги омилларга боғлиқ: фермер хўжаликларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини самарали ташкил этиш; фермер хўжаликлари билан боғлиқ ҳуқуқий-меъёрий асосларни такомиллаштириш; фермерларни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш ва эскирганларини янгилаб бориш; фермерларга ажратилаётган кредит ставкаларини пасайтириш ва имтиёзли солиқ тизимини жорий этиш; ахборот, хизмат кўрсатиш ва қайта ишлаш соҳаларини янада ривожлантириш ва бошқ.

Қишлоқ хўжалигининг, хусусан, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган янги мулкчилик шаклларининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилиши мураккаб жараён ҳисобланиб, бу йўналишдаги тадқиқотларда мажмуали (комплекс) географик ёндошувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий-меъёрий шарт-шароитлар билан бирга, ушбу соҳа ривожланишида географик омилларни ҳам ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги даврда республикамизда фермер хўжаликлари тўғрисидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилаётган бўлсада, мазкур мулкчилик шаклининг ихтисослашуви ва ривожланишининг таркиб

топишида минтақаларнинг ўзига хос географик шароитлари етарлича эътиборга олинмаяпти.

Шу боисдан, фермер хўжаликларининг тармоқлар ва ҳудудий таркиби, ихтисослашувини такомиллаштириш, фермер хўжаликлари ерларини оптималлаштиришда ҳудуд имкониятларини ҳисобга олиш, минтақалар ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, фермер хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ўзаро уйғунликда ривожлантириш борасида ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини, хусусан, фермер хўжаликларини минтақалар табиий шароити ва агроиқлимий ресурсларининг ҳолатига боғлиқ равишда ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослашувини такомиллаштиришнинг мураккаблиги пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасининг мавжудлиги билан изоҳланади. Бу жараён фермер хўжаликларида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга салбий таъсир этади, шунингдек, алмашлаб экиш тизимини самарали йўлга қўйишга имкон бермайди.

Деҳқончиликка нисбатан чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг ҳиссаси паст даражада. Ваҳоланки, фермер хўжаликларида чорвачиликни ташкил этиш, чорва молларини ем-хашак билан таъминлаш, маҳсулдорлигини ошириш ва олинган маҳсулотларни қайта ишлашда замонавий технологияларни қўллаш имкониятлари бирмунча яхшироқ. Деҳқон хўжаликлари нисбатан кичик хўжаликлар бўлганлиги сабабли, улар илғор технологияларни сотиб олиш ва жойлаштиришда ҳам молиявий, ҳам инфратузилма борасида кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Шу нуқтаи назардан, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда фермер хўжаликлари улушини жадал орттириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Қашқадарё вилоятининг ички табиий шароити деярли барча қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш имкониятини беради. Вилоятнинг

тоғ олди ҳудудлари Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ туманларида боғдорчилик-узумчилик, Чироқчи, Қамаши ва Ғузор туманларида чорвачилик, текисликда жойлашган туманларида полизчиликни ривожлантириш борасида етарлича шароитлар мавжуд. Шу боис, бу ерда фермер хўжаликлари ихтисослашувини айни шу йўналишларда кенгайтириш ҳисобига такомиллаштирилиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Вилоятда СИУлар томонидан сувни самарали тақсимлаш, сув сарфи миқдорини ҳисобга олиш зарурати тобора ортиб бормоқда. Айниқса, уларда сув ўлчаш асбоблари етишмаслигини бартараф этиш, сув ўлчаш тизимидаги техник муаммоларни ҳар бир ҳудуднинг ўз хусусиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда бартараф қилиш лозим. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, баъзи ҳолларда фермерларга сув миқдорлари тахминан ёки чамалаб тақсимланади. Бу эса, сув исрофгарчилигига ва сув танқис бўлган йилларда эса турли ижтимоий низоларга олиб келмоқда. Айни вақтда, сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаётган, мазкур уюшмани тан олмайдиган ва сув ҳисобини юритишга иштирок этмаётган фермер хўжаликлари ҳам мавжуд. Шунингдек, СИУлар билан ҳамкорликда ишлаётган айрим фермер хўжаликларининг тўлов қобилиятини пастлиги ҳам улар ўртасида бир қанча муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ҳудудий таркибини такомиллаштириш муаммоларини комплекс ўрганиш мақсадида кластер ёндашувидан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Ушбу тадқиқот ишида мавжуд муаммоларни ҳудудлар кесимида аниқлаш мақсадида кластерлашиш салоҳияти пахтачилик тармоғи мисолида ўрганилди (чунки, вилоят жами фермер хўжаликларининг 3/4 қисми айнан пахта етиштиришга ихтисослашган).

Республика ҳукумати томонидан пахтачилик тармоғида ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш, уларни фаолияти жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, анъанавий усулда

“охирги 10 йил мобайнида минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари ва уруғлик нархининг ўсиши билан пахта хом ашёси ва ғаллани харид қилиш нархлари ўсиши ўртасида кескин фарқ борлиги кузатилмоқда” [11; 41-б.].

Маълумки, М.Портер кластерли ривожланиш назариясининг асисчиси бўлиб, у мазкур ёндашув асосида турли мамлакатларнинг 100 дан ортиқ тармоқларида рақобат муҳитини тадқиқ этган. У бир тармоққа тегишли корхоналар айнан бир мамлакат ва ҳаттоки мамлакатнинг муайян бир ҳудудида тўпланиш хусусиятига эътибор қаратган. Кластер – бир-бирига боғлиқ соҳалар ўртасида иқтисодий фаолликнинг ҳудудий шакли ҳисобланади.

Кластерлашиш салоҳияти қуйидагиларга асосланган ҳолда ҳисобланади:

$К_{ИЧ}$ – ишлаб чиқариш коэффициенти туманда ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг туманлар бўйича ўртача маҳсулот ҳажмига нисбати.

$К_{И}$ – ихтисослашув коэффициенти – вилоят бўйича муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмида туман улушининг вилоят ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришида шу туманнинг улушига нисбати.

$К_{ҚИ}$ – қайта ишлаш саноатининг ривожланиш коэффициенти – туман бўйича маҳсулотни қайта ишлашда мавжуд қувватларнинг[3] туманлар ўртача қайта ишлаш қувватларига нисбати.

$К_{АЖБ}$ – аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш коэффициенти – туманнинг вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улушининг туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига нисбати.

Кластерлашиш салоҳиятини баҳолаш формуласи [52; 421-424 б.]:

$$К_{С} = К_{ИЧ}*К_{И}*К_{ҚИ}*К_{АЖБ}$$

Агар $К_{С} \geq 1$ бўлса, бунда кластерлашиши салоҳияти юқори бўлади.

---

[3] Мазкур тадқиқот ишида пахта тозалаш корхоналари олинган.

4.1-жадвалдан кўриниб турибдики, Қашқадарё вилоятида пахта ишлаб чиқариш коэффициенти Қарши чўли минтақасида, яъни Касби, Косон, Миришкор, Нишон ва Қарши туманларида юқори бўлса, қолган туманларда у паст даражада. Ихтисослашув коэффициентида ҳам худди шу ҳолат деярли такрорланади. Қайта ишлаш кўрсаткичи Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида паст даражада бўлса, Ғузор бу жараёнда умуман иштирок этмайди.

4.1-жадвал

**Қашқадарё вилояти туманларида пахта ишлаб чиқаришнинг каластерлашиш салоҳияти коэффициенти**

| № | Туманлар | ИЧК | ИК | ҚИК | АЖБК | Кластерлашиш салоҳияти |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Касби | 1,735 | 2,118 | 1,738 | 2,683 | 17,135 |
| 2. | Косон | 1,826 | 1,942 | 1,757 | 1,942 | 12,079 |
| 3. | Миришкор | 1,425 | 1,859 | 1,497 | 3,567 | 14,145 |
| 4. | Муборак | 0,657 | 1,325 | 0,698 | 2,111 | 1,283 |
| 5. | Нишон | 1,315 | 1,846 | 1,197 | 2,667 | 7,749 |
| 6. | Чироқчи | 0,575 | 0,482 | 0,576 | 0,438 | 0,070 |
| 7. | Шаҳрисабз | 0,476 | 0,458 | 0,348 | 0,339 | 0,026 |
| 8. | Яккабоғ | 0,576 | 0,612 | 0,467 | 0,650 | 0,107 |
| 9. | Қамаши | 0,618 | 0,682 | 1,396 | 0,707 | 0,416 |
| 10. | Қарши | 1,332 | 1,322 | 1,325 | 1,608 | 3,752 |
| 11. | Ғузор | 0,463 | 0,651 | | 0,443 | 0,133 |

Жадвал Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Изоҳ: Китоб ва Деҳқонобод туманларида пахта етиштирилмайди, шунинг учун ушбу туманлар жадвалга киритилмаган.

Умуман олганда, Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида етиштирилаётган пахта маҳсулотларининг кластерлашиш кўрсаткичи Касби, Косон, Миришкор ва Нишон туманларида жуда юқори. Шунингдек, Қарши

ва Муборак туманларида ҳам бир мунча юқори коэффициент шаклланган. Шу нуқтаи назардан, мазкур туманларда пахтачилик кластерларини ташкил этиш зарур. Бироқ, Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ ва Ғузор туманларида мазкур кўрсаткич жуда паст. Шу боис, ушбу туманларда фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини боғдорчилик-узумчилик ва сабзавотчилик-полизчилик ҳамда ғаллачиликка кенгайтириш эвазига такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

Шулар қаторида, Қашқадарё вилоятининг табиий шароити турлича бўлган ҳудудларида кўп тармоқли фермерчиликни ривожлантириш, уларни диверсификация қилиш, ихтисослашувини тўғри ташкил этиш, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда. Шунингдек, фермер хўжаликларини кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш, улар фаолиятини такомиллаштириш, таъминот, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш ҳамда бу борадаги муаммоларни бартараф этиш талаб этилади.

## 4.2-§. Минтақа фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларини ихтисослаштириш ва ривожлантириш имкониятининг юқорилиги унинг табиий шароити билан белгиланади. Бунинг учун, энг аввало, қуйидагиларга эътиборни кучайтириш лозим.

Вилоятда пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликларни, асосан, Қарши чўли минтақасида жойлашган туманларда ривожлантириш, бунинг учун, мазкур туманларда селекция ишларини тўғри ташкил этиш ва жойларнинг табиий имкониятларига мос келадиган пахтанинг янги навларини яратиш, ирригация ва мелиорация ишларини яхшилаш, мавжуд

сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ эррозияси ва шўрланишга қарши курашиш ишларини изчил ҳал этиб бориш зарур.

Сабзавот ва картошкачилик фермер хўжаликларини, айниқса, шаҳарлар (Шаҳрисабз, Китоб, Қарши ва бошқ.) атрофида ривожланишига кенг имкониятлар яратиш ва уларнинг мазкур маҳсулотларни етиштириш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотиш, инфратузилма ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Паррандачиликнинг ривожланишига, энг аввало, истеъмол, озуқа ва экологик омиллар кучли таъсир кўрсатади. Шу боис, ушбу тармоқни ёки унга ихтисослашган хўжаликларни аҳолиси зич ҳудудлар (шаҳарлар) билан қишлоқ хўжалигида ғаллачилик яхши йўлга қўйилган минтақалар (деярли барча туманларда) оралиғида жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Вилоятда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган хўжаликларни истиқболда, асосан, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида ривожлантириш лозим. Шунингдек, Ғузор ва Қамаши туманларида ҳам янги боғлар ва токзорлар барпо этиш мумкин. Хусусан, вилоятда бу борада қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинди:

- ҳар бир туманнинг тупроқ-иқлим шароитлари, шунингдек ташқи ва ички бозордаги талабни инобатга олиб, узум ва меванинг самарали ва саноатбоп навларини оқилона жойлаштириш лозим;
- янги ток-мевазорлар барпо этиш ва яроқсизларини реконструкция қилиш учун талаб этиладиган сифатли ток-мева кўчатларини етказиб бериш мақсадида махсус кўчатчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларни зарурий маблағлар билан таъминлаш;
- минтақаларда агроиқлимий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда, мева ва узумнинг юқори ҳосил берадиган навларини аниқлаш;
- янги боғ ва токзорлар барпо этадиган фермер хўжаликларини аниқлаш ва улар сафини кенгайтириш;

- туманлардаги фермер хўжаликларида боғдорчилик ва токзорларда қатор орасига ишлов берадиган техникаларни (узум плуги, минерал ўғит солиш механизми, кимёвий ишлов бериш техникаси ва пуркагич техникалари) ҳамда кичик занжирли тракторлар ва унинг очиш мосламалари харид қилиш қобилияти бўлган фермер хўжаликларини аниқлаш ва уларга ташкилий-иқтисодий кўмак бериш;
- вилоятларда боғдорчилик-узумчиликка хизмат кўрсатишга ихтисослашган инфратузилмани ташкил этиш, жумладан, ҳар бир туманда: мева ва ток кўчатлари етиштиришга ихтисослашган кўчатхоналар ҳамда минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар сотиш учун дўконлар ташкил этиш, қадоқловчи цехларни, боғ ва токзорларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоялаш хизматини яратиш;
- минтақалардаги қайта ишлаш корхоналари томонидан янги қувватларни ишга тушириш, реконструкция ва модернизация ишларини амалга ошириш, жумладан, замонавий вино-ароқ қадоқлаш ускунасини ўрнатиш, илғор технологиялар асосида конияк, спирт ишлаб чиқаришни ва, шунингдек, мева шарбатлари, узум шинниси, қуритилган мевалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Вилоятда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини Чироқчи, Деҳқонобод каби туманларда ривожлантириш имконияти қулай. Ушбу тармоқ тараққиёти учун, энг аввало, қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- фермер хўжаликларига ажратилган ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш асосида фермер хўжаликларининг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш;
- чорва моллари наслдорлиги ва маҳсулдорлигини яхшилашда замонавий зоотехника, ветеринария ва селекция ютуқларидан кенг фойдаланиш;

- минтақаларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, уларни ихтисослаштиришни такомиллаштириш ва бунда боқиладиган чорва молларини тўғри танлаш (масалан, сут ишлаб чиқаришга йўналтирилган хўжаликларда сигирлар салмоғи юқори бўлиши лозим);

- етиштирилган маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш борасидаги ишларни кенгайтириш талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликлари ривожланишида, экинларга ишлов беришда қишлоқ хўжалиги техникаларининг аҳамияти юқори. Вилоятда айрим фермер хўжаликларида бирорта ҳам техника мавжуд эмас. Мамлакатимизда қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан ўринли фойдаланган ҳолда ҳар бир фермер хўжалиги, аввало, моддий-техника базасини мустаҳкамлаши зарур.

Фермер хўжаликларида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун, энг аввало, қуйидагиларга амал қилиш талаб этилади: алмашлаб экиш қоидаларига қатъий риоя қилиш; минерал ўғитлар ҳамда заҳарли химикатларни белгиланган меъёрда ва ўз вақтида ишлатиш; органик ўғитлардан кўпроқ ва самарали фойдаланиш; нишаблик даражаси юқори бўлган ҳудудларни суғоришда жарланиш ва эррозия жараёнлари ривожланишига йўл қўймаслик; шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ўз вақтида яхшилаш; ер ости сувларининг ҳаракати суст минтақаларда коллектор-зовур тармоқларини қуриш ва мавжудларини тозалаш; суғоришда тежамли усуллардан фойдаланишни кенг жорий этиш ва ҳ.к.

Мазкур усулларни қўллаш орқали ерларнинг ҳосилдорлигини яхшилаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш ва шу туфайли фермер хўжаликлари мавқеини янада мустаҳкамлаш мумкин. Айни вақтда ушбу устувор йўналишлар минтақаларнинг табиий-географик, геоэкологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда фермер хўжаликлари ва СИУ лар ўртасида сув лимити ҳисоб-китоб юритиш тизимини тубдан яхшилаш талаб этилади. Шу билан бирга, жойларнинг табиий ва иқтисодий географик шароитидан келиб чиқиб, СИУларни оптималлаштириш, уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Қашқадарё вилояти табиий шароитининг турли-туманлиги ҳудудий меҳнат тақсимотининг кенг ривожланишига қулай имкон яратади. Хусусан, бу ерда воҳа ва водийлар, тоғ ва тоғ олди ҳудудлари ҳамда йирик чўлларнинг мавжудлиги вилоят табиатининг ўзига хос географик хусусиятларини акс эттиради. Айни вақтда, бундай вазият фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришда ҳудудлар имкониятини ҳисобга олишни талаб этади. Хусусан, вилоятнинг текислик ҳудудларида агроиқтисодиёт кўпроқ пахтачилик, ғаллачилик, полиз ва сабзавотчилик, чўл-яйлов чорвачилиги, қоракўлчилик, йилқи ва туячилик фермер хўжаликларини ривожлантириш учун қулай бўлса, тоғ ва тоғ олди минтақалари эса боғдорчилик, узумчилик, ғаллачилик (баҳорикор), қўйчилик, қорамолчилик ва асаларичиликка ихтисослашган хўжаликларни юксалишига кўпроқ шароит яратади.

Тоғ ва тоғ олди районини икки гуруҳ – ўртача ва баланд тоғ минтақаси (денгиз сатҳидан баланлиги 1000 метрдан юқори) ҳамда паст тоғлар ва тоғ олди ҳудудлари (500-1000 м.) га ажратиб ўрганиш мумкин. Биринчиси қишлоқ хўжалигида тоғ-яйлов чорвачилиги ва тоғ асаларичилигининг тараққий этишига имкон берса, иккинчисида боғдорчилик, лалмикор деҳқончилик, узумчилик билан бирга ем-хашак етиштириш ва шу асосда қорамолчилик, қўй ва эчкичилик каби соҳаларни ривожлантиришга қулайлик туғдиради. Айтиш мумкинки, иккинчи гуруҳ ҳудудларда фермер хўжаликларини диверсификация қилиш, яъни тармоқлантириш имконияти кўпроқ.

Ўз навбатида, вилоятнинг текислик ҳудудини тўрт гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мумкин. Булар:

1. Қадимдан ўзлаштирилган ҳудудлар (Китоб-Шаҳрисабз ботиғи ва бошқ.)

2. Янги ўзлаштирилган ерлар (Касби, Косон, Миришкор, Муборак, Нишон ва Қарши туманлари).

3. Суғорма деҳқончилик ривожланмаган чўл минтақалари (Миришкор ва Муборак туманларининг ўзлаштирилмаган қисми).

4. Йирик шаҳарлар атрофи ёки урбанизациялашган ҳудудлар (Шаҳрисабз, Китоб ва Қарши шаҳарлари атрофи).

Қадимдан ўзлаштирилган ҳудудлар, одатда, тупроғи унумдор, сув ресурслари билан яхши таъминланган ва аҳолиси нисбатан зич жойлашганлиги билан бошқа районлардан ажралиб туради. Шунга боғлиқ ҳолда бу ерларда фермер хўжаликлари, асосан, кичик майдонли, ишчи-ходимлари сони кўп ҳамда стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган бўлади. Бундай минтақаларда алмашлаб экиш тизими бўйича юқоридагилар билан бирга мева-узум, маккажўхори, беда каби ем-хашак экинларини ҳам экиш ва, пировард натижада, турли йўналишдаги чорвачиликни ривожлантириш орқали кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ўтган асрда янги ерларни ўзлаштиришнинг асосий мақсади пахта майдонларини кенгайтириш ҳисобланган ва ушбу ҳудудлар ирригация инфратузилмаси шу нуқтаи назаридан барпо этилган. Мазкур жойларда ҳозирги кунда ҳам шу тармоққа йўналтирилган фермер хўжаликлари фаолият олиб бормоқда. Ўзлаштирилган чўлларда ем-хашакчиликни кенгайтириш эвазига чўл қўй ва эчкичилиги ҳамда йилқичилик хўжаликларини шакллантириш яхши самара беради.

Вилоятда суғорма деҳқончилик ривожланмаган чўл ҳудудлари салмоқли майдонларни эгаллайди. Улар, асосан, Миришкор, Муборак ва

Косон туманларида таркиб топган. Ушбу ҳудуд фермер хўжаликлари чўл-яйлов чорваларини боқишга ихтисослашган. Таъкидлаш жоизки, қоракўл қўйларининг айнан шу минтақаларда парвариш қилиниши бундай ерларнинг нақадар бебаҳо эканлигидан далолат беради. Бироқ, мазкур районлар хўжаликларини тармоқлантириш нисбатан мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки, сунъий суғориш орқали бирор экин турини экишнинг иложи йўқ. Фақатгина мавжудларини ривожлантириш ва шу орқали қайта ишлаш соҳаларини кенгайтириш мумкин, холос (4.2-жадвалга қаранг).

4.2-жадвал

**Қашқадарё вилоятининг табиий шароити турлича бўлган ҳудудларида кўп тармоқли фермер хўжаликларини шакллантириш йўналишлари**

| т/р | Агрогео-график зоналар | Асосий (ихтисослаш-ган) қишлоқ хўжалиги тармоғи | Ривожлантириш мумкин бўлган | | Қайта ишлаш соҳалари |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | иккинчи даражали тармоқлар | учинчи даражали тармоқлар | |
| **I.** | **Тоғ ва тоғ олди** | | | | |
| 1.1 | Ўртача ва баланд тоғ минтақаси | Тоғ-яйлов чорвачилиги, тоғ асаларичилиги | Доривор ўсимликчилик, пичан йиғиш | Уй хўжалик чорвалари | Гўшт маҳсулот-лари, асал олиш |
| 1.2 | Паст тоғлар ва тоғ олди ҳудудлари | Боғдорчилик, узумчилик, лалмикор деҳқончилик | Боғ ва ток оралиғида ем-хашак экинлари | Қорамолчилик, қўйчилик | Мева шарбати, узум винолари, гўшт ва сут маҳсулот-лари |
| **II.** | **Текислик** | | | | |
| 2.1 | Қадимдан ўзлаштирил-ган ҳудудлар | Интенсив деҳқончилик – пахтачилик, ғаллачилик, шоличилик | Маккажўхори, беда, дуккакли экинлар | Турли йўналишдаги чорвачилик | Пахта тозалаш, ун-ёрма, шоли оқлаш |
| 2.2 | Янги ўзлаштирил-ган ерлар | Пахтачилик, ғаллачилик | Ем-хашак етиштириш | Қўйчилик, эчкичилик, йилқичилик | Пахта тозалаш, ун ва омухта ем ишлаб чиқариш |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2.3 | Суғорма деҳқончилик ривожлан-маган чўл ҳудудлари | Экстенсив қишлоқ хўжалиги – чўл-яйлов чорвачилиги, қоракўлчилик | Туячилик | балиқчилик | Гўшт маҳсулот-ларини қайта ишлаш, тери ошлаш ва ишлов бериш |
| 2.4 | Шаҳар атрофи ҳудудлар | Сабзавотчилик, полизчилик, резавор мевалар | сут-гўшт чорвачилиги, паррандачилик | чўчқачилик | Сабзавот консерва-лари, сут-гўшт маҳсулот-лари, парранда гўшти |

Жадвал муаллиф томонидан тузилди.

Вилоятда урбанизация жараёнининг ривожланиб бориши, шаҳарлар сони ва аҳоли салмоғининг мунтазам ўсиши шаҳар атрофи фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва тараққий этишида муҳим роль ўйнайди. Хусусан, мазкур минтақалар фермер хўжаликлари ихтисослашувига юқоридаги районлардан фарқли равишда кўпроқ ўша жойнинг табиий шароити ва агроиқлимий ресурслари эмас, балки истеъмол омилининг таъсири кучлироқ бўлади. Йирик шаҳарлар атрофидаги хўжаликлар, асосан, шаҳар аҳолиси талабларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг эҳтиёжларини қондирувчи қишлоқ хўжалиги тармоқларига йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Бинобарин, урбанизациялашган ҳудудларда сабзавотчилик, боғдорчилик, сут-гўшт чорвачилиги, паррандачилик яхши ривожланган. Бундай маҳсулотларни шаҳарлар яқинида етиштирилишининг асосий сабаби, энг аввало, йирик истеъмол марказларига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, шунингдек, мазкур ҳудудда инфратузилманинг қулайлиги, тайёрланган маҳсулотни тўғридан-тўғри сотиш тизимининг мавжудлигидир. Агар бу маҳсулотлар шаҳарлардан узоқроқда тайёрланса, у ҳолда истеъмолчиларга етиб келгунга қадар унинг сифати салбий томонга ўзгаради, таннархи ҳам ошади. Чунки, мазкур маҳсулотлар камтранспорттабелли, яъни ташишга қулай эмас, қисқа вақт ичида асл ҳолини йўқотади.

Фермер хўжаликларини тармоқлантириш нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ ҳолда олиб борилади, балки бунда хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳам йўлга қўйиш самарали ҳисобланади. Хусусан, хўжаликлари негизида географик ўрнига боғлиқ ҳолда: аҳолига ҳизмат кўрсатиш соҳалари – суратхоналар ташкил қилиш, чўмилиш ҳавзалари, гўзаллик салони, дам олиш уйлари фаолиятини йўлга қўйиш, турли тўй ва бошқа маросимлар уйи, умумий овқатланиш шахобчалари, халқ ҳунармандчилиги, экотуризм, автомобилларга техник ёрдам кўрсатиш, пойабзал таъмирлаш ва тикиш, ёғочни қайта ишлаш ва қуритиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, мебель ясаш ва таъмирлаш, телерадио, видео, аудио аппаратларини созлаш устахоналари ташкил қилиш, тижорат, савдо-сотиқ корхоналари, яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш (озиқ-овқат маҳсулотлари, ип, калава ва бошқалар) кабиларни кенг йўлга қўйиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

## Тўртинчи боб хулосаси

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришда бир қатор муаммолар кўзга ташланади. Хусусан, вилоятнинг табиий шароити турлича бўлган ҳудудларида кўп тармоқли фермерчиликни ривожлантириш, уларни диверсификация қилиш, ихтисослашувини тўғри ташкил этиш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда. Шунингдек, фермер хўжаликларини кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш, улар фаолиятини такомиллаштириш, таъминот, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш ҳамда бу борадаги муаммоларни бартараф этиш талаб этилади.

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришда ҳудудларнинг табиий-аграр

имкониятларидан тўғри фойдаланиш лозим. Айтиш жоизки, бу минтақанинг ички табиий шароити деярли барча қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш имкониятини беради. Вилоятнинг тоғ олди ҳудудлари Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ туманларида боғдорчилик-узумчилик, Чироқчи, Қамаши ва Ғузор туманларида чорвачилик, текисликда жойлашган туманларда пахтачилик билан бирга полизчиликни ривожлантириш борасида етарлича шароитлар мавжуд. Шу боис, бу ерда фермер хўжаликлари ихтисослашувини айни шу йўналишларда кенгайтириш ҳисобига такомиллаштирилиб борилиши мақсадга мувофиқ.

## ХУЛОСА

1. Фермер хўжаликлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва ҳудудий ташкил этишда жойларнинг табиий шароити ҳамда аҳоли жойлашуви омилини ҳисобга олиш лозим. Хусусан, аҳоли зич жойлашган ва ер ресурслари тақчиллиги сезилаётган ҳудудларда фермер хўжаликларининг ер майдонларини ихчамлаштирган ҳолда, асосан, кўп меҳнат талаб тармоқларга (сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик) ихтисослаштириш мақсадга мувофиқ.

2. Республикамизда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришни жадаллаштириш лозим. Бу борада, фермер хўжаликларини тармоқлантириш нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ ҳолда, балки бунда хизмат кўрсатиш соҳаларини, айниқса, агротуризмни ҳам йўлга қўйиш самарали ҳисобланади. Шунингдек, фермер хўжаликлари негизида географик ўрнига боғлиқ ҳолда тижорат, савдо-сотиқ корхоналари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш (озиқ-овқат маҳсулотлари, ип-калава ва бошқ.), ёғочни тайёрлаш ва қайта ишлаш, умумий овқатланиш шахобчалари, халқ ҳунармандчилиги, рекреация кабиларни кенг йўлга қўйиш ва ривожлантириш талаб этилади.

3. Қашқадарё вилояти республикамиз агроиқтисодиётида салмоқли мавқега эга. Айтиш жоизки, бу минтақанинг ички табиий шароити деярли барча қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш имкониятини беради. Ушбу тадқиқот ишида асосий эътибор фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва ҳудудий таркибига қаратилган ҳолда Қашқадарё вилоятида тўртта район белгилаб олинди: боғдорчилик-узумчилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, сут-гўшт чорвачилигига ихтисослашган Шимоли-шарқий район (Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари); ғаллачилик, пахтачилик, гўшт-сут чорвачилигига ихтисослашган Марказий район (Чироқчи, Қамаши, Ғузор туманлари); лалми ғаллачилик ва тоғ-яйлов чорвачилиги етакчилик

қилаётган Жануби-шарқий район (Деҳқонобод тумани); пахтачилик, ғаллачилик, чўл-яйлов чорвачилигига ихтисослашган Ғарбий район (Касби, Косон, Миришкор, Муборак, Нишон, Қарши туманлари).

